

**Х.А. КАРИМОВ
Д.О. ОБЛАКУЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ
ҚОНУНИДА ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА БОШҚА
ШАФҚАТСИЗ, ФАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ
ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ
МУОМАЛА ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИНИ
ҚЎЛЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Монография

**Тошкент
«Адолат»
2014**

**УЎК: 343.255.5
КБК 67.408(5Ў)**

К-25

К-25 **Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида қийнокқа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаганлик учун жавобгарлик/Х. Каримов, Д. Облакулов – Т.: «Адолат», 2014 й. – 168 б.**

ISBN 978-9943-4377-3-9

**УЎК: 343.255.5
КБК 67.408**

Тошкент Давлат юридик университети илмий-услубий Кенгашининг 2014 йил 25 июнядаги 4-сонли баённомаси билан; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари Илмий Кенгашининг 2014 йил 26 июнядаги 6-сонли баённомаси билан чоп этиш учун тавсия этилган.

Масъул мухаррир:

Қ.Р.Абдурасурова, ТДЮУ “Жиноят хуқуқи ва криминология” кафедраси мудири, юридик фанлар доктори.

Тақризчилар:

Б.Х. Пўлатов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари катта ўқитувчиси – юридик фанлар доктори, профессор,

Б.Ж. Ахрапов, ТДЮУ “Жиноят хуқуқи ва криминология” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори,

А.И. Тошпўлатов, юридик фанлар номзоди, доцент.

Ушбу монографияда ижтимоий хавфли килмиш сифатида қийнокқа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала тушунчаси, қийнокни кўллаганлик учун жиноят жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ижтимоий зарурати ва ривожланиш тарихи, қийнокнинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш бўйича халқаро шартномалар ва халқаро механизмлар, қийнокқа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллашнинг жиноят-хуқуқий тавсифи, қийнокнинг квалификациявий белгилари ҳамда хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига қийнок учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг таҳлили ёритиб берилган.

Монография юридик олий ўкув юртларининг талабалари, магистрлари, мазкур масала бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга, суд ва хуқуқни муҳофаза килувчи ходимларга, шунингдек, ушбу мавзуга кизикувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4377-3-9

© Х.А. Каримов, Д.О. Облакулов, 2014 йил.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2014 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I боб.	Қийноққа солиш ва бошқа шашфқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр- қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг умумий тавсифи	9
1.1.	Қийноққа солиш ва бошқа шашфқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала тушунчаси	9
1.2.	Қийноққа солиш ва бошқа шашфқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ижтимоий зарурати ва ривожланиш тарихи	25
1.3.	Қийноққа солиш ва бошқа шашфқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш, унинг учун жазолаш бўйича халқаро шартномалар ва халқаро механизмлар	54
II боб.	Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида қийноққа солиш ва бошқа шашфқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр- қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятининг жиноят-хукуқий тавсифи	84
2.1.	Қийноққа солиш ва бошқа шашфқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг объектив белгилари	84

2.2. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг субъектив белгилари	114
III боб. Қийноқнинг квалификациявий белгилари ҳамда хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига қийноқ учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг таҳлили	134
3.1. Қийноқнинг квалификациявий (жавобгарликни оғирлаштирувчи) белгилари ҳамда жавобгарлик белгиланган қонун нормаларини такомиллаштириш масалалари	134
3.2. Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари	150
Хулоса	165

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вакт ичидаги амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида изчил ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон хуқуqlарини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, инсонни қадрлаш ва улуғлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Жиноий-хуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди”¹. Ўз навбатида жамиятни демократлаштириш умумисоний қадриятлар, инсон ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, қадр-қиммати, хуқук ва манфаатлари алоҳида эътироф этилишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида, “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тайзиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги белгиланган. Конституциямизнинг ушбу моддаси Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига² мос келади.

Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 19.

² **Изоҳ:** БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул килинган Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасида: “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак” деб белгиланган.

турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади.

Шундай қилиб, қийноққа солиш ва муомаланинг бошқача шафқатсиз (инсонийликка зид) ёки қадр-қимматни камситувчи турларига йўл қўйилмаслиги конституциявий принцип даражасида миллий қонунчилигимизда мустахкамланган.

Таъкидлаш лозимки, қийноқни халқаро хуқуқ ҳам қоралайди ҳамда давлатлар учун ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгилашни тавсия этади. Шу сабабли қийноқ феномени халқаро хуқуқ соҳасида ҳам жиноят хуқуқи соҳасида ҳам тадқиқ қилинадиган ижтимоий муносабат хисобланади.

Бугунги кунда қийноқ феномени кам ўрганилган тадқиқот объекти хисобланади ҳамда мазкур жиноятларга қарши кураш муаммоларини ўрганиш ва унинг олдини олиш борасида тадқиқот олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Қийноқ учун жавобгарликнинг айрим жиҳатлари М.Х. Рустамбоев, Б.Ж. Ахрапов, З. Иноғомжонова, Ф.Х. Рахимов, А.Х. Саидов, Н.С. Салаев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

К.Р. Абдурасулова, З.Х. Гулямов, Х.А. Каримов, Б.И. Исмоилов, Ж.И. Сафаров, А. Сатторовлар ушбу масаланинг айрим жиҳатларини алоҳида тадқиқот сифатида ўргангандар.

Ушбу мавзунинг турли жиҳатлари Р.С. Чобанян, В.Д. Гончаренко, Л.В. Лобанова, Н.В. Борисенкова, М.А. Гаранина, Г.Ю. Гладких, Л.К. Лосицкая, А.В. Федоров, К.Н. Бабиченко, П. Кривошеин (Россия Федерацияси); В.В. Кузнецов, Л.В. Дорош, О.В. Довгань, И. Мигович, Ю. Александров, К.В. Катеринчук, А. Шульга (Украина); К. Салимов (Озарбайжон); Р. Ақылбекова, И. Алдыбаева, А. Гришин, Г. Калиакбарова (Қозогистон); С. Багишбеков, У. Бабакулов (Қирғизистон); Н. Бахриева, Н. Зокирова, М. Мамадшоев, Р. Ульмасов (Тожикистон) сингари олимлар томонидан алоҳида тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатларда D. Skott, Kammiy Jiffar (Буюк Британия), У. Хусанходжаева (Буюк Британия Эссекск университети магистранти), Аллег Анри (Жазоир, Франция), Rouget D. (Франция) Sadiq Riza (АҚШ) сингари олимлар томонидан алоҳида тадқиқот сифатида, шунингдек, Alexander Zahar and Goran Sluiter (Буюк Британия), Bassiouni, Cherif M, Hoogh, Gilbert, Geoff (АҚШ), Van den Wyngaert Kriangsak Kittichaisaree, Ilias Bantekas, Helmut Kreicker (Германия Федератив Республикаси) сингари олим-лар қийноқнинг айрим жиҳатларини ўрганганлар.

Олимлар томонидан қийноқни қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик масалаларининг турли жиҳатлари илмий асослантирилиб, фойдали хуносалар ишлаб чиқилганига қарамай, мавзунинг барча жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган, кўплаб тадқиқотлар муаммонинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилишга қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қийноқнинг тарихий, ижтимоий, жиноят ва халқаро-хуқуқий жиҳатларини ўрганиш илмий нуқтаи назардан долзарб ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотда қуйидаги масалалар ҳал этилади:

- қийноқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала тушунчаси очиб берилади;
- қийноқ учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ижтимоий зарурати ва ривожланиш тарихи ёритилади;
- қийноқнинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш бўйича халқаро шартномалар ва халқаро механизмларнинг фаолияти таҳлил этилади;
- Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида қийноқса солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик жиноятининг жиноят-хуқуқий тавсифи ўрганилади;

- айрим хорижий давлатлар жиноят қонунлари мавзуга оид нормаларининг қиёсий тавсифи ўрганилади;

- олинган натижаларга мувофиқ жиноят қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилади.

Ушбу монографияни ёзишда соҳага оид илмий адабиётлардан, шунингдек, халқаро хуқуқ томонидан эътироф этилган халқаро норматив-хуқуқий хужжатлар билан бир қаторда мамлакатимиз Конституцияси ва қонун хужжат-ларидан кенг фойдаланилди.

Монографияда билдирилган фикр-мулоҳаза ва хулосалар юридик университет ва юридик факультетларда, Ички ишлар Академиясида дарс жараёнида, магистрлик диссертациялари, битириув малакавий ва курс ишларини ёзишда, ушбу мавзу бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланилиши мумкин, шунингдек амалиёт ходимлари учун ҳам зарур қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

**I боб. ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА БОШҚА
ШАФҚАТСИЗ, ФАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ ҚАДР-
ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА ҲАМДА
ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ҚҮЛЛАГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИ
ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН НОРМАЛАРНИНГ
УМУМИЙ ТАВСИФИ**

1.1. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала тушунчаси

“Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама химоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат”.¹

Бугунги кунда миллий қонунчилигимизнинг инсонпарварлик тамойиллари билан йўғрилганлиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкам муҳофазалаш имконини беради.

Муайян бир ҳодисани ўрганишга киришишдан аввал унинг моҳияти, тушунчасини билиб олиш зарур бўлади.

Қийноққа солиш тушунчасига берилган илк илмий таърифлардан бири Чезаре Беккария томонидан 1764 йилда ёзилган “Жиноятлар ва жазолар хақида” асарида таклиф қилинган таъриф ҳисобланади. Бу асарда қийноққа солиш айбланувчи устидан унинг иши бўйича юритилаётган тергов даврида ёки ундан жиноят содир этганлигига икрорлик кўрсатувчи олиш ёинки у сўроқ чоғида берган қарама-қарши кўрсатувларни тушунтиришга уни мажбурлаш ёхуд жиноят бўйича шерикларини айтишга уни мажбур этиш ёки у содир этган бўлиши мумкин бўлган бошқа жиноятларни очиш учун бажариладиган қийноқ ҳаракатлар сифатида таърифланади.

¹ И.А. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 31.

Ушбу таърифдан қийноқ тергов жараёни ёки жиноятларни очиш билан боғлиқ ҳолатларда қўлланилганлигини тушуниш мумкин.

“Қийноққа солиш” тушунчасининг норматив таърифи илк бор БМТнинг 1975 йил 9 декабрда қабул қилинган “Ҳамма шахсларни қийноқлардан, бошқа қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Декларациясида берилган. Мазкур Декларацияда “қийноққа солиш” тушунчасининг мазмуни хусусидаги турли хил қарашлар ривожлантирилган ва 1-моддасида у “расмий шахс томонидан ёки унинг кўрсатмасига биноан инсонга ундан ёки учинчи шахсдан ахборот ёки икрорлик кўрсатувлари олиш, у содир этган ёки содир этганликда гумон қилинаётган харакатлар учун уни жазолаш ёинки уни ёки бошқа шахсларни қўрқитиш мақсадида била туриб кучли оғриқ ёхуд жисмоний ёки ақлий азоб-уқубатлар етказишига қаратилган хар қандай харакат”¹, деб таърифланган.

1984 йил 10 декабря БМТ томонидан қабул қилинган “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши” Конвенциянинг 1-моддасида эса, қийноқ қўйидагича таърифланади: “қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан мъълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган харакат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гиж-гижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигигида ёки индамай розилиги билан хар қандай тусдаги камситиш асосланган

¹ www.terralegis.org/terra/ind_act.html

исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб бериш каби харакатларни содир этиш”¹.

Конвенцияга факат қонуний санкциялар натижасида вужудга келадиган, улар билан узвий бўлган ёки улар билан боғлиқ ҳолда тасодифан етказиладиган оғриқ ва азоб-уқубатлар киритилмаган.

Юқорида келтирилган таърифга асосланган ҳолда қийноқни ташкил этувчи қуидаги учта асосий элементни ажратиш мумкин:

оғир жисмоний ёки маънавий азоб ёки озор етказиш;

давлат мансабдор шахсларининг рухсати, сукут сақлаган ҳолдаги розилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этилиши;

муайян мақсад, масалан, ахборот олиш, жазолаш ёки қўрқитиш мақсадида ҳуқуқбузарликни содир этиш.

Аксарият олимлар тўртинчи белги сифатида ноқонуний ҳаракатлар оқибатида оғриқ ва азоблар етказилишини ҳам таъкидлашади².

Демак, қийноқнинг асосий элементлари мавжудлиги қийноқقا согланлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юридик адабиётларда³ қийноқ тушунчасининг қуидаги ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган:

1) давомийлик ва мунтазамлик;

2) таъсир этиш усулига кўра, ўта шафқатсизлик билан содир этилиши;

¹ Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 130-I-сонли Қарорига асосан 1995 йил 31 августда кўшилган.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 205-модда.

² У.Хусанходжаева. Что такое пытки: понятие и квалификация.// Освещение проблемы пыток в масс-медиа центральной Азии. Алматы, Казахстан, 2008, Б.5; Ақылбекова Р., Алдыбаева И. Мониторинг свободы от пыток: опыт Казахстана .// Освещение проблемы пыток в масс-медиа центральной Азии. Алматы, Казахстан, 2008, Б.31–35.

³ Уголовное право. Особенная часть. Учебник / Под ред Н. И. Ветрова, Ю. И. Ляпунова. - М., 1998. - 656 с.

3) кучли оғриқ, оғир ва ўта оғир азоб ва қийноқ (жисмоний ва рухий) етказилиши;

4) айбнинг қасд тури ва муайян мақсаднинг кўзланиши.

Д.Р. Скотт “қийноқ ҳолат ва мақсадларидан ҳамда унинг тамом бўлиши ёки инсон хаётидан маҳрум этилишига сабаб бўлишидан қатъи назар, инсонга азоб ва оғриқ етказувчи ҳар қандай жараёндир”¹, деб таъкидлайди.

С. Ожегов эса, қийноқни “айбланувчини сўроқ қилишда жисмоний зўрлик ишлатиш, қийнаш”² деб таърифлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур тушунчага қўйидагича таъриф берилган бўлиб, унга кўра, қийноқ:

1) жисмоний ёки рухий азоб, азият, озор;

2) қийнаш ва азоблашнинг йўл, усувлари ва уларни қўллаш³ деб изоҳланади.

Айрим олимлар қийноқ мустақил маъно ва мазмун касб этмайди, деган ёндашувни маъқуллайдилар. Улар қийноқ деганда ғайриинсоний ҳамда инсон қадр-қиммати ва шаъни камситувчи муомаланинг етказилган азоблар нуқтаи назаридан нисбатан интенсив бўлган шаклини тушунадилар⁴.

Р.С Чобаняннинг фикрига кўра, қийноққа солиш, биринчи навбатда, жабрланувчини маълум ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш учун унга азоб, оғриқ беришда ифодаланадиган ғайриижтимоий қилмиш хисобланади⁵. Демак, қийноққа солишнинг ижтимоий моҳияти оғриқ,

¹ Скотт Д.Р. История пыток/ Превод с английского А.А.Обухова М.:Олмата пресс, 2002. С 20.

² Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. М., 1998. С. 760

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,, 2008.-Б.430.

⁴ Дженис М., Кэй Р. Бродли Э. Европейское право в области прав человека (Практика и комментарии). - М.: Права человека, 1997. - 147 с.

⁵ Чобанян Р.С. Пытка: уголовно-правовое и криминологическое исследование (12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право) Диссертация. к. ю. н. Науч. Рук. – д. ю. н.,профессор Мацкевич И.М. М.: 2007,Б. 35

азоб бериш, камситиш мақсадида инсонга таъсир кўрсатишининг шафқатсиз усууларини қўллаган ҳолда унинг хоҳиш-иродасини бостириш, мажбурлашда ифодаланади. Бунда жабрланувчи қийноқ остида амалга оширилган харакатлар туфайли рўй бериши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ўйлаш имкониятини йўқотади ва ўз ахволини яхшилашга умид қиласди. Масалан, оғриқ ва азобларнинг тўхтатилиши учун инсон жиноятни ўз бўйнига олиши мумкин.

Айрим олимлар қийноққа солишининг ўта шафқатсизлик билан содир этилишини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, бунда жабрланувчига нисбатан маҳсус усуулар, воситалар ва асбоб-ускуналар ёки айбдор томонидан жисмоний куч ишлатилади¹.

Ушбу мавзу бўйича тадқиқот ишларини олиб борган украиналик олима К. В. Катеринчукнинг фикрича, “қийноққа солиш – бу шахсдан қайсиdir маълумот олиш ёки кейинчалик жазолаш мақсадида иқрорлик олишни кўзлаган инсонийликка зид хатти-харакат ҳисобланади. Қийноққа солишининг мақсади – бу уни умумий жиноятлардан фарқловчи белгиларидан бири ҳисобланади”².

1969 йилги “Дания, Франция, Норвегия, Швеция ва Голландия” (Грек иши) иши бўйича қийноққа солиш “мақсади маълумот ёки иқрорлик олиш ёхуд жазолаш бўлган инсонийликка зид муносабат” сифатида эътироф этилган бўлса, 1978 йилги “Ирландия Бирлашган Қиролликка қарши” ишида қийноққа солиш “қасддан амалга ошириладиган, жиддий ва оғир азоблар

¹ Кривошеин П. Пытка: понятие, признаки / П. Кривошеин // Уголовное право. – 2005. – № 5. – С. 40–43.

² Катеринчук К.В. Криминально-правови та криминологични заходи запобігання катуванню: автореф. дис... канд. юрид. наук : 12.00.08 / К.В. Катеринчук; Держ. НДІ М-ва внутр. справ України. – К., 2010. – 15. с.

етказадиган инсонийликка зид муносабат” сифатида эътироф этилган¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қийноққа солинган шахсга жиддий руҳий жароҳатлар етказилади ва улар одатда асаб бузилишлари, депрессия ҳамда уйқусизликка олиб келади. Қийноққа солиш жараёнида инсон ўз тана-сидан нафратланади, боиси у танаси сабабли азобни бошидан ўтказади. Қийноққа солиш жабрланувчилари реаллик ва вақт ўтиши хиссиётларини йўқотиб боради². Бундан кўриниб турибдики, тан жароҳатлари етказиш, оддий усусларда дўппослаш, қийноққа солиш етказадиган даражадаги оқибатларга олиб келмайди.

Украиналик ҳукуқшунос Д.Г. Михайлеконинг таъ-кидлашича, қийноқ маълум бир мақсадга эришиш учун яъни: 1) жабрланувчини маълум ҳаракатларни амалга оширишга мажбуrlаш ёки ундан икрорлик олиш; 2) шахсни содир этган қилмиши учун жазолаш; 3) шахсни қўр-қитиши; 4) дискриминация ҳаракатларини амалга ошириш учун содир этилиши мумкин³.

В.Г. Вениаминовнинг фикрига кўра, қийноқ деганда, “муттасил равища дўппослаш ёки бошқа кўринишдаги зўрлик хусусиятидаги ҳаракатларнинг содир этилиши жисмоний ёки руҳий азият чекилишига олиб келиши” тан олиниши лозим⁴.

-
- 1 Зайцев Ю. Статья 3 Европейской конвенции о праве человека: специфика тлумачення та застосування// Заборона катування: Практика Европейского суду з прав людини / [уклад. Ю. Зайцев, О. Павличенко]. – К.: Укр. Центр Правничих Студий, 2001. – 194 с.; Ягунов Д.В. Практика Европейского суду з прав людини (прецеденти та коментари з питань криминального судочинства) / Д.В. Ягунов; за ред. та вступ. сл. Й.Л. Бронза, Адвокат. об-ня «Одес. обл. колегия адвокатив», рец.: В.О. Туляков, О.К. Вишняков, М.И. Пашковский, Т.О. Анцупова. – О. : Феникс, 2010. – 256 с.
 - 2 Александров Ю. Пытки: история вопроса// Ю. Александров// Преступление и на- казание: Пенитенциарный журнал. – 2008. – № 10. – С. 57–58.;
 - 3 Михайлекон Д.Г. (к.ю.н., доцент кафедри криминального права Национального университету «Одеська юридична академія») Криминально-правовая характеристика катування// Часопис Академії Адвокатури України – № 13 (4). 2011. Б.1-8.
 - 4 Вениаминов В.Г. Уголовная ответственность за побои и истязание: дис. ... канд. юрид. наук / В.Г.Вениаминов. – Саратов, 2005. – С. 25 - 41.

Таъкидлаш лозимки, муомала ва жазо турлари тўғрисида мутлақ стандартлар мавжуд эмас. Бунда уч асосий тушунча мавжудлигига эътибор бериш лозим: “қийнок”, “файриинсоний муомала (жазо)” ва “шаън ва қадр-қимматни камситувчи муомала (жазо)”. Улар бир-биридан хусусияти ва даражасига кўра фарқланади. Фикримизча, барча турдаги қийнокларни файриинсоний ҳамда шаън ва қадр-қимматни камситувчи муомала деб ҳисоблаш лозим.

Муомала, башарти, у шахсни бошқа шахслар олдида қўпол таҳқирласа ёхуд уни ўз иродаси ва виждонига қарши иш тутишга мажбур этса, шаън ва қадр-қимматни камситувчи деб топилади.

Файриинсоний муомала эса, шахсга қасддан чуқур жисмоний ёки маънавий азоб етказиши қамраб олади. Аммо, файриинсоний муомала туфайли берилган азобнинг даражаси қийноққа нисбатан кучсиз бўлади.

Қийноқ файриинсоний муомаланинг оғир даражаси бўлиб, у асосан маълумот олиш ёки иқрор қилиш мақсадида қўлланилади. Қийноқ қасддан содир этиладиган файриинсоний муомаланинг ўта тубанлиги ва ўта оғир ҳамда шафқатсиз азоб етказиши билан ажралиб туради¹.

Бу борада К.Р. Абдурасулованинг фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз: “қийноқ” тушунчаси билан “инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала” тушунчаси ўртасидаги фарқ азоб бериш интенсивлиги ҳар хиллигига ифодаланади. Қийноқ шафқатсиз муомаланинг нисбатан оғир тури. Бир маротаба содир этилган характерни ҳам унинг шафқатсизлик ва оғирлик даражасига қараб, қийноқ сифатида баҳолаш мумкин, деб ўйлаймиз”².

Юқоридаги олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, қийноққа солишнинг ижтимоий ва ҳукукий

¹ М. Де Сальвия. Статья 3. Запрещение пыток // Комментарий к Конвенции о защите прав человека и основных свобод и практика ее применения /Под ред. В.А.Туманова и Л.М. Энтина. – М.: НОРМА, 2002. – С. 31.

² Абдурасурова К.Р. Сафаров Ж.И. Қийноқ: миллий ва халқаро-хукукий жиҳатлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.21.

табиатидан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бериш мүмкин: қийноққа солиш бу – инсонни маълум ҳаракатларни бажаришга ёки улардан сақланишга, маълумот беришга мажбурлаш ёки қўрқитиши, камситиш мақсадида унга жисмоний ёки руҳий азоблар бериш орқали унинг эрки, иродаси эркинлигини ғайриқонуний бостиришда ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмишdir.

Қийноққа солишининг ижтимоий-хуқуқий баҳосига қуйидаги уч асосий белгилар таъсир кўрсатади:

а) шафқатсизлик;

б) мажбурлаш, камситиш, қўрқитиши натижасида инсон хукуқларига зўрлик билан тажовуз қилиш;

в) инсон эркига қарши ҳаракатни қилишга мажбурлаш.

С.И. Ожегов “шафқатсиз” атамасига “ҳаддан ортиқ қаҳри қаттиқ”, дея тавсиф беради¹.

Қийноққа солишининг жиноят-хуқуқий тушунчасини тавсифлашда шафқатсиз ва инсонийликка зид ҳаракатлар тушунчаларининг моҳиятига тўхталиш зарур.

Ўз навбатида қийноққа солишда, айниқса, шахс хукуқларининг муҳофаза қилиниши нуқтаи назаридан шафқатсизликнинг намоён бўлиш шакли ҳам муҳим ҳисобланади.

Шафқатсизлик тушунчасининг мазмуни оғриқ, жисмоний ва руҳий азоб-уқубатлар тушунчалари ёрдамида тавсифланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: шафқатсиз тушучаси қуйидагича таърифланади:

шафқатсиз – шафқат билмайдиган раҳм-шафқати йўқ, бирорвга ачинмайдиган, раҳм қилмайдиган, аямайдиган, раҳмсиз. Шафқатсиз муносабат, хатти-ҳаракат.²

Илмий адабиётларда шафқатсизликнинг белгилари ёки унинг даражаси қонунга хилоф ҳаракатларни бир-биридан

¹ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. М., 1981. С. 192.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилд. А. Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008 й.

фарқлаш учун хизмат қила олмаслиги таъкидланган¹. Г.И. Чечель ва бир қатор бошқа муаллифлар “қийнаш”, “азоблаш”, “дард” тушунчаларини таҳлил қилиб, бу тушунчалар бир сўз билан айтганда “шафқатсизлик” тушунчасига бирлаштирилиши мумкин², деган хulosага келганлар.

Бизнинг фикримизча, кенг маънода шафқатсизлик ўз ичига нафақат жисмоний зўрликни, балки рухий зўрликни ҳам қамраб олади.

Юқоридагилардан шундай хulosага келиш мумкинки, бу борада “шафқатсиз муносабат” ва “қийноққа солиш” тушунчаларини таҳлил қилганда муҳим бир жиҳатни кўрсатиши мумкин. Яъни, қийноққа солиш маълум мақсадга эришиш йўлида амалга оширилади.

Қийноққа солиш доимо шафқатсиз муомала натижасида келиб чиқади. Ҳар қандай шафқатсиз муомала эса, қийноқни келтириб чиқармайди.

Инсонийликка зид муомала эса, қийноққа солишга нисбатан кенг доирадаги ҳукуқбузарликларни қамраб олади. Бунда, жабрланувчига қилинган муомала узоқ вақт мобайнида қўлланилаётган, тан жароҳатлари ёки қучли жисмоний ёки рухий азобларга олиб келган бўлса, инсонийликка зид деб топилади.

Қийноққа солиш – бу шахсдан қайсиdir маълумот олиш ёки кейинчалик жазолаш мақсадида иқрорлик олишни қўзлаган инсонийликка зид хатти-ҳаракат ҳисобланади. Қийноққа солишнинг мақсади – бу уни умумий жиноятлардан ажратувчи белгиларидан бири ҳисобланади.

¹ Чобанян Рубен Стенанович Пытка: уголовно-правовое и криминологическое исследование (12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право) Диссертация. к. ю. н. Науч. Рук. – д. ю. н., профессор Мацкевич И.М. М.:2007,Б. 40

² Чечель Г. И. Квалификация истязания по действующему законодательству: учебное пособие. – Барнаул: Изд. Алтайского университета, 1989. – С. 54.; Антонян Ю. М. Преступления совершаемые с особой жестокостью // Государство и право. – 1992. – № 9. – С. 62-64.

Шу ўринда қийноқ, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноят сифатида “зўрлик” атамасига тўхталадиган бўлсак, бу тушунча ҳам турлича талқин қилинади.

Бундан ташқари, зўрлик жиноят содир этиш усулларидан бири бўлиб, қийноқ жинояти ҳам зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар қаторига киритилади¹.

Этимологик келиб чиқиши ва синонимик аҳамиятига кўра зўрлик қўйидагича тавсифланади:

1) зўрлик – кимгадир, нимагадир мажбурий таъсир кўрсатиш, мажбуrlаш, босим ўtkазиш, қонунсизлик, кимгадир жисмоний куч ишлатиш;

2) зўрлик ишлатиш – ўзганинг хоҳишига қарши мажбуrlаш, куч билан мажбур қилиш;

3) зўрлик билан – ғайритабиий, зўр бериб ва бошқалар².

Ўзбек тилида “зўрлик”

1) зўравонлик қилмоқ, куч ишлатмок; 2) кучлилик қилмоқ, таъсир кучи юқори бўлмоқ маъноларини англатади³.

Шунингдек, “зўрлик” атамаси остида “уялтирувчи, ранжитувчи, ноқонуний ва ўзбошимча харакат” тушунлади⁴.

Шундай қилиб, “зўрлик” атамаси жабрланувчига таъсир кўрсатишнинг кенг жиҳатларини англатади.

Манбаларда зўрликка шахснинг хоҳиш-иродасига қарши қасдан содир қилинадиган шахснинг ҳаёти, соғлифи, тана бутунлиги ва жисмоний эркинлигига тажовуз қилишга қаратилган ижтимоий хавфли, хуқуққа хилоф ходиса сифатида таъриф берилади⁵.

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 199.

² Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. С. 344.

³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. / Мадвалиев А. Тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 168.

⁴ Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка: В 2 т. М., 1989. Т. 2. С. 469.

⁵ Словарь основных терминов по уголовному праву, 2-е изд. / Под науч.ред. С.Т.Гаврилова, А.В.Покаместова. – Воронеж, 2003. – С. 39.

А.В. Ивашченко ва А.И. Марченко томонидан зўрликка “тўғридан-тўғри эркин хошиш-ирода ифодасига қарши қаратилган фаол ижтимоий хулқ-атвор бўлиб, инсон фаолиятининг бошқа бир қатор кўринишларидан фарқли ўла-роқ, айнан зўрликкина ўзида инсон эркини чеклашга қаратилган қилмишларда намоён бўлади”, деган таъриф берилади¹.

Р.Д. Шарапова эса, зўрлик тушунчасининг ҳақиқий маъносида бир шахснинг бошқа бир шахс хошиш-иродасига қарши равишда содир этадиган ҳаракатлари тушунилиши лозимлигини таъкидлаган².

А.В. Наумов эса, “зўрлик (шу жумладан, зарурий мудофаада ишлатиладиган зўрлик) қонуний бўлиб, факат уни қонунга хилоф ва ижтимоий хавфли бўлган воқеалардан ажратади билиш лозим”, дея таъкидлайди³.

Қ. Пайзуллаев эса, бу фикрга кўшилмайди ва майший маънодаги эмас, балки юридик маънодаги зўрлик аниқ таърифга эга бўлиши лозимлиги билан изохлайди ва зўрлик билан куч ишлатишни унга қарши ҳимояланиш билан қўшиб юбориш тўғри бўлмаслигини билдиради. Биз ҳам бу фикрга қўшиламиз⁴. Яъни, зўрлик ғайриқонуний ҳарактерга эга бўлади.

Зўрлик ишлатишнинг намоён бўлиши ҳақида умумий фикр билдирганда ўз мохиятига кўра улар турли хил бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Махсус адабиётларда жисмоний, руҳий, инструментал, интеллектуал, майший, оиласвий, ахлоқий, қуролли, сиёсий, мулкий, тарбиявий зўрлик, зўрлик мақсади ва бошқалар қайд этилган⁵.

-
- 1 Ивашенко А.Е., Марченко А.И. Методология правового исследования насилия // Социально-правовые борьбы с насилием. – Омск, 1996. – С. 4.
 - 2 Шарапова Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический пресс-центр, 2002. – С. 14.
 - 3 Наумов А.В. Уголовно-правовое значение насилия / В кн. “Насильственная преступность”. Под ред. В.Н.Кудрявцева и А.В.Наумова. – М., 1997. – С. 56.
 - 4 Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. Ўкув кўлланма / Масъул мух. ю.ф.д. Ф.Тахиров. – Т.: ТДЮИ , 2009.. – Б. 16.
 - 5 Иванова В.В. Преступное насилие. М., 2002. С. 7.

Р.С Чобаняннинг фикрига кўра, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ва инсон қадр-қимматини камситувчи муомала турлари зўрликнинг бир тоифасига киради. Улар маълум бир мақсадларга эришиш (хоҳиш-иродани бостириш у ёки бу ҳаракатларни бажаришга ёки улардан тийилишга, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, ўзининг бошқа хуқуқларини амалга оширишдан тийилишга мажбурлаш)да ёки турли ғайрижтимоий мақсадлар (масалан, ўч олиш, судланувчиларни таҳқирлаш ва б.)ни амалга оширишда усул сифатида фойдаланилади.

Зўрлик ишлатиш қонунни бузган ҳолда амалга оширилиши хуқуққа хилоф мақсадлар ва мотивларни кўзлаши боис ҳам хуқуққа хилоф мажбурлаш шаклларидан бири хисобланади¹. Бундан келиб чиқиб, зўрлик ишлатишнинг асосий белгиларини аниқлаб олиш мумкин. Турли ёндашувлар²га қарамасдан жиноят хуқуки фанида улар қаторига қўйидагиларни келтириш мумкин:

-
- 1 Мажбурлаш шакли сифатида зўрлик ишлатиш факат моддий куч ёки бошқа мажбурий чораларни кўллашда юкори даражадаги тезликни англатибина қолмайди, деган фикрга кўшилиш мумкин. Зўрлик ишлатишни факатгина мажбурлаш билан боғлаб бўлмайди. У, шунингдек, зўрлик ишлатишни обьектига бевосита тазиқ ўтказмоқ ёки уни ўйқотмоқ вазифаларини ҳам бажариши мумкин. (Каранг: Бужор В.Г. Криминологический анализ и предупреждение тяжкой насильтвенной преступности: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 1992. С. 23-24).
 - 2 Масалан, Ф.М. Джавадов зўрлик ишлатиш тушунчасини инсоннинг хоҳишига қарши амалга оширилган ва хаётга ёки соғлиқка зарар етказишга қаратилган инсон организмига қасдан ижтимоий ҳавфли таъсир ўтказиш, деб таърифлайди (Джавадов Ф.М. Квалификация насильтвенных преступлений, совершенных с применением оружия: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. М., 1985. С. 11.); Р.А. Базаров зўрлик ишлатишнинг қасдан содир этилишига ҳамда унинг бевосита ёки бильосита қўлланилиши мумкинлигига эътиборни қаратади (Базаров Р.А. Уголовно-правовая характеристика насилия // Проблемы обеспечения личной безопасности граждан: Труды Академии МВД России. М., 1995. С. 42-43); В.И. Симонов ва В.Г. Шумихин зўрлик ишлатишнинг асосий белгилари сифатида онгли равишида амалга оширилиши ва хуқуққа хилофлигини эътироф этишиб, зўрлик ишлатишга "ижтимоий мақсадларга зид мақсадга йўналтирилганлиги ёки бундай мақсадларни кондиришга қаратилганлиги ёки мазкур ҳолатда жисмоний куч ишлатишни конун тақиқлаганлиги ёхуд зўрлик ишлатилиши мумкинлиги ҳавфи боис хуқуққа хилоф бўлган бошқа шахснинг хоҳишига зид тарзда унинг соғлиги дахлсизлигини бузиш мақсадида онгли равишида жисмоний куч ишлатилиши", деб таъриф беришган (Симонов В.И., Шумихин В.Г. Квалификация насильтвенных посягательств на собственность. М., 1993. С. 24).

хукуққа хилофлилик ва ижтимоий хавфлилик; қасдан содир этилиши;

бошқа шахсга таъсир ўтказилиши; шахснинг хоҳишига зид тарзда таъсир ўтказилиши;

қўллаш пайтида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфлилик ёки соғлиқка турли даражадаги зарар етказиши ёки ўлимга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар;

эркинликни чеклаш¹.

Юқорида келтирилган қарашлардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, зўрлик қийноққа солишга нисбатан кенг тушунча ҳисобланади. Зўрлик қийноқнинг битта элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, қийноққа солишни зўрлик ишлатишнинг тури сифатида шафқатсиз ёки шахс қадр-қимматини камситувчи муомала сифатида кўриб чиқиш методологик жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Зўрлик ишлатишнинг алоҳида кўриниши сифатида қийноққа солишда юқоридаги белгилар юқори даражада на-моён бўлади, қийноққа солиш эса, жабрланувчидан бирор нарсага эришиш мақсадида унинг хоҳиш-иродасини бостиришдан иборатdir.

Файриинсоний муомала ёки жазо деганда, интенсивлик нуқтаи назаридан қийноқ пайтида етказилган азобга нисбатан заиф бўлган кучли жисмоний ёхуд руҳий азоб беришни тушуниш керак².

Р. Қабулов, А. Отажоновларнинг қайд этишларича, бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга – гипноз усулларини қўллаш, жабрланувчининг ақл-идроқини қўзғатувчи ва тормозлантирувчи жараёнга таъсир этувчи ҳамда унинг иродасидан маҳрум этувчи гиёҳванд моддала-

¹ Катеринчук К.В. Криминально-правовы та криминологычны заходи запобыгання катуванию: автореф. дис... канд. юрид. наук: 12.00.08 / К.В. Катеринчук; Держ. НДІ М-ва внутр. справ України. – К., 2010. – С. 20.

² Ихон хукуклари бўйича Европа судининг 1978 йил 18 январдаги Irland gegen Vereinigtes Kunikgreich иши бўйича Қарори. // Berger V. Op. cit. S. 84-85.

ри ёки психотроп воситалардан фойдаланиш, уйқу, озиқ-овқат бермаслик, асоссиз равишда маҳкумни бир кишилик камерага жойлаштириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи шаклдаги ишларни бажаришга мажбурулаш, сабабсиз равишда шахснинг яқинлари билан учрашини бекор қилиш ва шунга ўхшаш бошқа харакатларни киритиш мумкин¹.

Манбаларда қадр-қиммат тушунчаси шахснинг жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятларига, дунёкарашига қараб ўз-ўзини ички баҳолашидир² дея таърифланади.

Қадр-қиммат³ни камситувчи⁴ муомала ва жазо – бу жабрланувчини ҳақоратлаш, камситиш ёки жисмоний ва маънавий қаршилигини синдириш учун қўрқув, тушкунлик ва номукаммаллик ҳиссини уйғотишга қаратилган муомалани тушуниш керак⁵.

Қадр-қимматни камситувчи муомала деганда, жабрланувчига нисбатан қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ёки руҳий азоб етказиш (масалан, мутта-сил калтаклаш, озиқ-овқатдан, сувдан ва бошқалардан маҳрум этиш) ҳолларини тушуниш лозим.

¹ Кабулов Р., Отажонов А.А. Одил судловга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 26.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарх/А.А. Азизхўжаев ва бош. Т.:ТДЮИ, 2013. Б.110.; Одилкориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. Т.: “O’qituvchi”, 2012. Б.398.

³ **Изоҳ:** Қадр (арабча. – мікдор, ўлчов; даража, мартаба; тақдир, қисмат) 1) жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрни, ўзгалир) томонидан бўлган хурмат, эътибор. 2) хаётда тутган ўрни; ахамияти, мухимлик холати. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Мадвалиев А. Таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –

⁴ **Изоҳ:** “Камситмоқ, қадр-қийматни пастга туширмоқ; паст, арзимас, айбили қилиб қўрсатмоқ, ерга урмоқ; хукуқни чекламоқ, тенг хукуклиликдан маҳрум қилмоқ”.// Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилли. Т.2. / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 310.

⁵ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хукуки курси. VI том. Махсус кисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига карши жиноятлар. Дарслик. Т.: “ILM ZIYO” 2011. Б. 377.

Шахс шаъни деганда, шахс юриш-туришига нисбатан ўзга шахсларнинг берган маънавий-ахлоқий баҳоси тушунилади¹.

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва фурурини бир неча марта таҳқирлашни (масалан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб этиш ва ҳоказоларни) тушуниш керак².

Шунингдек, шахсга унинг қариндошлари ва яқинлари ни тез кунларда ҳалокатга учраши ҳақидаги ахборотлар ёрдамида маънавий азоб-уқубатлар етказилган ҳолларни ҳам жабрланувчига нисбатан шафқатсиз, ғайриинсоний муомалада бўлиш каби баҳолаш лозим.

Ҳалқаро-хуқуқий хужжатлар ва миллий ва хорижий хуқуқшунос олимларнинг илмий ишларидан келтирилган “қийноқ”қа берилган таърифларни ўрганиб, қийноқ тушунчасига қўйидагича таъриф берамиз:

1. “Қийноқ – бу “...шахсдан жиноят содир этганлиги ёхуд бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят учун икрорлик кўрсатувини олиш, бирор-бир ахборот олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш, бирор-бир хатти-ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мақсади билан шахсни қўрқитиш, камситиш, шунингдек, жисмоний ёхуд руҳий зўрлик кўрсатиши натижасида шахсга кучли руҳий азоб ёки жисмоний оғриқ етказишида намоён бўладиган, шафқатсизлик билан содир этиладиган ижтимоий ҳавфли қилмиш ҳисобланади.

2. Муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам қийноқ ҳолатла-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарх/А.А. Азизхўжаев ва бош. Т.:ТДЮИ, 2013. – Б.110.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти ишлари бўйича суд амалиёти түғрисида”ги Пленум қарори.

рига қараганда азоб беришнинг унча оғир бўлмаган дара-жасини ўз ичига олувчи атама ҳисобланади. Айни пайтда, шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолаш ва қийноқ тушунчалари бир хил тушунчалар эмас. Бундан ташқари, қийноқ хар доим қадр-қимматни камситувчи муомала бўлган. Биз шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 235-моддаси номини “**Қийноқ**” деб номлашни таклиф этамиз.

1.2. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ижтимоий зарурати ва ривожланиш тарихи

Инсоният тарихида қийноқнинг тақиқланишига оид нормалар бундан бир неча юз йиллар илгари пайдо бўлган.

Тарихий тараққиётнинг барча босқичларида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар объектига тажовуз қилиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар, яъни жиноятларга қарши кураш масаласи муҳим аҳамият касб этган¹.

Қадимги даврлардан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ҳамда жазо турларини қўллаш, қўрқитиш, айбига икрорлик ва кўрсатув беришга мажбуrlаш воситаси сифатида қўлланилганлиги маълум.

Хусусан, қийноқнинг турли хил кўринишлари қадимги Миср, Оссурия, Юнонистон ва Рим каби давлатларда кенг тарқалган. Ушбу давлатлар давлати ва ҳукуқи тарихига назар солсак, дастлабки даврларда қийноқ давлатлар томонидан расмий равишда қонуний қўлланилганлигини кузатишимиш мумкин.

Жумладан, қадимги Мисрда суд ишлари гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасам, ёзма далолатномалар, шунингдек, қийноқ (кўл ва оёқларига оғриқ етказиш) ва ордалия² исботлаш воситаси сифатида хизмат қилган.

Хаммурапи қонуларидан кўринадики, ордалиядан, биринчидан, хотин бевафолик қилишда айбланаётганда,

¹ Ражабова М. Ҳуқук ва адолат: ўтмиш, бугун ва истиқбол.-Т.: Юрист-медиа-маркази, 2009. – Б.342.

² Қадимги мисрда ордалиянинг сув билан синаш усули кўп қўлланилган.// Мухаммедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳукуқи тарихи //Дарслик I қисм. Т.: “Адолат”, 1999. – Б. 72–74.

иккинчидан, кимдир сехгарлик (афсунгарлик) қилишда айбланганда фойдаланилган. Қадимги Ҳиндистонда ордalia Ману қонунлари VIII боб, 15-моддасида беш хил: тарози билан, олов билан, сув билан, захар билан ҳамда қасам билан синаш усуллари орқали амалга оширилган.

Қадимги Хитойда эса, деярли барча тергов ишлари қийноқлар ёрдамида амалга оширилиб, бунда қийноқ айбланувчига, баъзан эса, талаб қилинган кўрсатмаларни беришдан бош тортган гувоҳларга нисбатан ҳам қўлланилган¹. К.П. Пайзуллаев, Н.С. Салаевнинг қайд этишича, қадимги Хитой жазо тизимида қўлланилган жазолар ўзининг ўта шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Жуда ёш болаларни ва қарияларни қийноққа солиб қатл этиш ҳоллари кўп бўлгани ҳақида ҳам айрим маълумотлар мавжуд.²

Қадимги Юнонистонда суд ишларида қийноқни қўллаш қулларга нисбатан кўпроқ қўлланилган бўлса, қадимги Римда эса, дастлаб қулларга кейинчалик қуий табақа вакилларига нисбатан қўлланган³.

Шуни алоҳида такидлаш мумкинки, Қадимги Юнонистонда қийноқ ва ордaliaя далил тўплашнинг муҳим турларидан бири ҳисобланган⁴. Аристотелнинг фикрича, “қийноқ маълум маънода гувоҳлик ҳисобланади: у қайси жи-

¹ Масалан, Қадимги Хитойда қийнок турли усуллар билан амалга оширилган бўлиб, жумладан, одам энсасидаги сочни кириб, устунга боғлаганлар, тепасига эса, ичига сув тўлдирилган сифим шундай мўлжал билан махкамланганки, сув томчилари унинг бошига бир маромда тушган. Орадан маълум вакт ўтгач, бу шундай азоб укубатлар уйғотганки, қийноқка солиниётган одам аклдан озган. Айни пайтда унга жисмоний зиён етказилмаган\ \ О.А.Омельченко Всеобщая история государства и права Учебник. Т.1. М.: 2007.

² Пайзуллаев К.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, хозирда ва келажакда. Рисола. – Т.: Turon-Iqbol, 2005 . – 280 б.;

³ Г.И. Тираспольский Беседы с палачом Казни, пытки и суровые наказания в Древнем Риме. \\\Прудников М.Н. История государства и права зарубежных стран: Учебник. М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2008.

⁴ Жумладан, қизиган темир босиш, қамчи билан савалаш, нарвонга осиб қўйиш, бурнига заҳарли модда қўйиш билан сўроқ қилинган.\ \А.Я. Гуриевич Пытка// Словарь средневековой культуры. М.: 2003. Б. 400-404.; Г.И. Тираспольский Беседы с палачом Казни, пытки и суровые наказания в Древнем Риме. Интернет манбаси. www.consultant.ru

ҳатлари биландир ишончли бўлганлиги боис унга зарурят сезилади”¹. Қадимги Юнонистон файласуфлари қийноқни далилларнинг энг мақбули сифатида баҳолашган².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, алоҳида таъкидлаш мумкинки, қадимги даврда давлатлар томонидан қийноқларни қўллаш далилларни тўплашнинг асосий тури сифатида машҳур бўлган.

Ўрта асрларга келиб, суд ва тергов жараёнида қийноқни қўллаш бирмунча кенгайганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Франклар давлатида муҳим ҳукукий манба бўлган “Сали хақиқати”да қулларга нисбатан кўпроқ қийноқ қўлланилган. Қул айбига иқрор бўлгунча қийноққа солинган. Бу жараённинг энг қизиқ ҳолати “адолатли қийноққа солиш” учун ўз қулини тақдим этиш хўжайиннинг мажбурияти хисобланган. Агарда хўжайин қулини уч марта “панд-насиҳат” йўли билан сўралгандан кейин ҳам “адолатли қийноққа” бермаса, ундан жарима ундирилган.

1670 йилги “Катта жиноят Ордонанси” қийноқнинг қидирув фаолиятидаги далилларнинг ҳамда айблов далиллари етишмаган тақдирда, уларни тўплашнинг бир тури сифатида сақлаб қолади. Қийноқларни қўллашдан асосий мақсад “далиллар сараси”ни, яъни айбланувчидан айбига иқрорликни олишга эришишдан иборат бўлиб, қийноқни қўллашнинг асоси учун битта гувоҳнинг кўрсатмаси етарди. Ушбу қоида Францияда XVIII асрнинг охирига

¹ Аристотель. Риторика. СПб.1994.-С.74. // Батафсил каранг. Г.И.Тирапольский Беседы с палачом Казни, пытки и суровые наказания в Древнем Риме.; Гончаренко, В.Д. Право человека на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания: Теоретико-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК 12.00.01, кандидат юридических наук. Волгоград,1999. Б.3.

² Покровский И.А. Апория римского права.-1917. С.17.; Гончаренко, Вячеслав Дмитриевич. Право человека на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания: Теоретико-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК 12.00.01, кандидат юридических наук. М.:1999.

қадар амалда бўлиб, 1788 йилда қийноқни қўллашни тақиқловчи Эдикт билан бекор қилинди¹.

Германияда 1532 йилда нашр қилинган Карл V нинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари тўплами “Каролина”да кўрсатилишича, жиноий ишларни кўришнинг асосий шакли – инквизицион² жараён (зулмга, қийнашга асосланган қидирув) бўлган.

Х. Муҳаммедовнинг таъкидлашича, ушбу даврда Германияда қийноқларни қўллаш расман бир қатор шартшароитлар билан боғлиқ бўлган. Масалан, агар иш бўйича етарлича далиллар топилмаган бўлса, шунингдек, жиноят у ёки бу шахс томонидан содир қилинганлиги “гумон” қилинаётган бўлса, қийноқлар қўлланилиши мумкин бўлмасди. Қийноқ асосида сўроқ қилиш учун етарлича далиллар тўпланган бўлиши лозим бўлиб, иккита асл гувоҳларнинг кўрсатмалари қийноқ – азоблаш йўли билан сўроқ қилиш учун асос ҳисобланарди. Агар бунда битта гувоҳ бўлса, бу яримта далил ва “гумон” ҳисобланиб, бу жараёнда фақат бир нечта гумонларнинг мавжудлиги судьянинг хоҳиши бўйича қийноқлар қўллашга олиб келиши мумкин эди. “Каролина”да қийноққа солиш остида сўроқ қилишнинг барча шартларига риоя

¹ Т.Умаров. Қийноқнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари// Қийноққа солиш, бошка шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўлланганлик учун жавобгарлик (илмий-амалий конференция материаллари) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари, 2010. Б.12.

² **1. Изоҳ:** Инквизиция (лотинча – *inquisitio*;) қидирув, тергов маъносини англатади. // Ўзбек тилининг изоҳи луғати. 5-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. **2. Изоҳ:** К. Пайзуллаев, Н. Салаевнинг кайд этишларича, «буюк инквизитор» Торквемада 18 йиллик фаолияти мобайнида 10220 кишини гулханда кўйдиришга фатво берган, 6860 киши ўлимидан (шу жумладан, қийноқлардан ва силласи куриши натижасида) кейин ёки ўйқлиги туфайли рамзий кўйдирилган, 97321 киши сазойи қилиниб, фахрли унвон ва лавозимлардан маҳрум этилган. Инквизициянинг узок йиллик ҳукмронлиги даврида жами 31912 киши тириклайн гулханда кўйдирилган. Қаранг: Пайзуллаев К.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. Рисола. — Т.: Turon-Iqbol, 2005 . – 280 б.

қилиш талаб қилинади. Агар судья бу шартларга риоя қилмаса ва ғайриқонуний сүроқ қылса, жазоланиши ва етказилган заарни тұлаши лозим эди¹.

Германияда XVIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан судларда қийноқларнинг қўлланилиши чеклана бош-ланди. Бу борада 1768 йилги “Терезиана”да қийноқ ан-жомлари кўрсатилган бўлиб, уларни фақат ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар бўйича олий жиноий суд-ларнинг розилиги билан айбланувчи айбины тан олмаса ва бошқа далиллар бўлмаса, қўллаш мумкин эди.

Европада қийноқларнинг қўлланилиши чекланиши фақат-гина XVII асрга келиб, инсонпарварлик ғояларининг тар-ғиб этилиши билан кузатилади.

Хусусан, Англияда 1628 йилда қабул қилинган “Хукуқлар тўғрисидаги арзнома”, “Хукуқлар тўғрисидаги билль”да ҳамда 1787 йилда Францияда “Инсон ва фуқароларнинг хукуқлари декларацияси” қабул қилиниши тарихий ҳужжатлар орасида муҳим аҳамият касб этади. XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб Европанинг қатор давлатларида, масалан, Австрия, Пруссияда қийноқни қўллаш бутунлай тақиқланади.

Мусулмон давлатларида қийноқнинг тақиқланишини тарихий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, бу борада Халқаро Гарвард Академиясида “Қийноқ ва Ислом хукуқи” номли маъruzасини эълон қилган профессор Садик Риззинг қайд этишича, “тарихий далиллар шундай гувоҳлик берадики, қийноқни қўллаб сўроқ қилиш мусулмон дунёсида у ёки бу турдаги турли даврларда ва ҳудудларда қўлланилган². X асрда гумондорларни калтаклаш тергов усули бўлганлиги тўғрисида Боғдод қозиси ёзиб ўтган.

¹ Ушбу даврда Германияда XVI асрда қийноқларнинг 50 дан ортиқ тури қўлланилган.
\\ Скотт Д.Р. История пыток/ Перевод с английского А.А. Обухова М.: Олмата пресс, 2002.; О.А. Омельченко Всеобщая история государства и права Учебник. Т.1. М.: 2007.

² Sadiq Rizza Torture and Islamic Law Chicago Journal of International Law; Summer 2007;

Бундан ташқари, Усмонийлар империяси даврида XIV–XX асрларда ҳам тергов жараёнида қийноқнинг қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд”¹.

Професор М. Ражабованинг қайд этишича, ислом ҳуқуқи бўйича барча жиноятлар жазо белгиланиши ва тажроуз обьектига қараб уч гурухга:

- 1) ҳад жазо турлари;
- 2) қасос ёки товон ва каффорат жазо турлари;
- 3) таъзир жазо турларига бўлинган².

Ҳад жазоси турларига 40 мартадан кўпроқ дарра уриш, яъни 80, 100 дарра каби, қўл ёки оёғини кесиш, тошбўрон қилиб, осиб ёки бошини танасидан жудо қилиб ўлдиришлар киради³.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ислом ҳуқуқида ҳад жазоси шахсга жисмонан оғриқ ва азоб беришни назарда тутган.

МДХ давлатларидан Россия Федерацияси жиноят қонунчилиги тарихида қийноқнинг тақиқланишини кўриб чиқадиган бўлсак, дастлаб қадимги Славян қабилаларида суд қилиш илоҳий табиатга эга бўлиб, улар синовлар (ордalia)⁴ шаклида ифодаланган. Ушбу жараён Князлик давлати ташкил топганда ҳам ўзгармаган.

1497 йилги Судебник қабул қилинганидан сўнг тан жароҳатлари етказиб жазолаш сезиларли даражада оғирлаштирилган. Қийноққа солиш ва бошқача қийнаш қамчи воситасида қамчилаш кенг қўлланилган.

Рус ҳақиқатининг 20-моддасига кўра, айловнинг ёлғонлигини исботлай олмаган айбланувчи (у камида етти

¹ Sadiq Rizza Torture and Islamic Law *Chicago Journal of International Law*; Summer 2007;

² Ражабова М. Ҳукуқ ва адолат: ўтмиш, бугун ва истиқбол.-Т.: Юрист-медиа маркази, 2009. – Б.108

³ Ўша жойда.

⁴ Қадимги славян қабилаларида жанги, сув, олов, қиздирилган темир билан синаш кўпроқ қўлланилган.\O.A. Омельченко Всеобщая история государства и права Учебник. Т.1. М.: 2007.

нафар унинг ёнини олувчини келтириши керак бўлган) темир билан синовга дучор бўлган¹. Рус ҳақиқати 33-моддасида келтирилишича, факатгина княз ўз қўл остидагилари ва хизматкорларига нисбатан зўрлик ишлатиши, қийноққа солиши мумкин бўлган².

Далилларни тўплаш усули сифатида қийноққа солишнинг қўлланилиши 1497 йилги Судебникда ҳам белгиланган бўлиб унга асосан:

биринчидан, иқрорликни таъминлаш, яъни исбот қилиш воситаси сифатида;

иккинчидан, жабрланувчи ёки даъвогарга зарарни қоплатишни таъминлаш мақсадида қўлланилган.

С. Герберштейн ер ислохотларигача бўлган даврдаги қийноққа солиш устидан қаттиқ назорат ҳақида шундай дейди: “қийноққа солиш хукуқига эга бўлган шахслар доираси чекланган ва “аксарият ёмон одамлар тергов ўтказиш учун Москвага ёки бошқа йирик шаҳарларга олиб кетилган”. Қийноққа солиш ва қамчилаш маҳкамаларда одатий ва кундалик ҳолатга айланган. Одамлар онгida қамчи билан жазолаш ва қийноққа солиш ўртасида чегара йўқолиб борган.

Шу билан бирга, ўша давр қонунчилигига биноан суд процесси иштирокчилари ҳам ёлғон кўрсатма берганликлари учун қамчи билан жазоланиши мумкин бўлган”³.

Қийноқларнинг қўлланилиши Опричина даврида кенгайган. XVI асрнинг 60-йиллари бошларидан қийноққа солиш ва тан жароҳатлари етказишларда ўзгаришлар содир бўлган. Иван Грозний даврида эса, қийноққа солиш, мақсадсиз равишда одамларни майиб қилиш ҳоллари кенгтус олган⁴.

¹ Рогов В.А. История уголовного права, террора и репрессий в Русском государстве XV–XVII в.в М.:1995. С.200.

² Российское законодательство X–XX в.в. В.9.т. Т.1. М.:1984. С.48.

³ Рогов В.А. История уголовного права, террора и репрессий в Русском государстве XV–XVII в.в М.:1995. С.200.

⁴ Гончаренко, В.Д. Право человека на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания: диссертации и автореферата по ВАК 12.00.01, кандидат юридических наук. Волгоград, 1999. Б.З.

1649 йилги Собор қонунлари тўпламида ҳам қийноққа солиш ва зўрликнинг бошқа турларини қўллаш назарда тутилган. Бундан ташқари, улар кўрсатмаларни, шу жумладан, гувоҳлар кўрсатмаларини текширишнинг ўзига хос шакли бўлган¹. 1715 йилги “Суд низоларининг қисқача кўриниши” Низомида қийноққа солиш дастлабки терговдаги одатий усууллардан бири сифатида тан олинади. Шуниси қизиқки, ушбу Низомнинг ҳатто алоҳида “Қийноқ билан сўроқ қилиш тартиби” номли VII боби ҳам бўлган. У Собор қонунлар тўпламида назарда тутилмаган ва қайд этилганидек, илк маротаба татбиқ этилган. Ушбу Низомнинг 2-моддасида қийноққа солишни қўллашнинг шарти – бу уни қўллаш учун муҳим сабаблар бўлиши ва гумон қилиш учун етарли асослар, шунингдек, жавобгарнинг унга қўйилаётган айбига икрор бўлишини хоҳламаслиги ҳисобланган. Бунда судъя ўзининг хоҳишига қўра қийноққа солишни тартибга солиш хуқукига эга бўлган ҳамда қийноққа солиш унинг бошчилигига амалга оширилган. У ўз навбатида ҳам қасдан, ҳам эҳтиётсизлик билан қийноққа солиш тартибларининг бузилганилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олган².

Россия тарихида Қийноққа солишнинг тақиқланиши фақат Екатерина II нинг 1767 йил 17 июлдаги “Хабар

¹ **Изоҳ:** Маҳкамалар ёки суд тортишувларининг қисқача тасвири” (Пётр I даврида амал қилган процессуал кодекси)нинг VI боби тўлалигича “иштиёқ билан сўроқ қилиш” (“иштиёқ билан сўроқ қилиш” – бу қийноққа солиш билан кўркитиб сўроқ қилиш ва уни қўллаш ҳисобланади) ва қийноқ қўллаш масалаларини тартибга солишга бағишиланган эди. Унга қўра, қийноққа солишни қўллаш учун муйян шахснинг жиноят содир этишда гумон қилиниши ва жавобгар ўзига қўйилган айбига икрор бўлишини истамаслигининг ўзи кифоя қиласади. Қийноққа солишнинг оғирлик даражасини суд белгилаган, ўз навбатида, қийноқнинг оғирлик даражасини белгилаш учун асослар кўрсатилган норма мавжуд эмас эди. // Российское законодательство X–XX в.в. В.4.т. Т.1. М.: 1986. – С. 445–447.

² Голикова Н.Б. Политические процессы при Пётр I. М.: 1995, – С. 67.; Гончаренко, В.Д. Право человека на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания: Теоретико-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК 12.00.01, кандидат юридических наук. Волгоград, 1999. – Б.5.

берувчилар ва уларнинг далиллар тақдим этишлари түғрисида”ги Фармонида қийноққа солишга йўл қўймаслиги, сўроқларда шавфқатсизликка барҳам бериш лозимлиги белгиланган. Ушбу даврдан бошлаб қийноққа солишни фақат губернатор рухсати билан амалга ошириш мумкин эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Екатерина II даврида қийноқлардан тўла воз кечилмаган, фақат кисқартирилиб, тизимлаштирилган. Шунингдек, 1801 йил 27 сентябрдаги “Қийноқларга барҳам бериш, уларни ҳалқ хотирасидан чиқариб ташлаш түғрисида”ги Фармонда ҳам қийноқларни қўллаш тақиқланган.

Россияда Қийноққа солишининг жиноий қилмиш сифатида белгиланиши 1845 йилги “Жиноий ва ахлоқ тузатиш жазолари түғрисида”ги Қонунлар тўплами (1489-моддаси)нинг V бўлими 11-боби 462-моддасида терговни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ва судьяларнинг “қўрқитиш ёки бошқа қонунга зид воситалар билан” айбланувчини айбини тан олдиришга ёки гувоҳни кўрсатма беришга мажбурлаш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. 1903 йилги “Жиноят қонунлари тўплами”да (1845 йилги Қонунлар тўпламиning 1477 ва 1479-моддаси ҳамда 1903 йилги Қонунлар тўпламиning 471-моддаси) қийнаш азоб бериш ва шахсий эркинликдан маҳрум этиш (1903 йилги Қонунлар тўпламиning 499-моддаси 4-банди) мустақил жиноят сифатида тан олинган¹. Лекин ушбу ҳужжатларда қийноқ тушунчаси қонунчилик дараҷасида ёритилмаган, бу эса, қонунни қўлловчи учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқарган.

1922 йилги РСФСР ЖКнинг 112-моддасида сўроқ қилинаётган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш жиноят сифатида белгиланиб, унга кўра, сўроқ пайтида терговчи

¹ Чобанян Р.С. Пытка: уголовно-правовое и криминологическое исследование 12.00.08 – уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук Научный руководитель – доктор юридических наук, профессор Мацкевич И.М. М.: 2007. С.58.

ёки суриштирувчининг ғайриқонуний чораларни қўллаш йўли билан кўрсатувлар беришга мажбурлаши бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган.

Профессор М. Ражабованинг фикрига кўра, 30–40-йиллардаги қатафон бошланганида ўлим жазоси 42 та жиноятлар таркиби учун (террорчилик актларига ҳам) белгиланган. Манбаларда қайд этилишига қараганда, Сталин террори натижасида отилган ва қамоқхоналарда қийноққа дучор бўлганлар сони тахминан 20 миллион кишини ташкил этган¹.

Россия тарихида фақатгина XX асрнинг ўрталарида суд ишларини юритишнинг хукуқий базаси ислоҳ этиш, ўз хусусиятига кўра инсонийликка мутлақо зид бўлган хукуқий хужжатларни бекор қилиш, одил судлов соҳасида шахсни хукуқий муҳофаза қилиш пойдеворини ҳосил қилувчи нормалар ва институтларни яратиш жараёни бошланди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тарихида ҳам қийноқларнинг тақиқланиши алоҳида ўрин тутган. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти тарихи билан боғлиқ акс этган манбалар бугунги кунда кам. Фақат баъзи тарихий манбаларда ушбу жиноят хусусида айрим маълумотларни учратиш мумкин. Биз кўйида ушбу маълумотларни батартиб ва тизимли равишда баён этишга ҳаракат қиласиз.

Ўзбекистонда илк давлатчилик тарихида, аникрофи, қадимги Туронда “Авесто” ғоялари, қонун-қоидалари асосий давлат мафқураси ва хукуқий тизими сифатида мухим аҳамиятга эга бўлган. Зардуштийлик ақидасига кўра, ёлғон гапириш, бирорни алдаш гуноҳ, яъни жиноят

¹ Ражабова М. Терроризмга қарши кураш муаммолари. Монография. Т.: “Конун химоясида бирлашган таҳририяти” 2002. – Б. 172.

хисобланган. Қасам¹ ичиб, қасамларни бузиш ўша қасам баҳосининг минг баробаригача товон тўлаш ёки тан жазосини² назарда тутган. Қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки бузган ҳолларда ҳақлигини исботлаш учун ордalia үтказиб синалган. Бунда судья вазифасини коҳинлар, жамоа бошлиқлари амалга оширган.

Профессор Зиёдулла Муқимовнинг фикрларига кўра, ордalia билан синашнинг жуда кўп турлари (Зороастр жорий этган ордaliaяning 33 тури) мавжуд бўлган. Улар: ўт билан синаш, кўкрагига қизиган темирни босиш кабилардир. Агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда сув билан, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синалиб, айбдор ёки гумон қилинувчининг ўзига ҳақлигини исботлаш имкони берилган³.

Ўт билан синашнинг шартларидан бири шундай бўлганки, айбдор ёки гумон қилинувчи ёнаётган икки қатор палёнлар орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтиши лозим бўлиб, агар тирик қолса, шартнома худоси Митра уни айбсиз билди ёки афв этди, деб ҳисобланган.

¹ “Авесто”да қасамнинг олти тури келтирилган. **Биринчиси** – сўз қасами (агар сўз қасамини бузса, уч юз қамчин аспахих-хаашатра билан, уч юз қамчин саравушу – чарана (гуноҳлар содир бўлганда кўлланиладиган жазо); **иккинчиси** – кўл қасами (кимда-ким кўл қасамини бузса – олти юз қамчи аспахих ашатра (гуноҳкорни жазоловчи асбоб) билан уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.); **учинчиси** – кўй қасами (кимда-ким ушбу қасамни бузса, етти юз қамчин аспахих-ашатра билан, уч юз қамчин – саравушу-чарана билан саваланади); **тўртинчиси** – сигир қасами (кимда-ким ушбу қасамни бузса, саккиз юз қамчин аспахих-ашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади); **бешинчиси** – одам қасами; **олтинчиси** – экин қасами (кимда-ким экин қасамини бузса, минг қамчин аспахих-ашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан жазоланади)// Батафсилроқ қаранг: Х. Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1-китоб. Т.: “Фан” нашриёти, 2004. – Б. 549–69., “Авесто”. (Аскар Маҳкам таржимаси) “Гулистон” 1999 йил, 2–3 сон. – Б. 28–48.

² “Авесто”да куйидаги жазо турлари: ўлим жазоси, камоқхонада камаш, тан жазолари – кўпроқ турдаги қамчи, хивчин ва калтаклар, жисмоний жазо бериш, кондошлик ўчини олиш, келтирилган заарнин ундириш – товон тўлашлар бўлиб, жазонинг асосини гуноҳларни ювиш ҳисобланган.

³ Батафсилроқ қаранг: З.Ю. Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи. “Зарафшон”, 1998 Б. 40.; Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи. Дарслик. Т.: “Адолат” 2003.; Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи. Дарслик. Т.: “Наврӯз” 2013. Б. 43-47.

“Авесто”да ордalia усулида синашни ҳозирда қийноқ деб эътироф этиб бўлмайди, улар орқали кўрсатмалар (айбига иқрорлик) олиш ёки нимагадир мажбурлаш мақсад қилинмаган. Улар факатгина маълум удумлардан иборат бўлиб, шахсни айбдор деб топиш уларнинг натижаси билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, “Авесто”да кишиларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида лафздан қайтмаслик, берилган сўз (ваъда)нинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамга содик бўлиш, савдо-сотик ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби имонилик ва диёнатлиликни англатувчи эзгу хислатларни кўрамиз. Зоро, зардуштийлик таълимотида инсон ҳукуқларига оид қарашлар замирида ростгўйлик ваadolat foялари ётади.

Исмоил Сомоний асос солган давлат (874–999-йиллар) ўз даврининг энг кучли империяларидан бири эди. Сомонийлар давлатида мусулмон динига асосланган шариат ҳукуқи тизими ҳукуқнинг асосий манбаи бўлган. Албатта, асосан содир қилинган жиноятлар шариат қонунлари асосида суд қилинган ва жазо тайинланган. Сомонийлар давлатида суд жараёни қозикалон, қозилар, муфти, раислар томонидан амалга оширилган. Оғир жиноят содир этган шахсларга ўлим жазоси ёки узоқ муддатли қамоқ жазоси берилган. Шунингдек, ўғирлик қилган шахсларнинг қўли аҳоли олдида ибрат учун чопилган. Енгилроқ гуноҳ қилганларга тан жазоси сифатида калтак ёки дарра урилган ёки жарима берилган.

Худди, шунингдек, Фазнавийлар (962–1186 йиллар), Салжуқийлар (1040–1160), Қораҳонийлар (990–1212), Хоразмшоҳлар (1097–1231) давлатлари мусулмон ҳукуқига асосланган¹.

¹ Батафсилроқ қаранг: Абу Бакр Мухаммад Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. “Мерос тўплами”. Т.: “Камалак”1981., Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳукуқи тарихи масалалари. Самарқанд: СамДУ, 2011. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2000.

Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги пайтида Чингизхоннинг 1206 йилда қабул қилинган “Ясо” қонунлар тўплами асосий хуқукий манба бўлиб ҳисобланган. Тарихий манбаларга кўра мўғуллар қонунчилигига жуда қаттиқ жазо чоралари ўрнатилганлиги маълум¹. “Ясо”да қийноқларнинг қўлланиши бўйича бевосита тўхталиб ўтилган. Хусусан, “айбланувчилар фақатгина жиноят устида қўлга олинганда ва улар ўз айбларига иқрор бўлганларидагина жазога маҳкум этиладилар. Агарда улар ўз айбларини бўйинларига олмасалар, унда уларни қийноқса соладилар”, дейилади².

Демак, Чингизхон даврида суд ишларининг амалга оши-рилишида қийноқдан кенг фойдаланганлиги ҳамда у бевосита хуқуқ манбаси ҳисобланган “Ясо” қонунлари тўпламида келтирилганлигини таъкидлашимиз мумкин.

XIV асрда вужудга келган Амир Темур империясида адолат ва қонун устуворлиги ҳукм сурган. Тарихшунос А.Ж. Бадировнинг фикрларига кўра, Амир Темур давлатида вақти-вақти билан сўроқ қилиш, текшириш – тафтиш, тергов қилиш ўтказилиб турилган. Ўз амалини суистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик ичиш, майший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган³. Айни пайтда Соҳибқироннинг ўзи ҳам қонунларга қаттиқ амал қилган.

“Темур тузуклари”да келтирилишича, “қишлоқ оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикроқ даражадаги одамга зулм қилсалар, ўша зулмга яраша жарима солсинлар. Агар доруғалар ва хокимлар халқقا жабр-зулм этиб,

¹ З.Ю. Муқимов Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи. Дарслик. – Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 114–127.; Х. Одилкориев, Н. Азимов, Х. Мадримов Давлат ва хуқуқ тарихи. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 139–143., М. Ҳамидова Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи. Ўқув кўлланма. Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 65–69.

² Михаил И.И. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т.: 1993, Б.25.

³ А.Ж. Бадиров Амир Темур давлатида қонунчилик // Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари. Самарқанд. 1996. – Б. 67–68.

уларни хароб қилган бўлсалар, ишларига лойиқ жазо берилсин. Ботир кимсаларнинг гуноҳи исботлангандан кейин ундан жарима олсалар, сўнг дарра билан урилмасинлар. Агар дарра уриш билан жазолансалар, ундан жарима олмасинлар”¹. Амир Темур давлатида суд ишлари қозилар томонидан амалга оширилган. Суд жараёни тортишув характеристига эга бўлиб, томонларнинг ўзлари айбловчи ва окловчи характеристидаги далилларни тўплаганлар, гувоҳларни келтирганлар. Бутун империя бўйича одил судлов ҳолатига Кози калон (олий судья) жавоб бераб, раият қозилари фаолияти устидан назорат қилган. Юқоридагилардан шуни хулоса килиш мумкинки, буюк бобокалонимиз Амир Темур адолатли қонун устуворлигига риоя қилган. “Тузуклар”да жиноятчиларга нисбатан чора қўллашга ўта адолатли ёндашганлигини кўришимиз мумкин.

XVI аср бошларига келиб, Мухаммад Шайбонийхон Мовароуннахр ва Хуросонни эгаллаб, темурий шахзодалар ҳукмронлигига чек қўйиб, бу улкан ҳудудда ўзининг марказлашган давлатига асос солди. Ҳонликда жиноятни аниқловчи ва жазо берувчи асосий маҳкама исломий шариат қонун-қоидаларига асосланиб иш тутувчи қозилик идоралари эди. Давлатдаги олий судья Кози калон бўлган, вилоятлардаги жиноятларни жазолаш вилоят қозилари қўлида бўлиб, улар вилоят ҳокими назоратида эди. Жиноятчиларнинг гуноҳига қараб: ўлим жазоси (олий жазо бўлиб, ҳукм фақат ҳоннинг маҳсус фармони билан амалга оширилган), маълум муддатга (кўп ҳолларда умрбод) зинданга ташлашдан тортиб, тан жазоси бериш (дарра уриш, бармоқларни кесиш), сазойи қилиш, қозиққа ўтқазиш кабилар ҳам қўлланилган. Айбдорни аниклашда, шариат

¹ Қаранг: Темур тузуклари / форсчадан А.Софуний ва X.Кароматов таржимаси; Б.Ахмедов таҳрири остида.-Т.: F.Гулом номидаги нашриёт, 1996. Б.93-94.; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.: “Мехнат” 1992.-328 б.

қонунларига асосан, икки кишининг гувоҳлиги етарли бўлган.

Юқоридагилардан кўринадики, ушбу даврда тан жазоси, сазойи қилиш каби жазолар шахсга жисмоний оғриқ, азоб беришни назарда тутган. Шунингдек, М. Ҳамидованинг фикрига кўра, мол-мулк билан боғлиқ жиноятлар, ўғирлик, шариат қонунларига риоя қилмаганлик учун бериладиган жазолар тури кўпинча амалдорларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб, маълум жиноятлар учун аниқ жазо олдиндан белгилаб қўйилмаганлиги суд ишларида порахўрлик, мансабни суистеъмол қилишга олиб келган. Айборларга жазо бериш халқнинг кўз ўнгидаги амалга оширилган. Бу ҳам аҳоли орасида қўрқув ва маънавий азобни юзага келтирган¹.

1599 йил Мовароуннахрда янги сулола – Аштархонийлар – “Жонийлар” (“жоний” – уруф бошлифи Жонибекнинг номидан олинган) сулоласи ташкил топди. Профессор З.Ю. Муқимовнинг фикрларига кўра, Аштархонийлар даврида фикҳ масалаларида шариат ҳукуқига оғишмай амал қилинишига уринилсада, жиноий жазо масалаларида, умуман, шариатда кўрсатилмаган ёки қўлланилмаган, айниқса, ўрта аср Европасидаги черков – инквизициясида қўлланиладиган жазоларни ҳам маҳаллий ҳукмдорлар томонидан қўлланилганлик ҳолатларини кўриш мумкин². Жумладан, манбаларда “ҳокимиятдан четлашиш ва Ҳиндистонга сургун қилиш”, “мулкига талон ва босқин уюстириб, Ҳиндистонга сургун қилиш” (хожаларнинг ҳокимиятни эгаллаб олган баъзи вакилларига нисбатан), қатл жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини танасидан узиб олиш, (хўқизлар кучи билан), пахта

¹ М. Ҳамидова Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2004. – Б.121.

² З.Ю. Муқимов Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи. Дарслик. – Т.: “Наврўз” 2013. Б. 314.

титадиган машинадан ўтказиб, худди пахтадек титиш, қайнаб турган ёғга ташлаш каби ҳолатларни кўриш мумкин.

Демак, юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ушбу даврда шахсга нисбатан қийноқ ва азобли жазолар кўлланилган. Аммо, булар алоҳида ҳолатларни, (масалан, Балхда фақат Шоҳибек кўкалдош ҳукмронлиги даврида) ташкил қилган. Давлат миқёсида шариат ҳукуки ва одил судлов ҳукмрон мавқени сақлаб қолаверган.

XVIII–XIX асрлар бошида ўзбек давлатчилиги тарихидаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Бу вақтга келиб, 2400 йиллик улкан тарихий тараққиёт йўлига эга бўлган ўзбек давлатчилигига тарқоқлик ҳолати яққол кўзга ташланди. Бир вақтнинг ўзида Бухоро, Хива ва Кўконда алоҳида давлатлар фаолият кўрсатди.

Бухоро амирлигининг ҳукуқ манбалари сифатида ислом ҳукуки (шариат), дунёвий ҳукуқ (амир фармонлари, ёрлиқлари) ва одат ҳукуки амал қилган. Бухоро амирлигига жазо чораларининг ва жиноят турларининг лозим даражада ишлаб чиқилмаганлиги шариатнинг жиноят ва унга яраша жазо тайинлаш таълимотига мос келмасди.

Ж.М. Шодиевнинг фикрларига кўра, Бухоро амирлигига жазоларнинг қўйидаги турлари амалда бўлган: ўчилиш характерига эга бўлган жазолар (зарарни қоплаш), ва шахсий характердаги жазолар; Қуръонда аник кўрсатилган жазолар; қозиларнинг ихтиёри асосида бериладиган жазолар (таъзир)¹.

П.И. Демизон Бухоро амирлиги қамоқхоналари хақида шундай дейди: “озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар жазони “битхона”, “канахона” деб аталувчи хоналарда (ўраларда) ўтайдики, бу ҳам ўлим билан баробардир, чунки Бухоро амирлиги қамоқхоналари даҳшатли чаёнлар ва чақадиган бошқа заҳарли

¹ Ж.М. Шодиев Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми 12.00.01. давлат ва ҳукуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳукукий таълимотлар тарихи. Ю.Ф.Н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Илмий раҳбар: ю.ф.д., ЎзР Фан арбоби. Х.Б. Бобоев. Т.: 2008. Б.144.

хашаротларга тўлдириларди, ана шундай хоналарга ташланган маҳбуслар 2–3 кунда ҳалок бўларди”¹.

Ж.М. Шодиевнинг қайд этишича, Бухоро амирлиги давлатчилигининг сўнгги босқичларида жазолар тизими кўйидаги кетма-кетлик тартибида амалга оширилган: пул жаримаси; қамчи ёки таёқ билан жазолаш, қамоқ, турмага ёки ўрага ташлаш, қуролли кучларга топшириш, умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилиш, тутқунликка топшириш, ўлим жазоси². П.И. Виткечив девордан итариб юбориш жазоси ҳам бўлганлигини ёзиб, уни ўз кўзи билан кўрганлигини таъкидлайди³.

Бу борада академик Б.А. Ахмедовнинг қайд этишича, Бухоро амирлигида жазо турлари: жарима солиш, қамоқ, дарра уриш, кўл ёки оёқ бармоқларини кесиш ва қизиб турган ёқقا тикиш кабилар, эътиборли қариндош-уруғлари бўлган гуноҳкорларни сотиб олиш мумкин бўлган⁴.

1836 йилда Бухоро амирлигига элчи бўлиб келган, П.И. Виткечивнинг фикрича, “калтак билан жазолаш” ўйғон калтак билан уриб амалга оширилган, яна шу даражадаки, маҳкумнинг суюклари синарди ёки у ўларди⁵. Худди шунга ўхшаш фикрни Ж.М. Шодиев билдириб, амир ўз ваколат доирасидан келиб чиқиб, жиноят содир этган шахсларни “чоройна” (тўрт ойна) жазоси, яъни баданнинг турли қисмларига таёқ билан уриш жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган. Коида бўйича, қамчи ёки таёқ билан уриш жазосини ижро этиш жараёнида

¹ Записки о Бухарском ханстве. М. “Наука”, 1983. Б.58.

² Ж.М. Шодиев Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми 12.00.01. давлат ва хуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва хукукий таълимотлар тарихи. Ю.Ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Илмий раҳбар: ю.ф.д., ЎзРФ Фан арбоби. Х.Б. Бобоев. – Т.: 2008. – Б. 145.

³ З.Ю. Муқимов Ўзбекистон давлати ва хукуки тарихи. Дарслик. Т.: “Наврўз”, 2013. – Б. 343.

⁴ Ўзбекистон халқлари тарихи. Т.: “Фан” нашриёти, 1993. – Б.61.

⁵ З.Ю. Муқимов Ўзбекистон давлати ва хукуки тарихи. Дарслик. – Т.: “Наврўз” 2013. – Б. 343.

маҳкумларнинг қичқириғи ва овози эшитилмаслиги учун мусиқа ижро этилган¹.

Юқоридагилардан шундай холоса қилиш мумкинки, ўрта асрларда Бухоро амирлигига шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний, шахснинг қадркимматини камситувчи жазолар тайинланган ва ижро этилган.

Худди шундай қаттиқ жазоларнинг Хива ва Қўқонхонликларида ҳам қўлланилганлиги хақидаги маълумотларни баъзи тарихий манбаларда учратиш мумкин².

1926 йилги Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси³-нинг Махсус қисм 147-моддасида: суриштирув ёки тергов олиб бораётган шахс томонидан ноконуний чораларни қўллаган ҳолда ноконуний ушлаб туриш, ноконуний мажбурий келтириш, шунингдек, кўрсатув беришга мажбураш жавобгарликка асос бўлиши белгиланган. Ушбу даврда, гарчи, қонун билан қийноқ тақиқланган бўлсада лекин амалда қийноқлардан кенг фойдаланилганлиги тўғрисида манбаларда қайд этилади⁴.

-
- ¹ Ж.М. Шодиев Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми 12.00.01. давлат ва хуқук назарияси ва тарихи; сиёсий ва хуқукий таълимотлар тарихи. Ю.Ф.нарајасини олиш учун ёзилган диссертация. Илмий раҳбар: ю.ф.д., ЎзР Фан арбоби. Х.Б. Бобоев. Т.:2008. Б.145
 - ² Масалан, Қўқонхонлигига Қозилар суди зиндан жазоси билан бирга тан жазосини қўллаш имкониятига эга бўлган. Жазо тизимида, тошбўрон қилиш, сазойи қилиш, козикқа ўтказиш (эмпале), ўлим жазолари қўлланилган. Батафсилроқ қаранг: М.Т.Ахмедова Қўқонхонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва хуқук манбалари.ю.ф.н. дисс. Б. 55-112.; Мулла Олим Маҳмуд Ҳожи. Тарихи Туркистон Т.Янги аср авлоди, 2008 Б.160.
 - ³ 1926 йил 1 июлидан кучга кирган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг ишлаб чиқилишида РСФСРнинг ЖК асос бўлган. Ушбу кодекс умумий ва маҳсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисм VI бўйим 56-модда; Махсус қисм X бўйим 236-моддадан иборат.// Уголовный кодекс Узбекской ССР. Юридич. Издат.НКЮ. Уз ССР, 1926. 456.
 - ⁴ Батафсилроқ қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи/ Тузувчилар: Х.Содиков, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов ва бошқ. Таҳрир хайъати: А.Азизхўжаев, Т.: “Шарқ” 2000.-464 6.4; Зиёев Ҳамид. Ўзбекистон мустакиллиги учун курашларнинг тарихи. Т.: “Шарқ” 2001.-448 б. Р.Шарипов Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. Т. “Ўқитувчи” 2002.-176 б.; Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т.: “Академия”,2002.-2406. Ерматов А.А. “Туркистон АССР да назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924) тарих.ф.н. дисс. Ав.реф. Т.:2006.-27Б.; Тоиров. А.Э. “Ўзбекистонда совет хокимиятининг қатагон сиёсати (Самарқанд вилояти миссолида, 1918-1938 йй.) тарих.ф.н. дисс. Ав.реф. Т.:2007.- 176.; Абдуллаев М.Ф. Ўзбекистонда советларнинг

Хусусан, профессор З.Ю. Муқимовнинг қайд этишича, 1937 йилларда собиқ советлар давлатида, азоблаб сўроқ қилиш учун (пытка) маҳсус ижозат олинган бўлса, 1938 йилнинг баҳоридан бошлаб терговда азоблаш усулини қўллашга рухсат этилган. 1938 йилда яна терговда азоблаш усули расмийлаштирилган. Уришдан кейин эса, рухсат олиш йўли билан, кўпгина жиноятлар учун азоблашни қўллаш мумкин бўлган¹.

Бу борада россиялик олим А.Я. Вышинскийнинг фикрига кўра, 20–30 йилларда қийноққа солиш ўзининг чўққисига чиққан, бунда баъзан қийноқ натижасида шахснинг ўлимига ҳам сабаб бўлган².

Ф. Эргашевнинг маълумотига кўра, собиқ шўролар даврида судланувчининг икрори расмий далил ҳисобланиб, қолган барча далиллар кўмаклашувчи хусусиятга эга бўлган. Бундай имкониятлардан фойдаланган полициячилар керакли икрорни “суфуриб олиш учун” ҳеч нарсадан тап тортишмаган. Дастлабки тергов жараёнидаёқ аёвсиз қийноқларга чидай олмаган судланувчилар ҳатто айбсиз бўлса-да, ўзига кўйилган айбларга иқрор бўлишган³.

1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖКнинг 159-моддаси “Кўрсатув беришга мажбур этиш” деб номланган ва ушбу

“кулок” қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар) 07.00.02. мутахассислиги бўйича тарих.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. Т.:2002.25б.; Шунингдек, бу фикрларни россиялик олимларнинг ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Гончаренко, В.Д. Право человека на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания: Теоретико-правовые аспекты темы диссертации и автореферата по ВАК 12.00.01, кандидат юридических наук. Волгоград,1999. Б.15.

- ¹ 20 йилларда тан олинган ва шакллантирилган: “айбланувчининг шахсан тан олиши ҳар кандай далил ва фактлардан афзалдир, хақикат эса, нисбийдир” деган коидалардан хулоса чиқарилиб, “айбордлик ҳам нисбий бўлади”, деб ҳисобланган. Батафсилоқ қаранг. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва хукуки тарихи. Дарслик. Т.: “Наврўз”2013. Б.417.
- ² Бу борада Вышинский А.Я. бир неча маротаба айбланувчининг тушунтиришлари “мухим, ҳал қилувчи далиллар” ҳисобланишини таъкидлаган.// Вышинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве. М.:1945. С.209.
- ³ Ф. Эргашев Туркистонда полиция хизмати “Huquq va burch” № 1, (73) 2012. Б.32.

модда Кодекснинг “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланувчи еттинчи бобидан жой олган.

1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖКнинг 159-моддасининг биринчи қисмига кўра, суриштириш ёки дастлабки тергов олиб борувчи шахслар томонидан сўроқ вақтида кўркитиш ёки бошқа қонунсиз ҳаракатлар қилиш билан кўрсатув беришга мажбурлаш – икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖКнинг 159-моддасининг 2-қисмига кўра, ўша ҳаракатлар сўроқ қилинаётган шахсга нисбатан зўрлаш ёки хўрлаш билан боғлиқ бўлса, – беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фикримизча, Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси диспозициясида жиноят субъектлари доираси, шу жумладан, жиноятдан жабрланувчилар доираси аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, модданинг номланиши ҳам бизнингча ному-таносиб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, қисқа вақт ичидаги амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон хукуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, инсонни қадрлаш ва улуғлашга йўналтирилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг қабул қилинаётган республикамиз қонунларида ҳам дастлабки тергов ва суриштирув мобайнида йўл қўйилмайдиган услублардан фойдаланиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тайзиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқлашни талаб қилувчи ҳалқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амалга оширилишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси Бешинчи бўлими XVI боби “Одил судловга қарши жинояллар” деб номланиб, дастлаб, ЖКнинг 235-моддасида ифодаланган “Кўрсатув беришга мажбур қилиш” жинояти икки қисмдан иборат эди.

ЖКнинг 235-моддаси биринчи қисмига кўра, кўрсатув беришга мажбур қилиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи ёки экспертга нисбатан кўрқитиши, уриши, дўппослаши, қийнаши, азоб бериши, баданга енгил ёки ўртacha оғир шикаст етказиш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш, – олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖК 235-моддаси иккинчи қисмига кўра, ўша ҳаракатлар оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги ЖКга нисбатан таққосланганда модда номланиши ва жазолар тизимиға анчагина ўзгартишлар киритилган ушбу моддада оғирлаштирувчи белги сифатида “ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса” оғирроқ жазо тайинланиши белгиланди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят процессуал кодексининг “Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш” деб номланувчи 17-моддасида “Хеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас”¹лиги белгиланган.

1997 йил 22 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 4-моддасида: “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид келиши мумкин эмас”¹лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига мувофиқ “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди”².

Шахс ҳуқуқларини ғайриқонуний тазйик чораларидан, энг аввало, ҳокимият вакилларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилиш халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилинган мухим принципи хисобланади. Қийноқ шахсга тажовуз қилишнинг энг хавфли кўринишларидан бири хисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, қийноқларнинг олдини олиш муаммоси самарали жиноят-ҳуқуқий механизмини яратишни талаб қиласди. Мазкур механизм қийноқларга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларига мувофиқ бўлиши лозим. БМТ томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат” 2012. -200 б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2013 йил 1 февралгача ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги -Т.: “Адолат”, 2013 й.-728.бет (17-моддасига) Б.8.

шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”нинг 4-моддасига мувофиқ, ушбу битимга кўшилган ҳар бир давлат бундай қилмишлар учун ўз жиноят қонунчилигига мувофиқ жиҳоий жавобгарлик ва жазо белгилаш мажбуриятини олади. Ушбу конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда ратификация қилди¹. Ушбу Конвенциянинг талабларига мувофиқ қонунчилик соҳасида 2004 йилда маҳсус миллий дастур қабул қилинди.

Хусусан, Мазкур Конвенция бўйича Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига тўрт марта 1999, 2002, 2005 ва 2011 йиллар даврида маърузалар йўллади.

Ўзбекистоннинг биринчи маърузаси БМТ қўмитасининг Қийноқларга қарши 23-сессиясида 1999 йил 17–19 ноябрда эшитилган. Шу аснода шунга мос бир қанча так-лифлар берилган.

Ўзбекистоннинг иккинчи маърузаси БМТ қўмитасининг Қийноқларга қарши 28-сессиясида 2002 йил 1–8 майда муҳокама қилинган. Қўмита суд тизимида апелляция системаси ўрнатилганлиги муқобил жазо тизими ва қийноқ юзасидан шикоятлар Омбудсман томонидан текширилишини, шунингдек қийноқ юзасидан айловлар бўйича шикоятларни тез ва тўла кўриб чиқиш мустақил механизмини ташкил этишни таклиф этди.

Ўзбекистоннинг учинчи маърузаси қўмитанинг 39-сессиясида кўриб чиқилди.

Улар БМТ қўмитасининг мажлисларида кенг муҳокама қилиниб, бу борада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ижобий баҳоланди ва эътиборга лойик деб топилди.

¹ Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 130-I-сонли Карорига асосан 1995 йил 31 августда кўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 205-модда.

Мамлакатимизда ушбу масала билан боғлиқ жуда кўп жиддий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конуни¹ билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси “Қийнокқа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” деб номланди. Унга кўра: гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир харакатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки хукуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш каби харакатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, ҳар қандай хукуқий норманинг узоқ вақт мобайнida мавжуд бўлиши қонун қабул қилувчи органларнинг бундай нормаларнинг ижтимоий-хукуқий шартлари масаласига бўлган эътиборини сусайтирмаслиги лозим.

Шу муносабат билан қийноқни жиноят-хукуқий тақиқлашга қаратилган ижтимоий-криминологик шартларнинг ўрганилиши асосслидир ва бу ўз навбатида ушбу

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 535-II-сон Конуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда.; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 533-модда.

тақиқнинг бугунги кундаги ижтимоий заруриятидан дало-лат беради ва давлатнинг “жиноят ҳуқуқий сиёсати”¹нинг бир бўллагидир.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг амалга оширилиши усул-ларидан бири – бу ижтимоий хавфли қилмишни кримина-лизация қилишdir². Криминализация деганда, у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблаб, ЖКда ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг белгила-ниши тушунилган³.

Р. Кабулов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республика-си жиноят қонунчилиги бўйича ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик асос бўлмаган жиноятлар йўқ ва бў-лиши мумкин эмас⁴. Бундан келиб чиқиб, қийноқни жи-ноий-ҳуқуқий тақиқлашнинг ижтимоий шартларини аниқ-лаш учун даставвал бундай қилмишнинг юқоридаги кри-миналзация омилларига жавоб бериши шартлари кўздан кечирилиши лозим.

М. Усмоналиевнинг фикрича, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигининг мазмуни қонун билан қўриқланадиган

¹ Жиноят-ҳуқуқий сиёсат бир томондан, муайян даражада жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалари ифодаласа, бошка томондан ўзи хам кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий тартиботни муҳофаза килиш ва жиноятчиликка карши кураш жараёнларига хар томонлама таъсир кўрсатади. Батафсилоқ қаранг: Абдурасулова Қ.Р. Давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳакида айrim мuloҳазалар. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б. 43-48.; Ф.Тахиров Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ҳамда жиноят қонунини такомиллаштириш истиқболлари. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б. 61-68.

² Лопашенок Н.А. Уголовная политика: понятие, содержание, методы и формы реа-лизации, уголовное право в XXI веке. – М.: ЛексЭст, 2002. – С. 179.

³ Абдурасулова Қ.Р. Давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳакида айrim мuloҳазалар. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б. 45.

⁴ Жиноят ҳуқуки. Умумий қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 132.

ижтимоий муносабатга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфи остида қолдиришда ифодаланади¹.

Н.Ф. Кузнецова эса, “қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиши ёки таҳдид солиши билан белгиланади”² деб ҳисоблайди.

А.В. Наумовнинг таъкидлашича, “ижтимоий хавфлилик бу қонун билан қўриқланадиган ва жиноят қонунида кўзда тутилган муносабатларга зарар етказиш имконияти”³ дир.

А.И. Марцев ижтимоий хавфлилик тушунчасини “алоҳида олинган ва барча жиноятлар мажмуининг инсоният, жамият ва давлатнинг мавжуд бўлиши учун лозим бўлган манфаатларининг бузилиши каби жамиятда аҳамиятли салбий ўзгаришларни амалга ошира олиш хусусияти” сифатида талқин қиласи⁴. Ю.И. Ляпуновнинг фикрича, “жиноят-хуқуқий ижтимоий хавфлилик жиноятнинг муайян ғайриижтимоий объектив ҳолати бўлиб, у ўзида қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар (зиён) етказишнинг реал имкониятини ифодаловчи барча салбий хусусиятлари ва белгилари мажмуи билан тавсифланади”⁵.

Жиноят хуқуқида ижтимоий хавфлилик тушунчасига оид келтириб ўтилган қарашларни таҳлил қилиш орқали, бизнинг фикримизча, қилмишни ижтимоий хавфли деб топиш учун бундай қилмиш жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ва манфаатларга

¹ Усмоналиев М. Жиноят хукуки. Умумий қисм: Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 170.

² Кузнецова Н. Ф. Русское уголовное право: курс лекций. – Владивосток, 1999. – С. 231.

³ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / под общей ред. А. В. Наумова. - М., 1996. - С. 65.

⁴ Марцев А. И. Общие вопросы учения о преступлении. – Омск, 2000. – С. 6.

⁵ Ляпунов Ю. И. Общественная опасность деяния как универсальная категория советского уголовного права: учебное пособие. – М.: ВЮЗШ МВД СССР, 1989. – С. 39.

зарар етказиши ёки шундай зарар етказиш хавфи (зарар етказишнинг реал хавфи) келиб чиқиши лозим.

Ижтимоий хавфлилик тушунчасини икки тарафдан ўрганиш мумкин: 1) ижтимоий хавфлиликнинг сифат кўрсаткичи ва 2) ижтимоий хавфлиликнинг микдор кўрсаткичи. Ижтимоий хавфлиликнинг бу икки кўрсаткичи ўзаро алоқадор бўлиб, қилмишни ижтимоий хавфли деб тан олиш учун у муайян сифат ва микдор хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Қилмиш жиноят қонуни билан қўриқланадиган муносабатларга тажовуз қилиши мумкин, лекин етказилган зарар ёки таҳдид кўлами муайян микдорга етмайдиган бўлса, бундай қилмишни жиноят-хукуқий жиҳатдан ижтимоий хавфли қилмиш сифатида эътироф этиб бўлмайди.

Шу сабабли ижтимоий хавфлилик тушунчасини изохлашда етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган зарарнинг жиддийлигига эътибор қаратган А.В. Наумов, А.И. Марев каби муаллифлар ҳақ.

Жиноятлар ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан келиб чиқиб, гуруҳларга ажратилади. Яъни, жиноятнинг қайси гуруҳга мансублиги унинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқади. Бильякс, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятнинг қайси гуруҳга мансублигидан келиб чиқмайди¹.

Қийноққа солишининг ижтимоий хавфлилиги қўйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, қийноқ бу шафқатсизликнинг энг оғир шакли бўлиб, жабрланувчининг соғлифи ва руҳиятига таъсир қилади.² Шафқатсизлик давлат ва жамият учун маъ-

¹ Кадников Н. Г. Категории преступлений и проблемы уголовной ответственности : учебное пособие / Н. Г. Кадников. — М.: Книжный мир, 2005.-С. 29-35.

² Ушбу ҳолатда Э.А. Акимованинг фикрларига кўшилиш мумкин. Яъни, жисмоний тажовуз натижасида шахсга руҳий жиҳатдан хам таъсир юзага келади. Қаранг: Акимова А.Э. К вопросу о физических и психических страданиях при истязании // Уголовное право: стратегия развития в XXI веке. Материалы международной научно-практической конференции 29-30 января 2004 г. М., 2004. С. 262)

қул эмас. Чунки, давлат ва жамият ўз аъзоларининг хавфсизлиги ва ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига масъул;

иккинчидан, қийнок, зўрликнинг бир кўриниши ҳисобланиб, конунга зид равишда шахс эркинлигининг чекланиши ва шу йўл билан унинг табиий ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Қийноқни содир этиш мақсади турлича бўлиши мумкин. Жумладан, жиноятни тез очиш, шахсни камситиш ва хоказо. Гарчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими жиноятни очиш мақсадида қийноқни қўллайдиган бўлса ҳам, бу унинг хатти-ҳаракатини оқламайди ва қилмиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради;

учинчидан, қийноқ доимо жамиятда ўрнатилган ижтимоий-ҳуқуқий норма ва қоидаларнинг бузилиши ҳисобланади. Қийноқни мансаб, ҳокимият ёки хизмат ваколатидан фойдаланиб қўллаш ва шу асосда ҳокимият вакилининг ўзи томонидан содир этилган қилмиш учун жазоламаслиги охир оқибат ҳуқуқий нигилизмнинг кучайишига жамиятда ўрнатилган ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади;

тўртингидан, жиноят ҳуқуқида қийноқнинг бошқа ўхшаш шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятлардан фарқи шундаки, қийноқ одил судловга қарши қаратилган жиноят ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, қийноқ натижасида ёлғон гувоҳлик олиниши ёки бўлмаса, сохта далил тўпланиши, асосланмаган ноқонуний процессуал ҳужжат, айни дамда асосланмаган ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, одил судловни амалга оширишга путур етказади давлат ҳокимиятини обрўсизлантиради. Ва, албатта, судга жалб қилинган шахснинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинлигига зарар етказади, жисмоний ва руҳий азобланишига олиб келади.

З.Х. Гулямовнинг фикрича, жиноят процессида иштирок этувчи шахсларга тазыйиқ ўтказиш натижасида юзага келишиши мумкин бўлган ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини қўйидаги З гурӯхга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) процессуал хавфсизлик чоралари;
- 2) ташкилий-техник хавфсизлик чоралари;
- 3) жиноят-хуқуқий хавфсизлик чоралари¹

Ўз навбатида, таъкидлаш лозимки, ёлғон кўрсатувлар, айблов хусусиятига эга хулосалар ҳар доим шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига (кўпинча шахснинг эркинлигига) зиён етказишга қаратилган бўлади. Худди шунингдек, айбсиз одамни жиноят содир этганикда ёлғондан айблаш унинг шаъни ва қадр-қимматини қаттиқ таҳқирлайди ва унга жуда катта маънавий зарар етказади².

Хизмат ваколатидан фойдаланиб амалга ошириладиган айрим холатлар тўғридан-тўғри шахснинг хуқуқларига тажовуз сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, сўроқ вақтида зўрлик ишлатиш. Ушбу ҳаракатлар натижасида етказиладиган зарар оғирлиги шундаки, бунда шахсларда қонунга нисбатан ишонч туйғусининг сўниши, хуқуқий нигилизм каби кайфият юзага келади.

Бундан ташқари, бир қатор ижтимоий салбий оқибатларни кўриш мумкин. Яъни, шахслар қонун билан қўриқланадиган хуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, хуқуқ-

¹ Гулямов З.Х. Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия: Теория и практика дис. д.ю.н. Т.:2003;

² Ёлғон гувоҳлик беришда айб шаклини тўғри белгилаш учун жиноятнинг мотив ва максадини аниқлаш мухим аҳамиятга эгадир. Тадқиқот натижасида ёлғон гувоҳлик бериш: айборд ёки унинг яқинларига нисбатан раҳм-шафқат килиш (45,7%), ўч олиш, рашк (10,1%), манфаатдор шахслар ўч олишидан кўрқиш (7,8%), таъмагирлик (1,6%), гувоҳлик берганлик учун “маънавий кораланиш”дан кўрқиш (2,8%), шахсий манфаат, тергов органлари ва судларга ишончсизлик, уларнинг хузурига боришини истамаслик, ортиқча ташвишдан ўзини олиб қочиш (32%) каби мотивлар асосида содир этилиши аниқланган.// Тошпўлатов А.И. “Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари”12.00.08-ихтисослиги бўйича мавзусидаги ю.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. авв.реф. Т.:2008.-Б.14.

бузарлик оқибатида юзага келган ўз муаммоларини давлат органлариға мурожаат қилмасдан мустақил ҳал қилишга уриниши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш зарурки, ҳар қандай ижтимоий-рухий ходисанинг табиати ҳақида у ёки бу даражада фикр юритиш имкониятини берувчи бир қатор хусусиятлар мавжуд бўлади. Лекин кўпинча зўрлик ишлатиш билан боғлиқ жиноятлар инсон кундалик тажрибаси доирасидан чиқиб кетиши ва жиноятни содир этишга ундовчи мақсад билан мутлақо таққослаб бўлмаслиги билан характерланади.

Қийноқ ҳам зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар қаторига киритилади. Жумладан, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ижтимоий хавфлилиги ва оқибатларининг оғирлиги даражасига кўра бошқа жиноий қилмишларга нисбатан оғирроқ ҳисобланади. Чунки, бундай жиноятларни содир этаётган шахслар турмуш ва дам олиш микромухитида ҳам зўрлик ишлатади. Бундай жиноий қилмишлар умуминсоний ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам жиддий қораланади. Бу жиноятлар айбдорнинг зўрлик қилиши, унинг ахлоққа зид шафқатсизлигидан далолат беради¹. Бу эса, қийноқ жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини яна бир карра таъкидлайди.

1.3. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш, унинг учун жазолаш бўйича халқаро шартномалар ва халқаро механизмлар

Инсон ҳуқуқлари масаласи жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масала бўлганлиги сабабли, “БМТ Бош

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 199-200.

Ассамблеяси томонидан 80 дан ортиқ, Европа Кенгаши томонидан 200 дан зиёд, ЮНЕСКОда 70 дан ортиқ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан-50 дан күпроқ; турли миңтақавий ҳалқаро ташкилотлар томонидан ҳам күплаб инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди”¹.

Ушбу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, шахс дахлсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти бар-по этишнинг зарурий шартидир. Айнан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашдан химоялаш давлат олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳам инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишидир. Ҳалқаро ҳамжамият томонидан бундай қилмишлар инсоният шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш сифатида баҳоланади.

Бугунги қунга келиб қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши кураш бўйича қатор ҳалқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур соҳадаги ҳалқаро ҳуқуқий нормалар қоида тариқасида уч шаклда тузилади: принциплар, стандартлар ва тақиқлар². Булар, ўз навбатида универсал ҳамда миңтақавий ҳужжатларга ажратилади.

¹ А.Х.Сайдов. Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ҳуқук. Konsauditinform-Nashr, Т.: 2006.- 242-бет.

² **Изоҳ:** Бунда принциплар инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг, шу жумладан, қийноққа солишдан ва бошқача шафқатсиз муомаладан ҳимоя қилишнинг ҳалқаро асослари ва кафолатларини мустаҳкамлайди; стандартлар қамоқда бўлган шахслар билан муомалада бўлиш ёки уларга нисбатан расмий мазмундаги бошқа мажбурлов чораларини қўллашни тартибга солади; тақиқлар ушбу стандартлар доирасидан четга чиқувчи ва қийноққа солиш ёки шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-

Биринчи навбатда, БМТнинг инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги энг асосий халқаро ҳужжатларидан бири ҳисобланган 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига алоҳида тӯхталиб ўтиш жоиз.

Ушбу Декларациянинг 5-моддасида “ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак”, деб белгиланган.

Адабиётларда ушбу ҳужжатга берилган турли баҳоларни учратиш мумкин. Жумладан, профессор Б. Саломовнинг фикрича, “Инсоннинг азалий орзуси – инсоннинг озодлигини ифодаловчи ва барча ҳуқук ҳамда эркинликларини ўзида мужассамлаштирган ягона халқаро ҳужжат бўлмаган эди ва буни бартараф этиш йўлида 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқларини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш мақсадида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган”¹.

Бу борада Д.А. Моряков БМТ Устави билан бир қаторда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатларнинг кейинги қонун ижодкорлиги фаолиятига (қонунчилик, шартномавий) катта таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди².

Кўриб чиқилаётган ҳужжатнинг асосий қоидалари қийноққа солишга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳукуқий нормаларнинг ишлаб чиқилишига таъсир кўрсат-

қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг бошқача шакллари сифатида ифодаланадиган қилмишларни тақиқлайди.

- 1 Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти ва унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси (тажриба ва муаммолар) дисс.ю.ф.д.12.00.11. Т.2004. 368 Б.
- 2 Бородин СВ., Ляхов Е.Г. Международное сотрудничество в борьбе с уголовной преступностью. М., 1983. С. 146. Моряков Д.А. Международно-правовое регулирование запрещения и предотвращения пыток и правовая система РФ: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.10. – Международное право; Европейское право/ Д.А. Моряков; Науч.рук. Г.И. Курдюков. - Казань,2008. – С. 25.

ган, шунингдек, алоҳида давлатларнинг қонунчилигига ўз аксини топган. Унинг улкан аҳамиятини шунда кўриш мумкин.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларациясидан кейин яна З та халқаро хуқуқий хужжатларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу хужжатларга қўйидагилар киради: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга Факультатив протокол.

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 7-моддасида: “Хеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак...”¹ дейилади.

Мазкур принцип, адабиётларда қайд этилишича, абсолют характерга эга бўлиб, давлатлар учун ҳам тинчлик даврида, ҳам уруш даврида унга риоя қилинишдан четга чиқиш мумкин эмаслигини назарда тутади.

Бундан ташқари, фавқулодда вазиятлар даврида Пактда мустаҳкамланган хуқуқларнинг чекланиши шартларини белгилаган мазкур халқаро шартноманинг 4-моддасида давлатларнинг ҳаётга, эркинликка ва бошқа бир қатор хуқукларга риоя этилишига teng равишда мазкур модда бўйича ўз мажбуриятларидан ҳам чекинишлари мумкин эмаслиги белгиланган².

¹ Қаранг: БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, 7-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йил 31 августанда кўшилган.) Инсон хуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. Ўзбекча нашр. Масъул мухаррир А.Х. Саидов.-Т.: “Адолат”, 2004 й.

² Лосицкая Л.К. Международно-правовое сотрудничество в сфере борьбы с пытками и жестоким, бесчеловечным или унижающим достоинство обращением и наказанием: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2003. С.22.

Пактнинг яна бир ўзига хос жиҳати шахсни қийноққа солишдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш доирасининг кенгайғанлиги бўлган. Унда қийноққа солишнинг одамлар устидан тиббий ёки илмий тажрибалар қўринишидаги турига нисбатан тақиқ эълон қилинган. А.П. Мовчанинг фикрича, “мазкур аниқлаштириш Пактга Иккинчи жаҳон уруши воқеаларини, фашист ваҳшийлари одамлар устидан инсонийликка зид тажрибалар ўтказганлигини, гитлерчилар томонидан оккупация қилинган юз минглаб одамларни концентрация лагерларида нобуд қилганларини инобатга олган ҳолда киритилган”¹.

1982 йил 18 декабрда мазкур қоида БМТ Бош Ассамблеясининг 37/194-сонли резолюцияси билан қабул қилинган Маҳкумлар ёки ушлаб турилган шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг роли билан боғлиқ тиббиёт этикаси Коидаларида, Халқаро тиббиёт ассоциациясининг врачларга ҳар қандай шаклда, фаол ёки пассив қийноққа солишларда ва шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала билан боғлиқ қилмишларда иштирок этишини тақиқловчи Токио декларациясида ўз аксини топган².

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, қийноққа солиш тўғрисидаги масала 1949 йилги уруш жабрланувчилирини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева Конвенцияси ва 1977 йилги, унга I ва II Қўшимча Баённомалар билан ҳам тартибга солинади. Барча Женева Конвенциялари учун умумий бўлган З-модда қуролли можаро даврида: “ҳаётга ва жисмоний дахлсизликка дахл қилиш, хусусан,

¹ Мовчан А.П. Права человека и международные отношения. М., 1982. С. 96.

² Моряков Д.А. Международно-правовое регулирование запрещения и предотвращения пыток и правовая система РФ: Автореферат диссертации на соискание научной степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.10. - Международное право; Европейское право /Д.А. Моряков; Науч.рук. Г.И.Курдюков. -Казань, 2008. – С. 30.

хар хил турдаги одам ўлдириш, шикаст етказиш, шафқатсиз муомала, қийноққа солиш ва қийнаш” тақиқланиси белгилаган.

1949 йил 12 августдаги “Харакатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг қисматини яхшилаш түғрисида”¹ги Женева Конвенциясининг З-моддасида: қуролли можаро вақтида ярадор ва касалларга жисмоний таъсир ва хаётига тажовуз қилиш, турли усулда ҳаётдан маҳрум қилиш, майиб қилиш, шафқатсиз муомала, қийноқ ва қийнаш тақиқланган. Ушбу Конвенциянинг 12-моддаси 2-қисмига кўра, ярадорлар ва беморларни ўз хукми остида сақлаб турган низолашувчи томон жинси, ирқи, миллати, дини, сиёсий эътиқоди ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлар сабабли ҳеч бир камситишга йўл қўймаслигини, уларга нисбатан инсоний муомала ва парвариш кўрсатишини таъминлайди. Уларнинг ҳаёти ва шахсиятига нисбатан ҳар қандай тажовуз, хусусан, уларни ўлдириб юбориш, кирғин қилиш, қийноққа солиш, улар устида биологик тажрибалар ўтказиш, уларни атайлаб тиббий ёрдамсиз ва қаровсиз қолдириш ёки заҳарланишлари учун қасдан шароит яратиш қатъиян тақиқланади. Демак, Конвенциянинг 12-моддасида ҳам қийноқни қўллаш расман тақиқланган. Мазкур конвенцияга асосан иштирокчи давлатлар томонидан ҳарбий можаролар даврида қийноққа солиш ва ғайриинсоний муносабатда бўлиш конвенциянинг 50-моддасига асосан, конвенция талабларини қўпол бузиш сифатида баҳоланган.

1949 йил 12 августдаги “Денгиз қуролли кучлари таркибиға мансуб ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматини яхшилаш түғрисида”¹ги

¹ Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 03.09.93 й. № 946-XII-сонли қарорига мувофиқ қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 й., № 9, 346-мода.

Женева Конвенцияси¹нинг 3, 12, 51-моддаларида ҳам қийноқни қўллаш қаттиқ қораланади².

1949 йил 12 августдаги “Ҳарбий асиrlар билан муомала қилиш тўғрисида”ги Женева Конвенцияси³нинг 3, 17, 87, 132-моддалари қийноқни қўллашни тақиқлайди⁴.

1949 йил 12 августдаги “Уруш даврида фуқаро ахолисини химоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция⁵нинг 3, 32, 147-моддаларида ҳам қийноқни қўллаш тақиқланади⁶.

БМТнинг 1974 йил 14 декабрда қабул қилинган “Аёллар ва болаларни фавқулодда ҳолат ва қуролли можаролар даврида химоя қилиш тўғрисида”ги Декларациясининг 4-бандида қуролли харакатлар ҳарбий можароларда иштирок этадиган давлат аёллар ва болаларни қийноқ, шафқатсиз муомала, зўрликдан химоя қилиш юзасидан зарур чораларни кўриши ҳақидаги қоида мустахкамланган.

Қийноқни тақиқловчи БМТ томонидан 1975 йил 9 декабрда қабул қилинган муҳим хужжатлардан бири – “Барча шахсларни қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Декларацияда

¹ Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 03.09.93 й. № 946-XII сонли қарорига мувофиқ қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 й., № 9, 346-модда.

² Каранг: 1949 йил 12 августдаги Женева Конвенциялари ва уларга кўшимчча протоколлар. Иккинчи, тузатилган нашри. – Т.: Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, 2007. – Б. 39-65.

³ Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 03.09.93 й. № 946-XII сонли қарорига мувофиқ қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 й., № 9, 346-модда.

⁴ Каранг: 1949 йил 12 августдаги Женева Конвенциялари ва уларга кўшимчча протоколлар. Иккинчи, тузатилган нашри. – Т.: Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, 2007. Б. 65-151.

⁵ Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 03.09.93 й. № 946-XII сонли қарорига мувофиқ қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 й., № 9, 346-модда.

⁶ Каранг: 1949 йил 12 августдаги Женева Конвенциялари ва уларга кўшимчча протоколлар – Иккинчи, тузатилган нашри. Т.: Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, 2007. Б. 151-221.

“қийноққа солиш – бу шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазонинг оғир ва олдиндан режалаштирган тури” эканлиги қайд этилган. Жумладан, мазкур Декларациянинг 2-моддасида қийноққа солишининг ўта ижтимоий хавфлилиги ва унинг инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига зид эканлиги қайд этилган: “Кийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазодан иборат бўлган ҳар қандай қилмишлар инсон қадр-қимматининг хақорат қилиниши ҳисобланиб, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини бузиш деб топилиши лозим”.

Ушбу Декларацияга кўра, ҳеч бир давлат қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазоларга рухсат бериши ёки уларга хайрихоҳ бўлиши мумкин эмас. Истисно ҳолатлар, масалан, уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий бекарорлик ёки ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳолат қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид, қадр-қимматни камситувчи муюмала ёки жазоларни оқлаш учун асос бўла олмайди. (3-модда)

Қийноққа солиш учун жавобгарлик нафақат бевосита бажарувчилар, балки, “қийноққа солишда иштирок этганик, уларда иштирокчилик, қизиктирганлик ёки қасддан қийноққа солишга мажбур қилганлик учун ҳам белгиланиши лозим” (7-модда).

1979 йил 17 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Хуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахслар ахлоқ кодекси”¹нинг 2-моддасида “Хуқуқ-тартиботни сақлашда мансабдор шахслар ўз вазифаларини бажариш давомида инсон қадр-қимматини ҳурмат

¹ Ушбу хужжат Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 1997 йил 30 августдаги 507-I-сонли қарорига мувофиқ маъқулланди. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 263-модда.

қиладилар ва ҳимоя қиладилар ҳамда инсон ҳукуқларини барча шахсларга нисбатан қўллаб-қувватлайдилар ва ҳимоялайдилар” деб белгиланган.

Ушбу Кодекснинг 5-моддасида: “Ҳеч бир ҳукуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахс қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситишдан иборат бўлган ҳар қандай харакатни амалга ошириши, бунга ундаши ёки тоқат қилиши мумкин эмас ва ҳеч бир ҳукуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахс қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларини оқлаш учун юкори турувчи шахсларнинг фармойишлари ёхуд уруш ҳолати ёки хавфи, миллий хавфсизликка таҳдид, ички сиёсий берқарорлик ёки ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳолат каби истисноли ҳолатларни важ қилиб кўрсатиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Ўтган асрнинг 80–90 йиллари мобайнида қийноқни тақиқлаш бўйича аниқ чоралар кўришда, шунингдек, бу борада ҳукуқий норма ва ҳужжатлар ишлаб чиқиша қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. 1981 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қийноқ жабирланувчилари ва уларнинг оиласларига ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш мақсадида Қийноқ жабраланувчилари учун ихтиёрий жамғарма таъсис этилди. 1984 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Қийноқларга солиш ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши” Конвенция¹ қабул қилинди. 1975 йилги

¹ Қийнокларга қарши конвенция 1984 йилнинг 10 декабрида имзоланган (БМТнинг 39-46-сонли резолюцияси), 1987 йилнинг 21 январида дунёнинг 20 та мамлакати томонидан ратификация қилинган, 1987 йилнинг 26 июняда кучга кирган, 1987 йил 11 ноябрда эълон қилинган. 2002 йилнинг бошида конвенцияни 120 дан ортиқ давлат ратификация қилди ёки имзолади. Ўзбекистон Республикаси Парламенти Конвенцияни 1995 йил 31 августда ратификация қилган. Ушбу Конвенция III қисм, 33-моддадан иборат.

Декларациядан фарқли тарзда 1984 йилги Конвенцияда қийноққа солишга кенг таъриф берилди (1-модда). Шунингдек, қўшимча равишда дискриминация¹ мақсадида содир этилган қилмишлар ҳам қийноққа солиш сифатида эътироф этилган бўлиб, бу ўз навбатида, мазкур соҳадаги ҳалқаро ҳамкорликнинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради². Конвенциянинг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

биринчидан, бу ҳужжат қатнашчи давлатлар қийноққа солиши чораларини қўллашни ўз миллий қонун ҳужжатлари доирасида батамом тақиқлашлари лозимлигини назарда тутади;

иккинчидан, Конвенцияда қатъий белгиланганидек, юқори турувчи бошлиқнинг ҳеч бир буйруғи ва ҳеч қанақа алоҳида, фавқулодда ҳолат қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи жазо турларини қўллашни оқлаш учун хизмат қилиши мумкин эмас;

учинчидан, Конвенцияга мувофиқ қийноққа солишини қўллаган ҳар қандай шахс исталган қатнашчи давлатнинг ҳудудида суд тартибида таъқиб қилиниши мумкин. Қийноққа солиши ҳолларини содир этишда гумон қилинаётган ҳар қандай шахс ҳар қандай қатнашчи давлатда суд жавобгарлигига тортилиши ёки қатнашчи давлатда жиноят

¹ **Изоҳ: Дискриминация** (лотинча, discriminatio – фарқлаш, ажратиб қўйиш) умумхуқукий атама бўлиб, давлат, юридик ёки жисмоний шахслар хукукларининг бузилишини (бошқа давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан) англатади. // Большой юридический словарь / под ред. А.Я. Сухарева, В.Д. Зорыкина, В.Е. Крутских. М., 1997. С.167. Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2008. – С. 277.

² Қийноққа солишининг ҳалқаро-хуқуқий тушунчасига унинг дискриминация мақсадида содир этилиши мумкинligининг киритилиши исботи сифатида 1973 йилги Апартеид жиноятига барҳам бериш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Конвенцияга асосланиш мумкин бўлиб, унда “апареид жинояти”нинг белгиларидан бири сифатида қайсиdir иркӣ гуруҳ аъзолари ёки гурухга нисбатан “қийноққа солиш ёки бошқача шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолар”нинг қўлланилиши белгиланган (II модданинг 2-банди).

содир этган бўлса, суд жавобгарлигига тортиш мақсадида шу давлатга топширилиши мумкин;

тўртинчидан, Конвенция муайян бир қатнашчи давлат ҳудудида мунтазам равишда қийноққа солиш қўлланиб келинаётганлигига доир аниқ, тўғри ва ишончли ахборот мавжуд бўлса, уни ҳалқаро миқёсда муҳокамадан ўтказишни назарда тутади. Қатнашчи давлатнинг розилиги билан бундай текширув пайтида ана шу давлат ҳудудига ташриф билан бориш ҳам мумкин.

БМТ алоҳида аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳалқаро хуқуқий хужжатни ишлаб чиқар экан, у стандартларни назорат қилувчи Қийноққа қарши конвенциявий (шартномавий)¹ Қўмитани ҳам ташкил этди. “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”нинг иккинчи қисм, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24-моддаларида² Қийноққа қарши қўмита фаолияти, вазифалари, механизми белгиланган. Мазкур қўмита 1988 йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга кириши ва 1988 йил апрелда Женева шаҳрида биринчи маротаба йиғилишини чақирди. Қўмита таркиби 10 та мустақил

¹ **Изоҳ:** 1. Шартномавий органлар бир неча давлат ўртасидаги юридик мажбурий битим йўли билан ташкил этилган органлардир. БМТнинг бир қанча шартномалари қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг ўз мажбуриятларини бажариши жараёнини мониторинг қилиш учун ташкил этилган. Ариза бериш мумкин бўлган органларга: Қийнокларга қарши Кўмита; Инсон хуқуклари бўйича Кўмита; Бола хуқуклари бўйича Кўмита; Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича Кўмита; Ирккий камситишларни тугатиш кўмитаси (БМТ нинг 1965 йилда қабул қилинган “Ирккий камситишларни ҳар қандай кўринишларини йўқ қилиш тўғрисида”ги Конвенция мажбуриятларининг бажарилишини назорат қиласди.)

2. Ношартномавий механизmlар булар бирор-бир шартномага риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ташкил этилмаган механизmlардир. Ушбу механизmlар давлатларнинг вакилларидан иборат сиёсий орган, масалан, БМТ нинг Инсон хуқуклари бўйича комиссияси ва х.к // батафсилроқ қаранг: Қийноклар: Ахборотлар тузиш бўйича қўлланма Камий Жиффар, инсон хуқуклари маркази Эссекс университети Т.-2003 й.

² Қаранг: Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид ҳалқаро хужжатлар. Тўплам. / Масъул мухаррир: А.Х. Сайдов. Т.: “Адолат” 2004, Б. 59-75.

экспертлардан ташкил топган. Экспертларнинг хар бири тўрт йил муддатга сайланади. Қўмита ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланишлари мумкин. Қўмитанинг аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан кўрсатиладиган номзодлар рўйхати ҳисобидан яширин овоз бериш билан сайланади. Қўмитанинг асосий мақсади давлатлар томонидан ушбу шартнома бўйича қийноқ қўлланилишининг олдини олиш ва у юз берган тақдирда қонунни бузувчиларни жазолашдан иборат бўлган мажбуриятларни таъминлашдан иборат.

Кийноқларга қарши Қўмитанинг асосий функциялари:

- 1) давлат маъruzаларини ўрганиш (19-модда);
- 2) махфий тергов тартиби воситасида фактларни аниқлаш (20-модда);
- 3) давлатлараро шикоятлар (21-модда);
- 4) индивидуал шикоятлар (мажбурий эмас (21-модда)).

2002 йил 18 декабрда “Кийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”сига Факультатив Протокол¹ қабул қилинди. Мазкур протоколнинг 2-моддасига кўра, қийноқлар ва бошқа файриинсоний, шафқатсиз ҳамда инсон қадрини ерга урадиган муомала турларининг олдини олиш кичик қўмитаси таъсис этилади. Қоидаларга кўра, давлатлар ўз зиммаларига комиссиялар томонидан ўз юрисдикциялари остида бўлган, давлат органи буйруғи ёки кўрсатмасига кўра ёхуд унинг розилиги билан у ёки бу сабабга кўра озодликдан махрум этилган шахслар ушлаб турилган ҳар қандай жойларни кўриш мажбуриятини олади². Кичик

¹ “Кийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” Факультатив Протокол кийноқларнинг олдини олишга бағишиланган бўлиб, у 2002 йил 18 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган.

² Қўмита томонидан 397 та шикоят кўриб чиқилган, 47 та иш бўйича қарор қабул қилинган./ /Исмоилов Б.И. Кийноқ ҳамда муомала жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ва хукукни муҳофаза қилиш органлари фаолияти./ / Масъул мухаррир. А.Х.Саттаров. Т.: ТДЮИ Илмий тадқиқот маркази, 2012 йил; А.Сатторов Инсон хукуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти Т. 2007. Б. 27.

қўмитанинг асосий вазифаси иштирокчи давлатлар ҳудудида озодликдан маҳрум этиш жойларини бориб кўришдан иборат.

Миссиялар¹ делегациялар томонидан камида кичик қўмитанинг икки аъзоси ва эксперталар (врачлар, суд тиббий эксперталари, шунингдек, таржимонлар) иштирокида амалга оширилади.

Миссия натижаларига кўра, Кичик қўмита делегация хуносалари бўйича маъруза тузиб, уни тегишли иштирокчи давлатга тавсиялар билан бирга юбориши лозим.

Кичик қўмита маърузаси иштирокчи давлат билан маслаҳат мазмуни каби маҳфий аҳамиятга эга бўлади. Миссия юборилган иштирокчи давлат илтимосига кўра Кичик қўмита ўз маърузасини эълон қилиши шарт. Агар иштирокчи давлат маъruzанинг бир қисмини эълон қилишни лозим топса, Кичик қўмита маъруза мазмунининг мувозантлашган мазмунини таъминлаш учун ана шу давлат билан маслаҳатлашиб олгач, Оммавий баёнот эълон қилиши ёки маъruzани қисман ёхуд тўлиқ эълон қилиши мумкин.

1989 йили қабул қилинган Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция² давлатларга “бирорта ҳам бола қийнокларга ёки бошқа шафкатсизларча, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқости қиласиган муомала ёки жазога дучор этилмаслиги” мажбуриятини юклайди (37-модда).

¹ Баённома икки турдаги миссияни кўзда тутади. Биринчидан, Кичик қўмита даврий ташрифлар жадвалини ишлаб чиқиши керак. Иккинчидан, ташкил этиладиган назорат органига агар Кичик қўмита иштирокчи давлат юрисдикцияси отсида бўлган давлат ҳудудидаги озодликдан маҳрум этиш жойида қийнокларга йўл қўйилаётгани ҳакида маълумо олса ёки бундай зарурат даврий ташрифлар давомидаги текширувлар натижасига асосланган бўлса Баённоманинг иштирокчи давлатларига дастурдан ташқари ташрифлар қилишига имконият берилиши лозим. // Международное публичное право. Учебник \ Л.П. Ануфриева и.д. М.:Проспект, 2010.

² Ушбу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сонли Қарори билан кўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июндан кучга кирган. // Қаранг: Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва унинг протоколлари (Ўзбекча нашр). Масъул мухаррир А.Х. Саидов. - Т.: 2009. - 72-бет.

Шунингдек, конвенцияда “18 ёшга етмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ўлим жазоси, озодликка чиқиши назарда тутмайдиган умрбод озодликдан маҳрум этиш жазолари қўлланмайди” деб белгиланган.

Ушбу Конвенциянинг 39-моддаси давлатларга “қийнашнинг ҳар қандай кўринишлари ёки шафқатсизлик, ноинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқости қиласидиган бошқа ҳар қандай муомала, жазолаш ёки қуролли мажаролар курбони бўлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланиши ҳамда ижтиомий жиҳатдан ўзини ўнглаб олишига кўмаклашиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш мажбуриятлари белгиланган. Бундай тикланиш ва ўзини ўнглаб олиш боланинг соғлифи, ўзини ўзи хурматлаши ва қадр-қимматини таъминлайдиган шароитларда амалга оширилиши лозим”, деган мажбуриятини юклаган. Шунингдек, Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир болаларнинг қуролли мажароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол¹ (2000 йил 25 май); Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир болалар фохишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив Протоколда² (2000 йил 25 май) қийноқлар тақиқланган.

Шундай қилиб, Конвенция фақатгина болаларга нисбатан қийноққа солиш ва шафқатсиз муомалада бўлишни тақиқлаб қолмасдан, уларга нисбатан бу турдаги жиноятлар содир этилган ҳолларда уларни реабилитация қилиш чораларини ҳам назарда тутган.

Бугунги кунда БМТ томонидан қийноқни тақиқлаш масаласи бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан маҳсус

¹ Ўзбекистон Республикаси мазкур Протоколга Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-190-сонли Қонуни билан қўшилган. Бу борада батафсилроқ қаранг: Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва унинг протоколлари (Ўзбекча нашр). Масъул мухаррир А.Х. Саидов. - Т.: 2009. - 72-бет.

² Ўзбекистон Республикаси мазкур Протоколга Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-188-сонли Қонуни билан қўшилган. // Бу борада батафсилроқ қаранг: Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва унинг протоколлари (Ўзбекча нашр). Масъул мухаррир А.Х. Саидов. - Т.: 2009. - 72-бет.

52 / 149 сонли резолюция билан 1997 йилдан буён 26 июнь Қийноқ ва зўрлик жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш куни (**International Day in Support of Victims of Torture**) сифатида нишонланмоқда.

1998 йил 17 июлдаги Халқаро жиноят судининг Рим Статутининг 7-моддаси 1-кисми “а” бандида қий-ноққа солиш фактининг ўзи халқаро ҳамжамият томони-дан халқаро хуқуқнинг асосий принциплари ва норма-ларини бузувчи оғир хуқуқбузарлик, инсонга қарши жи-ноят сифатида тан олинди.

Қийноқни тақиқловчи ҳужжатлар орасида мінтақавий ҳужжатларнинг ўрни ҳам салмоқлидир. Жумладан, ҳозирги замон мінтақавий халқаро хуқуқида қийноққа солишнинг олдини олиш ва унинг учун жазолашни тартибга со-лувчи қўйидаги асосий хуқуқий ҳужжатлар амал қилиб келмоқда:

1969 йилги Инсон хуқуқлари бўйича Америкалараро Конвенциянинг 5-моддасида қўйидаги қоида белгиланган:

“Ҳар бир инсонга унинг жисмоний, руҳий ва маънавий дахлсизлигини хурмат қилиш ҳуқуқи тегишилдири”.

“Ҳеч ким қийноққа солиниши ёки шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи жазога ёки муомалага дучор этилиши мумкин эмас”¹.

1981 йилги Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка Хартияси 5-моддасида қўйидаги норма мустахкамланган:

“Ҳар бир инсон инсон шахсиятига хос бўлган ўзининг қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ва ўзининг ҳуқуқ субъекти эканлигининг тан олиниши ҳуқуқига эга. Инсонни эксплуатация қилиш ва камситишининг барча шакллари, хусусан қулчилик, кул савдоси, қийноққа солиш, шафқат-

¹ Международные акты по правам человека. Сборник документов. Комиссия по правам человека при Президенте РФ. Институт государства и права РАН. Сост.: Караташкин В.А., Лукашева Е.А. Изд. 2. –М.: Норма-Инфра М., 2002, С. 868.

сиз, инсонийликка зид ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо тақиқланади”.

1995 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари түғрисидаги МДХ Конвенциясининг З-моддасида қўйидагилар мустаҳкамланган:

“Ҳеч ким қийноққа солиниши ёки шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким ўзининг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга дучор қилиниши мумкин эмас”.

1990 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Ислом декларацияси¹нинг 20-моддасида “Инсон жисмоний ёки руҳий қийноқларга, шунингдек, қандайдир шафқатсиз, инсон қадр-қимматини камситувчи ёки рад этувчи муомалага дучор қилиниши мумкин эмас”, деб белгиланган.

1981 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон ислом декларациясининг 7-моддасида “инсоннинг ўзига ёки унинг яқинларига ёки унинг тарафдорларига руҳан ёки жисмонан қийноққа солиш, шунингдек, камситиш ёки таҳдид солиш” тақиқланган².

Шу билан бирга, шуни қайд этиш лозимки, 1990 йилги Инсон ҳуқуқлари Ислом Декларациясининг 24-моддасида “мазкур Декларацияда келтирилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар ислом шариатига бўйсуниши”, 25-моддада эса, Декларациянинг ҳар қандай моддасини шарҳлашда “ислом шариати ягона манба” эканлиги белгиланган³. Шундай

¹ Инсон ҳуқуқлари Ислом Декларацияси Ислом Конференцияси Ташкилоти аъзодавлатлари ташки ишлар вазирларининг 1990 йил сентябрда Кохирадаги XIX йигилишида қабул қилинган.

² Мезяев А.Б. Азиатская система защиты прав человека // Чинов П.В., Хазиева Г.Н., Мезяев А.Б., Насырова А.М. Универсальные и региональные системы защиты прав человека и интересов государства. Отв. ред. Курдюков Г.И., Казань, Легранд, 2002, С.150.; Моряков Д.А. Международно-правовое регулирование запрещения и предотвращения пыток и правовая система РФ :Автореферат докторской на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.10. - Международное право; Европейское право / Д.А. Моряков; Науч.рук. Г.И. Курдюков. -Казань, 2008. С. 30.

³ Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. М., Международные отношения. 2003. С.525.

қилиб, Декларациянинг бошқа барча моддалари сингари қийноққа солишининг тақиқланиши чекланади ёки матнга кўра ислом шариатига “бўйсунади”.

1988 йил 15 февралда қабул қилинган Инсон ва халқлар хуқуqlари тўғрисидаги Осиё тинч океани Декларацияси¹да “ҳеч ким на ақлий ёки жисмоний қийноққа солиниши, на шафкатсиз ёки камситувчи жазоларга ёки муомалага дучор этилиши мумкин эмас”лиги белгиланган.

1950 йилги Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг З-моддасида қўйидагилар мустаҳкамланган: “Ҳеч ким қийноққа солиниши ва инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор қилиниши мумкин эмас”.

Қийноққа солишдан ва инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомаладан озод бўлиш инсоннинг асосий хуқуқларидан ҳисобланади, боиси, улар индивиднинг шахсий дахлсизлиги ва инсонийлик қадр-қиммати билан боғлиқ. Мазкур хуқуқларнинг халқаро хуқуқлар иерархиясидаги фавқулодда юқори даражадаги ўрнини, уларнинг бу борадаги маҳсус мақоми белгилаб беради.

Қийноққа солиш ва инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари ва жазоларнинг олдини олиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси. Европа Иттифоқи доирасида 1987 йил 26 ноябрда қабул қилинган.

Мазкур Конвенциянинг ўзига хос томонлари шундаки, унда моддий нормалар белгиланмаган. Конвенциянинг асосий мазмуни қийноққа солишининг олдини олиш бўйича Европа Кўмитасининг фаолиятини процессуал тартибга солишдан иборат.

Конвенциянинг моҳияти озодликдан маҳрум этилган шахсларни бориб кўриш орқали уларни қийноққа солинишдан ҳимоя қилиш мақсадида уларга нисбатан муома-

¹ Мезяев А.Б. Азиатская система защиты прав человека. С.152.

лани ўрганувчи қийноққа солишининг олдини олиш бўйича маҳсус Қўмитани таъсис этишдан иборат (1-модда).

Конвенциянинг ҳар бир иштирокчи-давлати Конвенцияга мувофиқ озодликдан маҳрум этилган шахслар сакланадиган ҳар қандай ерда улардан хабар олишга руҳсат беришга мажбур (2-модда).

МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларни кўриб чиқадиган бўлсак, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси¹ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари учун Намунавий Жиноят кодексини келтириш мумкин.

Конвенциянинг 3-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши ёки шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор қилиниши мумкин эмас. Ҳеч ким ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга дучор қилиниши мумкин эмас”, деб белгиланган.

1996 йил 17 февралда МДҲ иштирокчи давлатлари-нинг еттинчи Парламентлараро Ассамблеяси йиғилишида қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Намунавий Жиноят кодексида қийноққа солишини қийнаш (126-модданинг 2-қисми)нинг квалификацияловчи белгиси сифатида кўриб чикиш таклиф этилган.

Юқорида қайд этилганидек, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш принциплари, қийноққа солиш ва шафқатсиз муомаланинг бошқа шаклларига нисбатан тақиқлардан ташқари халқаро миёсда қандайдир мажбурий чоралар (жазога, дастлабки қамоққа ва б.)га дучор қилинган шахслар билан муомалада бўлишнинг стандартлари ҳам ишлаб чиқилган.

Мажхумлар билан муомалада бўлиш бўйича халқаро стандартларнинг микдори жуда кўп. П.Г. Пономарев улар-

¹ 1995 йил 26 майда Минскда имзоланган, 1998 йил 11 августда кучга кирган.

ни куйидаги таснифлаган: умумийлиги даражаси бўйича (универсал ва маҳсус); мажбурийлиги даражаси бўйича (мажбурий ва тавсиявий); келиб чиқиш манбалари бўйича (мазкур хужжатларни қабул қилган органлардан келиб чиқиб: БМТ, Европа Ҳамжамияти ва б); амал қилиш ҳажми (худудий ҳажми) бўйича (халқаро ва минтақавий); алоҳида тоифадаги хукуқбузарларга нисбатан ёки жазони ижро этувчи муассасалар ва органларнинг маълум хизматчиларига нисбатан амал қилиши бўйича¹.

Адабиётларда алоҳида тоифадаги хукуқбузарларга нисбатан ёки жазони ижро этувчи муассасалар ва органларининг маълум хизматчиларига нисбатан амал қилиши бўйича маҳкумларга нисбатан муомалада бўлишнинг таснифи берилган. Ўз моҳиятига кўра, бу хукуқбузарликлар субъекти бўйича куйидаги стандартларга бўлинади. Улар: а) вояга етмаганларга қаратилган стандартлар (1990 йилги Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича БМТ Қоидалари); б) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган маҳкумларга қаратилган стандартлар (1990 йилги Қамоқ жазоси билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан БМТнинг стандарт минимал қоидалари); в) қамоққа олинган шахсларга қаратилган стандартлар (1988 йилги Ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш принциплари тўплами); г) мансабдор шахсларга қаратилган стандартлар (1979 йилги Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-автор Кодекси, 1979 йилги Маҳкумлар ёки ушлаб турилган шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи

¹ Пономарев П.Г. Международно-правовые стандарты обращения с заключенными и национальные варианты их реализации. Рязань, 1994. С. 3-7.; Лосицкая Л.К. Международно-правовое сотрудничество в сфере борьбы с пытками и жестоким, бесчеловечным или унижающим достоинство обращением и наказанием: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2003.

муомала ёки жазо турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимлари, хусусан, врачларнинг роли билан боғлиқ тибиёт этикаси принциплари)¹.

Қайд этилган барча хужжатлар ва бошқа шу каби хужжатлар принципларни эълон қилиб, қамоқда сақлаш шароитларини инсонпарварлаштириш, инсонларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқача шафқатсиз муомалада бўлишга йўл қўймасликнинг ҳуқуқий механизмларини ўзида акс эттирган.

Ҳозир дунёда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, яъни инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берувчи халқаро ҳуқуқий ва давлат ички нормалари тизими, шунингдек, уларни ҳимоя этиш ва кафолатлашнинг универсал механизми шаклланиб бормоқда.

Мамлакатимиз мустакилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишга жадал киришилди. Бинобарин, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган қоида ва меъёрларни тан олиш, уларни миллий қонунчилиқда жорий қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунинг натижасида ҳозирги кунга қадар 70 дан зиёд халқаро хужжатларнинг ратификация қилинганлиги, шунингдек, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома қатнашчиси сифатида зиммасига олган халқаро мажбуриятларни мунтазам бажариб келаётганлиги бу соҳада олиб бориляётган ислоҳотларнинг кўламини яққол намоён этади².

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ҳакли равишда таъкидлаганидек, “... Халқаро шартномаларга нафақат қўшилиш, балки ушбу шартно-

¹ Международное сотрудничество в области прав человека. Вып.2. М., 1993.

² Одам савдосига қарши курашиб бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги: хужжатлар тўплами / Р.Қодировнинг умумий таҳрири остида Т.: O'zbekiston”, 2012. Б.15

малар бўйича олинган халқаро мажбуриятларни бажариш, улар талабларини барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай бажариш механизмини қонуний тартибда ишлаб чиқиш зарур”¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади – инсон хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича яхлит хукукий тизим яратилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади, деб мустаҳкамланган.

Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини эълон қилганидан сўнг роппа-роса бир ой муддат ўтгач, Инсон хукуклари умумжаҳон декларациясига қўшилганлигини назарда тутсак, ушбу Декларация Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин бу соҳада тасдиқланган биринчи халқаро хужжат ҳисобланади. Халқаро хужжат бўлган ушбу декларациянинг асосий тамойиллари ва ғоялари 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва миллий қонуничилигимизда ўз аксини топган.

Мамлакатимизда инсон хукуклари соҳасидаги изчил ва тизимли сиёsatнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидаги муҳим қадамлар қўйилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони²га биноан, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Президент ташаббусига кўра парламентимиз “Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим жазосига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган XIV-сессиясида қилган маъруzasи.

² Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 30–31-сон. – Б. 223.

тааллуқли иккинчи факультатив протоколини ратификация қилди. Бу билан Ўзбекистон мазкур протоколни ратификация қилган 67-давлат бўлди.

2. Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини тўлиқ амалга оширишга йўналтирилган демократик институтлар – “Хабеас корпус” ва “Миранда қоидалари” ҳукуқни қўллаш амалиёти жорий этилди¹.

Хусусан, “Қамоққа олишга санкция бериш ҳукуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармоннинг² қабул қилиниши Конституциянинг 19, 25, 44-моддаларида белгиланган шахс ҳукуқ ва эркинликларининг дахлсизлигини ва улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, қонунга асосланмаган ҳолда хибсга олиш ёки қамоқда сақлаб туриш мумкин эмаслиги ҳамда ҳар бир шахс ўз ҳукуқи ва эркинликларини судга шикоят қилиш орқали ҳимоя қилиши кафолатланганлиги тўғрисидаги талабларни жиноят-процессуал қонунида акс эттирилишини таъминлади. Жиноят-процессуал қонуни такомиллаштирилиб, дастлабки терговга суд назоратини олиб киришга имконият яратилди³.

3. “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши” Конвенциянинг 4-моддасига асосан, ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари

¹ Батафсилроқ каранг: А.Х.Сайдов Инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши// Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўлланганлик учун жавобгарлик (илмий-амалий конференция материаллари) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, 2010. Б.4.; А.Х.Сайдов Ҳукуқ ва эркинликлар улуғланган юрт. Ниуц va burch № 8–9./2011. Б. 26.

² Ўзбекистон Республикаси қонун кужжатлари тўплами, 2005, №32–33, Б. 242.

³ А. Одинаев. Прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш масалалари //Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига 15 йил. (Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. Б. 450,456.

унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди.

Қийноққа қарши кураш масаласида:

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Жиноят кодексининг 235-моддаси “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” деб номланди. Ушбу моддага асосан, ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят процесси иштирокчиларига ва жазони ўтаётган маҳқумларга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

2. 2004 йил май ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгashiда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қийноққа қарши Конвенцияга мувофиқ ҳалқаро мажбуриятларга қатъий риоя этиш масалалари кўриб чиқилиб, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат идоралари ходимларининг ғайриконуний хатти-харакатлари устидан берилган шикоят ва аризаларнинг қонуний кўриб чиқилишига амал қилиш масалалари мухокама этилди.

Бош прокуратуранинг ҳайъат мажлисида ҳам фуқароларни ушлаб туриш, жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда қамоққа олишда уларнинг конституциявий ҳукуқларига риоя қилиш устидан прокурор назоратини кучайтириш масалалари мухокама этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февраль кунги “Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назора-

тини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги 40-сонли буйруғига¹ асосан прокурорлар жиноят процессида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда БМТнинг “Инсон қадр-қимматини камситувчи харакатлар, қийноқ ва бошқа тазийкларга қарши кураш борасида”ги Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилиш кераклиги, ҳар қандай қонун бузилишларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришдек қатъий талаблар қўйилган.

3. Суд ҳокимияти. Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя хуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорида БМТнинг “Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция”да назарда тутилган “қийноқ” тушунчаси мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли Олий суд Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида ҳам “қийноққа солиш йўли билан олинган далиллар номақбул деб топилиши таъкидланган”.

Ўтган вақт мобайнода қонун хужжатларига бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам қилиб келинмоқда.

Халқаро стандартларда дастлабки терговда эҳтиёт чораси сифатида қамоқ қўлланган шахсларнинг сўроқ қилинишига тааллуқли қатор талаблар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида мазкур чораларни қўллашда гумон қилинувчи, айбланувчи шахслар

¹ Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-хуқуқий хужжатларо ва Бosh прокурорнинг буйруқлари тўплами. – Т: 2006. – 441-бет.

учун яратилаётган енгилликлар, яъни 2008 йилдан бошлаб қамоққа олишга санкция бериш хукукининг судларга ўтказилганлиги, 72 соатдан ортиқ муддатга ушлаб туриш учун суд томонидан рухсат берилиши, айбланувчи, гумон қилинувчига янги хукуқлар берилганлиги мамлакатимизнинг халқаро шартномалардаги қоидаларга оғишмай амал қилаётганлигидан, уларни бетўхтов ҳаётга татбиқ этаётганлигидан дарак беради.

Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан 2008 йил 31 декабрдаги қонунга мувофиқ, жиноят процессида шахсга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллашдан ҳимояланиш хукуқи ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий хукуқларни таъминлашда ҳимоячининг ваколатлари янада кенгайтирилди. Шунингдек, “Гувоҳнинг адвокати” институти назарда тутувчи янги 66¹-модда билан тўлдирилди.

2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Жиноят ишини юритиш чофида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ва ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси кўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитлари, уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада мустаҳкамланди. Қонунга асосан “Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи тазииклар кўллалишига йўл қўйилмайди”.

Мазкур қонунда суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки қамоқда сақлаш жойларини текшириш хукуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор

шахсга ёки органга йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмаслиги ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай муҳрланган тарзда адресатга юборилиши мустаҳкамланган.

2012 йил “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 7-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этилиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

“Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”нинг 9–15-моддалари ЖПКнинг 17, 18, 19, 22, 23, 27, 88-моддаларига тўла мос келади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 17-моддасидаги шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш принципи орқали инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллукли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган харакатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади. Жиноят ишларини юритишига масъул бўлган давлат органлари, ишда иштирок этадиган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишлари шарт, ишда иштирок этадиганлар эса, инсон қадр-қимматини камситувчи харакатлардан ҳимоя қилиш воситалари мажмуига эгадирлар. Жумладан, улар манфаатларини чеклаш ёки бузишга олиб келадиган мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари ва қарорлари устидан шикоят аризаси беришлари мумкин. Мазкур принцип шахсга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган харакатлар содир этилишига тўсиқ вазифасини ўтайди. Гумон қилинувчи, айбланувчининг ЖПКнинг 46, 48-моддаларига киритилган адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнфироқ қилиш ёки хабар бериш,

кўрсатувлар беришни рад этиш, ўзи берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билиш каби янги ҳукуклари ҳам Конвенциядаги шахсдан зўрлик билан маълумот ёки эътироф олиш каби ҳолатларга барҳам берувчи қоидалардан хисобланади. Бундан ташқари, ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган шахслар билан муносабатда бўлишни тартибга солувчи ЖПКнинг 215-моддасида ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахсларга нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлиш мумкин эмаслиги таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 601-моддаси “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни ижро этиш” деб номланади. Унга асосан: “сўровни юборган хорижий давлат ўзига нисбатан сўров юборилган шахснинг факат сўровда кўрсатилган жинояти учун жиной жавобгарликка тортилишини ҳамда суд мухокамаси тугаганидан ва жазони ўтаганидан кейин мазкур давлат ҳудудини эркин тарк эта олишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг розилигисиз учинчи давлатга чиқариб юборилмаслигини, топширилмаслигини ёхуд ушлаб берилиб маслигини, худди шунингдек қийноқларга, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага дучор этилмаслигини ва унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигини кафолатласа” ушлаб берилиши мумкин. Ушбу қоида Конвенциянинг З-моддаси талабларига мос келади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Конвенциянинг З-моддасида қайд этилган “Хеч қайси иштирокчи давлат қайсиdir шахсни бошқа давлатга агар унга у ерда қийноқ қўлланилиши мумкин, деб ўйлашга жиддий асослар мавжуд бўлса, уни жўнатмаслиги, қайтармаслиги ёки бер-

маслиги керак”, деган жумлани Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг “**Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни рад этиш**” номли 603-моддасига киритишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Конвенциянинг 9-моддасида процессуал ҳаракатлар ўтказилиши муносабати билан ўзаро ҳамкорлик, ҳукуқий ёрдам, 11-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат қийноқ ҳолларига йўл қўймаслик учун ҳар бир ҳудудда ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни сўроқ қилиш, ушлаб туриш, шунингдек қамоқда сақлашга оид қоида, йўриқнома, усул ва амалиётларни мунтазам кўриб чиқиши лозимлиги ҳақида сўз боради. Миллий қонунчилигимизда ушбу қоидалар мавжуд, яъни ЖПКнинг 228, 233, 244-моддаларида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда тартибни таъминлаш ва ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари ифодаланган.

Конвенциянинг 13-моддасида ҳар бир давлат томонидан қийноқ қўлланилгани тўғрисида шикоят қилиш ҳукуқи таъминланиши ҳамда жабрланувчи, гувоҳни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши лозимлиги айтиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасида процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш принципи (ЖПКнинг 27-моддаси) орқали процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларига суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят қилиш ҳукуқи таъминланади. ЖПКнинг “Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш” деб номланган 270-моддасида хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган шахслар ҳамда хавфсизликни таъминловчи орган-лар кўрсатилган.

Жиноят процессида энг муҳим масалалардан бири жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлардир. Исботлаш жараёнида шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш, зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бўлган бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хуросалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, хужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш тақиқланади. (ЖПКнинг 88-моддаси)

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциянинг 14-моддасига асосан ҳар бир иштироқчи давлат ўзининг хуқуқий тизимида қийноқларнинг курбони товон олишини ва иложи борича тўлароқ тикланиш учун маблағларни қамраб олувчи, хуқуқий санкция билан тўлдириладиган адолатли ва муқобил товон олиш хуқуқига эга бўлиш хуқуқини таъминлайди. Қийноқ натижасида курбон вафот этса, товон олиш хуқуқи унинг қаромогидагиларга берилади, дейилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилиги ушбу нормани ўзида мужассам этган. Жумладан, ЖПКнинг 275-моддаси Жиноят процессида кўриладиган фуқаровий даъволар” деб номланади. Ушбу моддага асосан бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулининундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 279-моддасида прокурор фуқаровий даъвони қўзғатиши ёки қўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлаши ёхуд, башарти давлат ёки жамият манбаатларини ёхуд фуқароларнинг хукуqlари ва қону-

ний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътиroz билдириши шарт, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз миллий қонунчилиги юқоридаги Конвенция ҳамда халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган нормалари талабларига мос келади.

II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНИДА ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА БОШҚА ШАФҚАТСИЗ, ФАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЖИНОЙЙ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

2.1. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг объектив белгилари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик хуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз қонунларида инсон шахси ва унинг хуқуқлари ҳар томонлама муҳофаза қилинади. Мазкур қонунларнинг вазифаси инсонпарвар, демократик хуқуқий давлат қуриш, республика фуқароларининг муносаб ҳаёт кечиришларини таъминлашдан иборатdir. Бу жиҳатдан, айниқса, жиноят қонунининг аҳамияти каттадир. Ҳақиқатан ҳам, жиноят қонуни инсон ва фуқароларнинг энг асосий хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун хизмат қилади.

Бизга маълумки, ҳар қандай жиноятнинг юридик таҳлили жиноят таркибини ўрганишга асосланилади. Жиноят таркибининг умумижтимоий аҳамияти муайян жиноят таркибини шакллантирувчи белгилар мажмуига нисбатан жамият, давлат ва хуқуқнинг салбий муносабати ифодаланганлигига намоён бўлади¹.

Жиноят таркиби тўртта элементдан, яъни объект, объектив томон, субъект ва субъектив томондан иборат эканлиги маълум. Жиноятнинг объектив белгилари, яъни

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуки курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. Т.: “ILM ZIYO” 2010.130.

ташқи белгилари жиноят таркибининг объекти ва объектив томонини ифодалайди¹.

Кийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятининг объектига тўхталишдан олдин, умуман, жиноятнинг объекти ҳақида қисқача фикр юритиш лозим. Жиноятнинг объекти жиноят таркибининг битта томони (элементи) бўлганлиги туфайли жиноий жавобгарликнинг асослари доирасига киради ва ҳар бир жиноят таркибининг зарурий белгисидир. Шунга кўра, шахсни муайян жиноятни содир қилишда айблаш учун тажовуз қайси объектга қаратилганлиги, яъни қайси объектга зарар етказишгани ёки зарар етказиши мумкинлигини аниqlаш керак бўлади².

Жиноятнинг объекти деганда жиноят қонуни билан кўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади. Бундай ижтимоий муносабатлар рўйхати ЖКнинг 2-моддаси биринчи қисмида келтирилган. Жумладан, жиноят-хукуқий қўриқлаш объекти сифатида шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари, мулк, табиий мухит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги соҳаларидаги ижтимоий муносабатлар кўрсатилган.

Кийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти ҳам ушбу моддада кўрсатилган шахснинг ҳукуқ ва эркинликларига тажовуз қилиши туфайли бу соҳадаги ижтимоий муносабатлар ҳам қийноқнинг объектига хос дейишимиз мумкин. Бошқача

¹ Гаухман Л. Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. 2-е изд., перераб. и дополн. – М.: Центр Юриинфорт, 2003. – С. 32.; Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А. Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 113.; **Jinoyat huquqisi. Umumiy qism:** Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. –Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – Б. 98-105.

² Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят хукуки. Умумий қисм: Дарслик. – Т.:Насаф, 2010. – Б. 153-155.

айтганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар умумий объектидир.

Жиноят объектининг турларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, баъзи манбаларда¹ жиноят объектининг турлари сифатида 1) умумий объект², 2) маҳсус объект³, 3) бевосита объект⁴ эътироф этилади.

¹ Усмоналиев М. Жиноят хукуки. Умумий кисм: Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 157.; Очилов Х.Р. Саволлар ва жавоблар (умумий кисм). Ўқув кўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 25.;

² Изоҳ: Жиноятларнинг умумий обьекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир. Яъни, бошқача килиб айтганда, Жиноят кодексининг барча моддалари йиғиндиси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир (ЖКнинг 2-моддаси).

³ Изоҳ: Маҳсус обьект деб жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий моҳиятлари жихатидан бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган ижтимоий муносабатлар гурухига айтилади. Маҳсус обьект ЖК Маҳсус кисмидаги жиноят-хукукий нормаларни таснифлаш имконини беради. Маҳсус обьект ЖК Маҳсус кисми тузилишини шакллантириш бўйим ва бобларга ажратишнинг асосий мезонин хисобланади.

⁴ Изоҳ: Жиноятнинг бевосита обьекти деганда ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз каратилган ижтимоий муносабат тушунилади. Жиноий килмиш содир этилиши натижасида ушбу ижтимоний муносабат бевосита зарар кўради. Бевосита обьект ЖК Маҳсус кисмининг хар бир моддасида акс этади. Бевосита обьектнинг ўзи ҳам мажбурийлик белгиси бўйича қуидаги турларга бўлинади: 1) асосий бевосита обьект, 2) қўшимча бевосита обьект, 3) факультатив бевосита обьект. Бевосита обьектнинг бундай бўлинни жиноий тажовуз бир вактнинг ўзида бир ёки бир неча обьектга карши каратилган бўлгандагина, аҳамият кассб этади. Бундай таснифланиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, икки обьектли жиноятларда зарар асосий обьектдан ташкари бошқа обьектга ҳам етказилиб, у қўшимча бевосита обьект хисобланади. Ижтимоий хавфли тажовуз тўғридан-тўғри каратилган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар асосий бевосита обьект хисобланади. Асосий бевосита обьект бошқа обьектларга нисбатан аҳамиятироқ бўлиб, унга карши каратилган жиноий тажовузнинг йўклиги жиноят таркиби мавжуд эмаслигини англатади. Мураккаб таркибли жиноятларда асосий бевосита обьект билан бир қаторда зарурий (мажбурий) ёки факультатив бўладиган жиноятнинг қўшимча обьекти ҳам кўрсатилиши лозим. Қўшимча бевосита обьект деб бу асосий (мажбурий) бевосита обьект билан бир вактда тажовузга учрайдиган жиноят қонуни билан қўриқланадиган яна бир бошқа ижтимоий муносабатларга айтилади. Факультатив бевосита обьект деб асосий бевосита обьект билан бир вактда ижтимоий хавфли тажовузга учраши ёки учрамаслиги ҳам мумкин бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Факультатив обьект – бу шундай ижтимоий муносабатлардики, жиноят содир этилганда унга зарар етказилиши ҳам, етказилмаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолат эса, жиноятнинг квалификация қилишга таъсир килмайди.

Бошқа манбаларда¹ эса, жиноят объектиning турлари сифатида 1) умумий объект, 2) турдош объект², 3) маҳсус объект, 4) бевосита объект айтиб ўтилади.

Шунингдек, баъзи муаллифлар жиноят объектиning 1) умумий объект, 2) турдош объект, 3) бевосита объект каби турларини фарклайдилар³.

Қийноқ учун жиной жавобгарлик (ЖК 235-моддаси) – ЖКнинг Маҳсус қисми бешинчи “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларнинг фаолият тартибига қарши жиноятлар” бўлимининг “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланган XVI бобида жойлашган.

Бобнинг номидан келиб чиқиб, одил судлов манфаатлари мазкур жиноятлар гурухининг турдош объекти ҳисобланади. Бунда одил судлов деганда, судларнинг фуқаролик, жиноят, хўжалик ишларини қонунда белгиланган тартибда амалга оширишга қаратилган, уларни қонуний, асосий ва адолатли ҳал қилишга оид фаолияти тушунилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII боби “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти”дан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 де-

¹ Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А. Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 118-120.; Уголовное право. Общая и особенная части: учебник, 2-е изд. / Под общ.ред М.П.Журавлева и С.И. Никулина. – М.: Норма, 2008. – С. 75-76.; Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право. Общая часть. – СПб.: Питер, 2008. – С. 65.; Кочои С.М. Уголовное право. Общая часть: Учеб. пособие. – М.: Инфра-М, 2005. – С. 17.; Уголовное право. Учебное пособие / Под ред. Л.Д. Гаухмана и С.В. Максимова. – М.: Элит, 2007. – С. 89-90.; Уголовное право Общая част. Учебник М.:Норма, 2008.

² Изоҳ: Турдош объект жиной қилмиш тажовуз қиласиган турдош ижтимоий муносабатлар мажмуудир. Турдош объект жиноят қонуни билан кўриклиданадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндинисининг унча юқори бўлмаган дараражасини ташкил этади. Ижтимоий муносабатларни гуруҳларга ажратиш эркин равишида амалга оширилмайди, балки уларнинг, бир хиллиги ёки турдошлиги билан боғлиқ ва объектив мавжуд бўлган мезонларга асосланиб амалга оширилади.

³ Уголовное право России. Общая часть: Учебник для вузов / Под ред. Н.Ф.Кузнецова и И.М.Тяжковой. – М.: Зерцало, 2005. – С. 168.; **Jinoyat huquqi. Umumiy qism:** Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A. A. Otajonov va boshq. –T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – Б.98-105.; Уголовное право: учебник, 4-е изд. / Под ред.Н.И. Ветрова и Ю.И. Люпунова. – М.: Юриспруденция, 2007. – С. 80.

кабрдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунидан келиб чиқади. Чунончи, мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади (3-модда).

Суднинг ҳамда одил судловни амалга оширишга кў-
маклашувчи органларнинг асосий мақсад (вазифа)лари
“Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисида”ги Қо-
нунида белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, одил судлов
ижтимоий тузумни, унинг сийсий ва иқтисодий тизим-
ларини, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, тураг жой ва
бошка шахсий ва мулкий ҳукукларини, давлат корхона-
лари, муассасалари ва жамоат ташкилотларининг ҳукуқ-
лари ва қонун билан қўриқланувчи манфаатларини қўриқ-
лаши шарт. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида жи-
ноятчиликка қарши кураш олиб борувчи барча органлар
учун умумий вазифалар Ўзбекистон Республикаси ЖПК
2-моддасида белгиланган. Бу вазифалар жиноятларни тез
ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга
адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир
шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмас-
лиги учун айборларни фош этишдан ҳамда қонуннинг
тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, прокуратура, тергов, суриштирув ор-
ганлари ҳамда давлат мажбуровларини ижро этувчи
органлар ўз фаолияти билан одил судлов мақсадларига
эришишга, суднинг одил судловни муваффақиятли амалга
oshiришига кўмаклашадилар. Шу боис, қонун чиқарувчи
мазкур органларнинг одил судловга кўмаклашиши билан
боғлиқ фаолиятига дахл этувчи жиноятларни одил суд-
ловга қарши жиноятлар қаторига киритди.

Демак, мазкур жиноятнинг турдош обьекти – одил
судлов манфаатларини суднинг ва бошка органларнинг
ижтимоий муносабатларни қўриқлаш вазифасини бажа-
риш бўйича фаолияти, деб таърифлаш мумкин. Бу фао-
лият жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ва жиноят-
ижроия қонун хужжатлари билан қатъий белгиланган ва

тартибга солинган. Юқорида зикр этилган турдош обьекти ўхаш, лекин бир хил бўлмаган ижтимоий муносабатлар гурухини бирлаштиради. Мазкур муносабатларнинг яқинлиги шунда намоён бўладики, турли органлар фаолиятини ягона умумий манфаат бирлаштиради. Бу ҳукуқбузарликлар ва уларнинг сабабларига қарши кураш, ижтимоий муносабатларни қўриқлаш, конституциявий вазифаларини бажаришдир.

Турдош обьектни тўғри белгилаш нафакат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу ўринда ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва судлов органларининг ходимлари томонидан содир этиладиган барча жиноятлар одил судловга қарши жиноятлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки, улар ўз ваколатлари доирасида бошқарув ва шу каби бошқа вазифаларни амалга ошириш ваколатлари билан ҳокимият вакили ёки мансабдор шахс мавқеига эгалиги уларни масъул мансабдор шахслар тоифасига киритишга асос бўлади. Шунинг учун суд, прокуратура, суриштирув, дастлабки тергов ва бошқа орган ходимлари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг турдош обьектини тўғри белгилаш одил судловга қарши жиноятларни бошқа жиноятлардан, хусусан, бошқарув тартибига қарши жиноятлардан фарқлашда муҳим хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг Махсус қисми бешинчи бўлими “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” деб номланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 11-моддасида ҳокимиятлар бўлиниш принципига кўра, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши белгиланган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, айтиш мумкинки, одил судловга қарши жиноятларнинг ушбу бўлимда берилиши ҳам мантиқан тўғри.

Демак, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг махсус обьекти ҳокимият

органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ф.М. Рудинскийнинг қайд этишича, қийноққа солиш тарзидаги хуқуқбузарликнинг обьекти жабрланувчи ёки учинчи шахсларнинг шахсий хавфсизлиги ҳисобланади. Бунда шахсий хавфсизлик уч хил бўлади: 1) хаёт, соғлик ва танани муҳофаза қилишни назарда тутувчи жисмоний хавфсизлик; 2) шаън, қадр-қиммат ва обрўни муҳофаза қилишни назарда тутувчи маънавий хавфсизлик; 3) индивиднинг онги, ғоялари ва фикрларини муҳофаза қилишни назарда тутувчи руҳий хавфсизлик¹.

“Кийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши” Конвенциянинг қуидаги қоидаси қийноққа солиш обьектини аниқлаш имконини беради: қийноққа солиш натижасида кучли оғриқ ёки жисмоний азоб-уқубат етказиш (яъни, жисмоний хавфсизликни бузиш); маънавий азоб-уқубат етказиш (яъни, маънавий хавфсизликни бузиш); қўрқитиш (яъни, руҳий хавфсизликни бузиш).

Ушбу жиноятнинг бевосита обьекти хусусида адабиётларда турли хил фикрлар билдирилган. Жумладан, профессор М.Х. Рустамбоевнинг фикрига кўра, жиноятнинг асосий бевосита обьекти шахснинг қадр-қимматини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ҳар бир шахснинг ўзига нисбатан инсоний муносабатда бўлишни талаб қилиш хуқуқи, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг қонунда белгиланган тартибда ўtkазилиш тартиби ҳисобланади.

¹ Каранг: Рудинский Ф.М. Личность и социалистическая законность. – Волгоград, 1976. – С.76–78.

Қўшимча бевосита объекти қийноққа солинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи, унинг шаъни ва қадр-қиммати хисобланади¹.

И.В. Дворянсковнинг фикрича, қийноққа солиш фақатгина одил судловга қарши жиноят сифатида кўриб чиқилиши мумкин. У фақатгина кўрсатма беришга мажбурлашда қўлланилиши мумкин – бундан келиб чиқиб эса, фақатгина судлов ишларини юритиш соҳасида қўлланилиши мумкин. Асос сифатида у томондан БМТнинг Қийноққа қарши Конвенцияси келтирилган².

К.В Катеренчукнинг фикрига кўра, мазкур жиноятнинг бевосита объекти – бу соғлик, қўшимча зарурий объекти эса бу шахснинг эрки ва қадр-қиммати хисобланади³. Ушбу фикрнинг билдиришига сабаб, Украина ЖКнинг “Қийнок” деб номланган 127-моддаси, “Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар” деб номланган 2-бобида жойлашган.

Р.С. Чобаняннинг фикрига кўра, Қийнок натижасида, биринчи навбатда, шахснинг хуқуқлари сезиларли тарзда бузилади, унга жисмоний ёки руҳий азоб беради. Бунда жиноий тазийк ўтказиш механизми бошқа ижтимоий муносабатлар юзасидан, масалан, одил судловни амалга ошириш туфайли шахсга зарап етказишни қамраб олиши мумкин⁴.

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хукуки курси. VI том. Махсус кисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига карши жиноятлар. Дарслик. Т.: “ILM ZIYO” 2011. Б 377.

² Дворянское И.В. Пытка и иное жестокое или унижающее достоинство обращение с заключенными: методологические аспекты криминализации // Ведомости уголовно-исполнительной системы. 2004. № 1.С. 36-42; Его же. Наказание или пытка: paradox уголовного закона // Уголовное право. 2005. № 1.С. 13-15.

³ Катеринчук К.В. Криминально-правовые та криминологичны заходи запобигання катуванню : автореф. дис... канд. юрид. наук : 12.00.08 / К.В. Катеринчук; Держ. НДі М-ва внутр. справ України. – К., 2010. – С.18;

⁴ Чобанян Рубен Степанович Пытка: уголовно-правовое и криминологическое исследование (12.00.08 - уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право) Диссертация. к. ю. н. Науч. Рук. – д. ю. н., профессор Мацкевич И.М. М.:2007,Б. 35

Р. Кабулов, А.А. Отажоновнинг фикрларига кўра, ушбу жиноятнинг асосий бевосита объекти суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари ва жазони ижро этиш муассасаларининг нормал иш фаолиятини ташкил қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг қўшимча бевосита объекти фуқароларнинг соғлифи, шаъни ва қадр-қиммати, шунингдек уларнинг ҳар қандай бошқа ҳукуқ ва қонуний манфаатлари бўлиши мумкин¹.

Қ.Р. Абдурасулованинг фикрича, мазкур жиноятнинг асосий бевосита объекти бўлиб, дахлсизлик ва шахс шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳурмат қилиш принципларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳамда жиноят иши бўйича судгача бўлган босқичда иш юритуvida суриштирувчи ва терговчининг далиллар қўлга киритишнинг процесдуал тартиби намоён бўлади. Мазкур жиноятнинг қўшимча бевосита объекти шахснинг жисмоний, руҳий ва маънавий дахлсизлиги, шунингдек, мулкни ҳукуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир².

А.А. Маматкулов ушбу жиноятларнинг объекти – суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонуний фаолияти бўлса; қўшимча объекти эса, жиноят процесси иштирокчилари (гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқалар)нинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари бўлиб, бу шахслар жиноий ҳаракатларнинг жабрланувчилари ҳисобланади³, дейди.

¹ Кабулов Р., Отажонов А. А. Одил судловга карши жиноятлар: Ўқув кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б-26.

² Абдурасурова К.Р., Сафаров Ж.И. Қийноқ: миллӣ ва ҳалқаро ҳукуқий жиҳатлари Т.: ТДЮИ, 2008. Б.20.; Абдурасурова К.Р. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида кийнок, шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни ҳўрловчи муомала ва жазо турларини кўллаганлик учун жиноий жавобгарлик // Қийнокка солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаганлик учун жавобгарлик. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.:ТДЮИ нашриёти, 2009. Б.37.

³ А.М. Маматкулов. Қийнокқа солганлик учун жиноий жавобгарлик асослари // Қийнокқа солиш, бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўлланганлик учун жавобгарлик (илмий-амалий конференция материаллари), 2010. Б. 82,83.

Ш.Ё. Абдуқодиров ҳамда Д. Давидовнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг обьекти – суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонуний фаолияти бўлса; қўшимча обьекти эса жиноят процесси иштирокчилари (гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқалар)нинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бўлиб, бу шахслар жиноий ҳаракатларнинг жабрланувчилари хисобланади¹.

Кўриб чиқилаётган жиноятда, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати муқаррар қўшимча обьект ҳисобланади, чунки кийноқни амалга оширишда доимо жабрланувчининг шахсига бевосита (жисмоний, маънавий ёки моддий) зиён етказилади.

Шахс дахлсизлиги ва қадр-қимматининг муҳофаза қилиниши давлатнинг шахс хавфизлигини тамиллашининг кўринишларидан бири ҳисобланади. Шахс дахлсизлиги унинг ҳаёти жисмоний ёки руҳий томонларига дахл қилинишидан муҳофаза этилиши кафолатланишини англалади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида шаън деганда, “инсонга, шахсга тегишли бўлган қадр-эътибор, шараф, шухрат, обрў”², қадр деганда, “жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрни, ўзга(лар) томонидан бўлган ҳурмат, эътибор, ҳаётда тутган ўрни, аҳамият, муҳимлик холати”³ тушунилади.

Ўзбекистон юридик энциклопедияси муаллифларининг қайд этишича, “Шаън – шахсга тегишли бўлган ижтимоий ва маънавий сифатлари бўйича бошқаларнинг баҳо-

¹ Абдуқодиров Ш.Ё., Давидов Д. Кийноқка солганлик учун жиноий жавобгарлик асослари / / Кийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. Б. 67.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Т.4. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 559.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Т.5. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 207.

сидир. Қадр-қиммат эса, мана шу сифатлар бўйича шахснинг ўзи берган баҳосидир”¹.

Демак, юқоридагиларни умумлаштириб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, қийноқнинг бевосита обьекти мураккаб тузилишга эга. Қийноқнинг асосий бевосита обьекти суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари ва жазони ижро этиш муассасаларининг нормал иш фаолиятини ташкил қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланса, бу жиноятнинг қўшимча бевосита обьекти фуқароларнинг соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шунингдек уларнинг ҳар қандай бошқа хукуқ ва қонуний манфаатлари бўлади.

Мазкур жиноятни содир этиш натижасида жабрланувчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ёхуд маҳкум сифатида жазо ўтаётган шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари бўлиши мумкин.

Гумон қилинувчи – гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсdir. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. (ЖПКнинг 47-моддаси).

Айбланувчи – ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсdir.

Айбланувчи судда судланувчи деб, хукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади. (ЖПКнинг 45-моддаси).

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Мухитдинов ва бошк.; масъул мухаррир Н. Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 530.

Гувоҳ – жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор холатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин (ЖПКнинг 65-моддаси). Гувоҳлик кўрсатмалари бе-ришга жалб қилинмаган шахслар гувоҳ бўла олмайди (ЖПКнинг 115-моддаси). Гумон қилинувчи ва айбланувчинг яқин қариндошлари гувоҳ тариқасида факат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилиниши мумкин.

Жабрланувчи – жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий заарар етказилган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган шахс. Жабрланувчи деб эътироф этиш хақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса, ажрим чиқаради. (ЖПКнинг 54-моддаси).

Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар – ЖПКнинг 6-бобида кўрсатилган шахслардан бири эксперт, мутахассис, таржимон, холислар. Бошқа шахслар, яъни жиноят ишига алоқадорликларидан катъи назар, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари деб тан олинмайди;

Махкум – суд муҳокамасидан сўнг унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ва шу асосда муайян жазо тури ва миқдори белгиланган шахс. Ҳукм ижроси бошланган пайтдан шахс жазо ўтаётган ҳисобланади, бу ҳақда ҳукм чиқарган суднинг тегишли фармойиши чиқарилади. Шахсни мазкур модда мазмуни бўйича жазони ўтаётган деб тан олиш унга тайинланган жазонинг тури миқдори билан боғлиқ эмас, бу шу каби тоифадаги жиноий ишларни кўриб чиқишида суд-тергов органлари томонидан ҳисобга олиниши керак.

Яқин қариндошлар – қариндош ёки куда томонидан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олингандар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари (ЖКнинг Махсус қисм VIII бўлими) киради.

К. Абдурасулова ушбу модда учун шахсни унга нисбатан юқорида жиноят-процессуал мақомларда кўрсатиб ўтилган қийноқ, бошқа ғайриқонуний шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо қўлланилганлиги ҳақидаги қарор расман чиқарилганлиги аҳамиятга эга эмас, деб ҳисобланади. Бунда унинг фактик ҳолати мухим ҳисобланади. Мисол учун, шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб, қўлга олинган пайтдан бошлаб гумон қилинувчи сифатида, мазкур иш бўйича унга ҳар қандай ҳолатлар маълум бўлган пайтдан бошлаб гувоҳ сифатида тан олинади ва ҳоказо”¹, деб таъкидлайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қийноқдан жабр кўрувчи расман жиноят процесси иштирокчиси мақомига эга бўлмаган шахс бўлиши мумкин. Амалиётда кўпгина ҳолларда қийноқ ҳали гумон қилинувчи сифатида қарор эълон қилинмаган шахсларга нисбатан қўлланилган ҳоллар мавжуд. “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши” Конвенцияга асосан қийноқнинг жабрланувчиси ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Л.К. Лосицкаянинг фикрига қараганда, “қийноқнинг жабрланувчиси қонуний ёки ноқонуний эркинликдан маҳрум этилган шахслар бўлиши мумкин”². У бу фикри билан қийноқнинг жабрланувчилари доирасини чеклайди. У 1984 йилдаги конвенциядаги бир қатор моддалар (10-13, 15), яъни жиноятни тергов қилиш, сўроқ қилиш, қамоқда сақланаётган шахслар билан муомалада бўлишнинг ўрнатилган стандартларига давлат томонидан риоя этилиши чоралари ҳақида фикр юритади.

¹ К. Абдурасулова, Ж.Сафаров. Қийноқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазо турларини тақиқлашнинг миллий ва халкаро-хукукий жихатлари. Т., 2008 й. 72-б.

² Лосицкая Л.К. Международно-правовое сотрудничество в сфере борьбы с пытками и жестоким, бесчеловечным или унижающим достоинство обращением и наказанием. С. 42.

Биз Лосицкаянинг юқоридаги фикрига қўшилмаймиз. Чунки Конвенцияда жабрланувчилар доираси чегараланмаган.

Қийноқнинг жабрланувчиси қонунга хилоф равишда ушланган шахс, ҳали гумон қилинувчи ёки жиноят процессининг иштирокчиси мақомига эга бўлмаган шахс, маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахслар ҳам, шунингдек нафақат айборнинг яқин қариндошлари, балки узоқ қариндошлари ҳам бўлиши мумкин.

К. Жиффар қийноқ курбони¹ (жабрланувчиси) – “ҳар қандай киши: эркак, аёл, қария, диндор, атеист, ақлзаковатли одамлар ва деҳқонлар ва х.к. жабрланувчи бўлиши мумкин. Аммо, оддий жиноятчи, жумладан, оғир жинояти учун хукм қилинганлар шахслар ҳам, жиноят содир этганлигига икрор қилиш мақсадида қийноқнинг оддий жабрланувчиси ҳисобланади².

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига қийноқнинг жабрланувчилари доираси ҳар қандай шахс бўлиши мумкинлиги мазму-

¹ Кийноққа солиши билан боғлик ишларда жабрланувчи шахсининг жиноят-хукукий ва жиноий тавсифини кўриб чиқиша зўрлик харакатларини, шу жумладан, қийноққа солиши ўз бошидан ўтказган шахслар халқаро-хукукий хужжатларда ва хорижий давлатлар миллий қонунчилигига “жиноят курбонлари” деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига эса, мазкур атама ўрнида “жабрланувчи”, “жабрланувчи шахс” атамалари, хукукий адабиётларда эса, “жиноятдан жабр кўрган шахс” тушунчаси кўлланилади. Бу борода К.В. Катеринчукнинг қайд этишича, “жабрланувчи” тушунчаси “зарар” тушунчаси билан бөвситибоғлик бўлиб, жиноят натижасида жабрланувчига кўйидаги турдаги зарар етказилиши мумкин: 1) жисмоний – яъни, шахснинг ҳаётӣ, соғлири, жисмоний эркинлигига зарар етказилиши; 2) руҳий – яъни, шахснинг шаъни, қадр-қимматига зарар етказилиши; 3) ижтимоий – яъни, шахснинг ижтимоий мақомига зарар етказилиши: лавозимидан маҳрум килиниши, камситилиши, ногирон бўлиб қолиши; 4) моддий – яъни, шахснинг моддий қимматликларига, даромадига, мулкига зарар етказилиши, унинг мулкининг бошқа шахс эгалигига топширилиши.\ Катеринчук К.В. Криминально-правовы та кримнологичны заходи запобыгання катуванию : автореф. дис... канд. юрид. наук : 12.00.08 / К.В. Катеринчук; Держ. НДІ М-ва внутр. справ України. – К., 2010. – 18 с.; А.С.Горелик, Л.В.Лобanova Преступления против правосудия. М.: “Юридический центр пресс” 2005.

² Кийноқлар: Ахборотлар тузиш бўйича кўлланма Камий Жиффар, инсон хукуqlари маркази Эссекс университети Т.-2003 й. 16-бет.

нидаги ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ. Қийноққа қарши Конвенциянинг 1-моддасида, жабрланувчилар ҳар қандай шахс бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигига, жумладан, Украина Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасида, Белоруссия Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддасида қийноқнинг жабрланувчилар ҳар қандай шахс бўлиши мумкинлиги мустахкамланган.

Шундай қилиб, қийноқнинг объектини тадқиқ қилиб қўйидаги хуросаларга келдик:

1. Қийноқнинг бевосита объекти мураккаб тузилишга эга. Қийноқнинг асосий бевосита объекти суриштирув, тергов, прокуратура, суд органлари ва жазони ижро этиш муассасаларининг нормал иш фаолиятини ташкил қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг қўшимча бевосита объекти эса, фуқароларнинг соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шунингдек уларнинг ҳар қандай бошқа ҳуқук ва қонуний манфаатлари бўлади. Қийноқда жиноят предмети жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

2. Жабрланувчининг асосий таркиби учун аҳамиятли, сабаби, қонун чиқарувчи ЖКнинг 235-моддаси жабрланувчилари сифатида: гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси, жазони ўтаётган маҳкум ҳамда уларнинг яқин қариндошлари бўлиши мумкинлиги белгиланган. Мазкур шахслар барча жиноят процесси фаолиятининг субъекти ҳисобланади ва уларнинг қонуний мақоми амалдаги қонунчилик орқали тартибга солинган.

Бизга маълумки, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қилинган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ташқи ҳолатини ифодаловчи белгилар жиноятнинг объектив томонида мужассамланади.

М. Усмоналиев “жиноятнинг объектив томони муайян вақт ва маконда, муайян усулда содир этиладиган, айрим ҳолларда, муайян шароитда қурол воситаларидан фойдаланиб, жиноят содир этиш вақтида объектив хақиқатга айланадиган ижтимоий хавфли, жиноят хуқукига хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат бўлган қилмишдир”, дея таъкидлайди¹.

Х.Р. Очиловнинг жиноятнинг объектив томони ЖКнинг Махсус қисми ҳар бир моддасининг диспозициясида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилиши²ни таъкидлашидан келиб чиқсан, ЎзРнинг ЖК 235-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси ўзида жиноятнинг объектив томони белгиларини ифодалайди: қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш – қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар келтириб чиқади.

Мазкур модданинг объектив томони рўй берганини аниқлаш учун кучли жисмоний оғриқ ёки руҳий азоб етказадиган дўппослаш, азоб бериш ёки бошқа зўрлик ҳаракатлари содир этилганлиги фактининг аниқланиши етарли ҳисобланади. Бунда бир қатор ҳолатлар, жумладан, жисмоний оғриқнинг кучлилиги даражаси, унинг қай усулда етказилганлиги, жисмоний таъсир тури, берилган зарбаларнинг давомийлиги, етказилган тан жароҳатлари оғирлиги даражаси инобатга олиниши лозим³.

¹ Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят хукуки (Умумий қисм) Дарслик. Т.:Насаф” нашиёти, 2010. Б.167.

² Очилов Х.Р. Саволлар ва жавоблар (умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 28.

³ Шульга А. Коментар до статьи 127 “Катування” Кримінального кодексу України / А. Шульга, В. Павликівський // Законодавство України : Науково-практичны коментары : Юридичний журнал. – 2005. – № 3. – С. 90–100.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддаси диспозициясидан келиб чиқиб, жиноятнинг объектив томони қўйидаги жихатлари билан характерланади:

1) уриш, дўпослаш, қийноққа солиш ёки бошқа зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳаракатлар орқали амалга оширилиши;

2) кучли жисмоний оғриқ ёки руҳий камситиш кўри-нишидаги оқибатларга олиб келиши;

3) қайд этилган ҳаракатлар ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

Даставвал юридик адабиётларда изохи камрок учрай-диган “дўпослаш” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, ўзбек тилида “дўпослаш – қўл, калтак ва шу кабилар билан урмок, муштламок” маъноларини англатади¹.

М.С. Восиқованинг фикрича, “дўпослаш – кўп марта уришдан, савалашдан иборат бўлиб, у киши танасининг анатомик бутунлигини бузмайди, лекин баданни оғри-тади”².

Бошқа адабиётларда эса, “дўпосламоқ – икки ёки ундан ортиқ марта шахсга зарба бериш”³ сифатида тав-сифланади.

Уриш – кишининг танасини қўл, оёқ ёки боши билан, шунингдек бирор нарса билан уриб, жисмоний оғритишдан иборат. Кўпинча уриш қаттиқ, ўтмас қурол ишлатиш йўли билан содир қилинади⁴. Уришлар айбдор томонидан тана аъзолари орқали, предметлар ёки мосламалар орқали амалга оширилиши мумкин, аммо бу жиноятнинг квали-фикациясига таъсир кўрсатмайди.

1 Ўзбек тилининг изоҳи лугати. 1-жилд. / Мадвалиев А. Тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 677.

2 Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон, 1988. – Б. 211.

3 Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 142.

4 Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. Муаллифлар жамоаси. Масъул мухаррирлар: Ф.Абдумажидов, М.Восиқова – Т.: Ўзбекистон, 1973. – Б. 166.; З.А.Вишинская. Шахсга бўлган жиноятлар (лотин ёзуvida) Т.:1940. Б.28.

Қўрқитиш шахсдан кейинчалик муайян ҳаракатларни содир этишда фойдаланиш учун уни ўз шахсиятини намоён этиш имкониятидан маҳрум қилиш ва унинг иродасини букиш сифатида баҳоланиши мумкин. Қўрқитиш воситаси сифатида шахс онгига руҳий таъсир ўтказиш амал қилиши мумкин.

Бундай ҳолларда қийноққа солишининг қўлланиши оқибатида руҳий ҳолатнинг бузилиши ва хулқ-авторни бошқариш психологияк механизми фаолиятининг издан чиқиши юз бериши мумкин. Руҳий ҳолат реакциясининг асосий шакли сифатида қўрқув амал қиласи. У жисмоний, моддий ёки бошқа хил маҳрумликларга йўлиқиши хавфи ёки таҳди迪 таъсирида вужудга келади. Айни пайтда руҳий саломатлик ва хулқ-автор ўзгаришининг бошқа шакллари ҳам мавжуд. Масалан: алданиш ҳолати; психофизик ва психотехник таъсирлар натижасида вужудга келадиган ҳолат. Руҳий саломатликка тажовуз қилиниши натижасида интеллект устидан назорат ўрнатилиши хавфи кучли.

Бинобарин, қўрқитиш воситаси сифатида жисмоний зўрлик ишлатиш амал қилиши мумкин. Бунда жисмоний зўрликнинг икки хил кўриниши фарқланади:

а) танага тўғридан-тўғри, очиқдан-очиқ жисмоний таъсир кўрсатиш;

б) билвосита жисмоний таъсир кўрсатиш (масалан, овқатсиз, сувсиз қолдириш, қоронғи жойда сақлаш ва ҳ.к.).

Мажбурлаш қўрқитишнинг пировард натижасини ўзида ифодалайди. Бунда индивиднинг иродаси букилган ва бўйсундирилган бўлади, у ўзига буюрилган ҳаракатларни ўз хоҳиш-иродасига мувоғиқ бўлмаган тарзда, баъзан унга қарши бажаради.

Демак, қўрқитиш жабрланувчининг хоҳиш-иродасини бостириш, қайсиdir ҳаракатларни содир этишга ёки содир этмасликка мажбурлашда намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қийноқ билан қийнаш (ЖКнинг 110-моддаси) бир-биридан моҳият-эътибори билан фарқланади. Қийноқ бошқа жиноятлардан, жумладан, қийнаш ёки баданга шикаст етказиш жиноятларидан ўзининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан фарқ қиласди. Масалан, қийноққа солинадиган шахсдан унинг эркига қарши маълумот олиш ёки бирор бир ҳаракатни қилишдан бош тортишга кўндириш ва бошқа мақсадларда содир этилиши мумкин. Шунингдек, қийноқда асосий обьект – одил судлов манфаатлари мухим ҳисобланади, қийнашда эса, асосий обьект шахснинг соғлиғидир.

М.Х. Рустамбаевнинг таъкидлашича, қийнашлар кўп маротаба ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар, чимчилаш, савалаш, тўмтоқ ёки ўткир учли нарсалар билан кўплаб, аммо унча катта бўлмаган шикастлар етказиш, қиздирилган буюмлар билан таъсир кўрсатиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлардир¹.

Шунингдек, М.Х. Рустамбаев қийнаш тушунчасига изоҳ берар экан, қийнаш сифатида баҳоланиши учун айборнинг қилмиши 1) битта қасдда қамраб олиниши, 2) муайян вақт давомида муттасил (тизимли равишда) содир этилиши, 3) оғриқ келиб чиқишига ёки руҳий азобланишга сабаб бўлиши лозим².

Ю.А. Красиковнинг фикрича, қийнаш деганда, шахснинг ўз ихтиёрига қарши жисмоний ва руҳий азобларга солиниши тушунилади³.

Қийнаш деб систематик равишда, такроран ёки доимо кишини уриб, баданга шикаст етказиш жисмоний ҳаракатлар билан жабрланувчига жисмоний ва руҳий азоб

¹ Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳукуки: Махсус қисм. – Т., Ўқитувчи, 2003. – Б. 87.

² Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть / Под общ.ред. А.А. Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 73.

³ Комментарий к Уголовному кодексу РФ, 4-е изд., перераб. и доп. / Под общ.ред. Лебедева В.М. – М.: Норма, 2005. – С. 291.

бериш тушунилади. Совуқ ёки қоронғи уйға қамаб қўйиш, озиқ-овқатдан маҳрум қилиш кабилар бунга мисол бўла олади. Қийнаш характеридаги бошқа ҳаракатлар – жабрланувчини боғлаб қўйиш, унинг қўлини қайриш ва баданга оғриқ берадиган ҳар қандай жисмоний таъсир этишдан иборат¹.

Т.Р. Ефремованинг фикрича, қийнаш: 1) шафқатсиз азобга солиш, тинкасини қуритиш даражасига етказиш жараёни; 2) шафқатсиз азоб, қийноқ²дир.

В.И. Далнинг изоҳига кўра, “қийнаш – тортиб олмок, мажбурлаш, қўрқитмоқ, зўрламоқ; тинкасини қуритмоқ, шафқатсиз азобламоқ”, “қийноқ – шафқатсиз муносабатда бўлиш, оғриққа солиш, зўрлаш ёки мажбурлашдир”³. Бу тушунчалар бир-бири билан алоқадор ва боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

К.Л. Акоев эса, қийнаш тушунчасига одатдагича “муттасил равишда дўппослаш орқали жисмоний ва руҳий азоблаш”нинг баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлмаслиги сифатида ёндашади⁴. М.П. Журавлев⁵ ва С.В. Бородин⁶, В.Д. Карапулов⁷, Н.В. Ветровлар⁸ ҳам худди шундай нуқтаи назар тарафдорлари қаторидан ўрин олганлар.

-
- 1 Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шархлар. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон, 1988. – Б. 211.
- 2 Ефремова Т.Р. Новый словарь русского языка: толково словообразовательный, Том 1. – М.: Русяз., 2000. – С. 618.
- 3 Даль В. Толковый словарь русского языка. Современная версия. – М.: Эксмо-Пресс, 2002. – С. 300, 396, 551.
- 4 Уголовное право. Общая и особенная части: учебник, 2-е изд. / Под общ.ред М.П.Журавлева и С.И.Никулина. – М.: Норма, 2008. – С. 349.
- 5 Уголовное право. Учебное пособие. / Под ред. Л.Д.Гаухмана и С.В.Максимова. – М.: Элит, 2007. – С. 300.
- 6 Уголовное право. Особенная часть, учебник. / Под ред. Л.Д. Гаухмана и С.В.Максимова. – М.: Эксмо. – С. 63.
- 7 Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник, 2-е изд. / Под ред. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юристъ, 1999. – С. 59.
- 8 Уголовное право: учебник, 4-е изд. / Под ред.Н.И.Ветрова и Ю.И.Люпунова. – М.: Юриспруденция, 2007. – С. 302.

Баъзи юридик манбаларда қийнашга Ўбекистон Республикаси ЖКда келтирилган изоҳга асосланиб, доимий равиша уриш-дўппослаш ёки ўзга зўравонниклар орқали жисмоний ёки руҳий азоб етказиш тушунилади¹, дейилади.

Бошқа юридик манбаларда эса, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 110-моддасида келтирилган тушунчага қўшимча равиша “муттасил равиша, такоран ёки доимо кишини уриб, баданига шикаст етказиш ва жисмоний харакатлар билан жабрланувчига жисмоний ва руҳий азоб бериш; кўп маротаба ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказиш билан боғлиқ харакатлар, чимчилаш, савалаш, тўйтоқ ёки ўтқир учли нарсалар билан кўплаб, аммо унча катта бўлмаган шикастлар етказиш, одам танасига электр ёхуд қиздирувчи омиллар билан таъсир кўрсатиш ёки бошқа шунга ўхшаш харакатлар қийнаш хисобланади”, деган изоҳ келтирилган².

Бироқ, юқоридаги фикрлардан фарқли равиша, баъзи манбаларда руҳий азоб берадиган харакатлар қилиш қийнашга кирмайди, деган фикрлар ҳам мавжуд. Бундай фикр тарафдорлари руҳий азоб берадиган харакатларнинг безорилик ёки ҳақоратлаш сифатида эътироф этилишини таъкидлайдилар³.

Қонун чиқарувчи “қийнаш” ва “дўппослаш” тушунчаларини альтернатив ҳаракат сифатида ишлатади. Бироқ, ЖКнинг 110-моддасида қийнаш жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, дўппослаш, қийнашнинг содир этиш усули сифатида келтирилган. Олимлар ҳам “қийнаш” тушунчасини ифодалашга турлича ёндашишган ҳолда дўппослаш қийнаш ҳаракатларининг бир кўриниши

¹ Юридик энциклопедия / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 605.

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 608.

³ Совет жиноят ҳукуки. Махсус қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 73.

эканлигини таъкидлайдилар¹. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида эса, қийнашнинг зарурий белгиси сифатида “муттасил”лиги назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.06.2007 йилдаги “Баданга қасдан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, айборнинг харакатларини ЖКнинг 110-моддаси билан квалификация қилиш учун дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа харакатлар қасдан, муттасил, яъни жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва камида уч марта давомли содир этилганлиги аниqlаниши лозим. Яъни, муттасиллик дўппослаш харакатларини камида уч марта содир этишда ифодаланади, деб таъкидлайди.

А.Д. Тартаковскийнинг фикрича, айнан муттасиллик қийнашда жисмоний ёки руҳий қийноқларни юзага келтиради².

Н.И. Загородников айтганидек, “истисно сифатида, бир матотаба содир этилган енгил шикаст етказиш, азобловчи оғриқларни келтириб чиқарганда (масалан, куйишида), қилмиш қийнаш сифатида квалификация қилиниши керак”³. Жабрланувчига жисмоний таъсир қилинганда бир

¹ Жумладан, Р.Д.Шарапов қийнашни, давомли, қоидага кўра куч ишлатиш билан кучли жисмоний азоб бериша ифодаланувчи инсон терисига бевосита таъсир қилиш (чимдиш, кесиш, куйдириш, электр энергияси, ўткир жисмни танага текказиш ва бошқа харакатлар) ифодаланади деб хисоблайди// Шарапов Р.Д. Квалификация преступлений, совершаемых с применением физического насилия. - Тюмень, 2001. С. 24-25.; П.Константинов қийнашни “баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлмайдиган, узлуксиз равишида уриш ёки бошқача зўрлик харакатлари ёки ҳаракатсизлик билан жисмоний ёки руҳий таъсир қилиш” деб баҳолайди. Константинов П. Уголовная ответственность за истязание // Законность. 2000. N4. С. 10.;И. Самолюк эса, жисмоний ёки руҳий азоб бериш орқали жабрланувчининг соғлиғига қасдан зарар етказишини қийнаш деб карайди// Самолюк И. Ответственность за истязание // Советская юстиция. 1965. N1.2.. С. 21

² Тартаковский А. Д. Некоторые вопросы характеристики истязаний по советскому уголовному праву // Теория и практика борьбы с правонарушениями. - Душанбе, 1980. Вып.1 С.35.

³ Загородников Н.И. Преступления против здоровья. - М., 1969. С.111

маротабалик дўппослашдан фарқ қилувчи “азоб етказиш” белгиси қийнаш жиноятига хосдир. Шунинг учун Н.И. Загородниковнинг жисмоний ва руҳий азоб беришини бир маротабалик ҳаракатлар билан ҳам амалга ошириш мумкин, деган фикрини, қийноққа солиш жиноятини квалификация қилишда асосли деб ҳисоблаймиз.

Қийноқнинг объектив белгиси (объектив томонининг зарурий белгиси) унинг усули ҳисобланади.

Қийнок усули – зўрлик ишлатиш, азоб беришда (манраб ваколатидан, хизмат мавқеидан, жабрланувчининг қарам ёки муҳтоҷ ҳолатидан фойдаланиб) ифодаланади.

Шафқатсизлик оғриқ, жисмоний ва руҳий азоб тушунчалари орқали белгиланади.

Руҳий азобланишлар ҳақида сўз борганда, уларнинг жисмоний ҳиссиётларга асосланаслигини таъкидлаш лозим.

Жисмоний азоблар ҳақида сўз борганда эса, уларнинг оғриққа нисбатан кенг маънога эга тушунча эканлигини, ҳар қандай нохуш, чидаб бўлмас ёки чидаш қийин бўлган жисмоний ҳиссиётларни, масалан, қичиш, бош айланиши, тана бир қисмининг ишламай қолиши, қон айланишининг бузилиши каби ҳолатларни ўз ичига олишини қайд этиш лозим.

Маълумки, азобланишлар даражаси субъектив тушунча бўлиб, организмнинг оғриққа сезувчанлигига, чидамлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Қилмишни қийноқ сифатида квалификация қилиш учун азобланишлар даражасини аниқ белгилаш мушкул.

Соғлиққа етказилган зарар кўринишидаги оқибатлар бўйича ҳам азобланишларнинг тавсифи ва даражасини белгилаб бўлмайди. Бу борада Л.В. Сердюк жисмоний ва руҳий зўрликни бир-биридан фарқлаб, жисмоний зўрлик соғлиққа шикаст етказиши ёки инсоннинг ташқи эркинлигини чеклаши ҳамда организмда органик ва функ-

ционал ўзгаришлар вужудга келтириши мумкин¹, деган фикрни билдирган.

Н.В. Борисенкова тўғри таъкидлаганидек, руҳий жароҳатдан маълум оқибатларнинг келиб чиқиши жабрланувчи организмига хос бўлган кўплаб жиҳатларга, унинг физиологик ва руҳий жиҳатларига боғлиқ. Шунинг учун руҳий зўрликни баҳолашда бундай оқибатларни жисмоний зўрликнинг хавфлилик даражасини баҳолаш каби белгилаб бўйлмайди.

Унинг хавфлилик даражасини тушуниш ва бунинг оқибатида етказилган руҳий жароҳатни баҳолашда нафакат инсон рухиятига таъсир этиш усули, шунингдек, инсоннинг ушбу таъсирга жавоб реакцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади².

Тибиёт олимларининг маълум қилишича, инсонни хаяжонга соловчи сўзлар унда юрак уришининг тезлашиши ёки секинлашишига, турли органларга қон айланишининг ўзгаришига, артериал босимнинг ошишига олиб келиши мумкин.

Профессор В.В. Козловнинг фикрича, агар қилмиш судтергов органлари томонидан аниқланган зўрлик характеристига эга бўлса, руҳий омилларнинг таъсирини соғлиққа шикаст етказишга тенглаштириш мумкин³.

Қийноққа солиш фактини қайд қилишда жабрланувчининг қийноққа солаётган манфаати йўлида маълум харакатларни қилишида намоён бўладиган, жабрланувчи учун чидаб бўлмас ёки чидаш қийин бўлган азобланишлар фактини аниқлашнинг ўзи етарли хисобланади.

Руҳий ва жисмоний азоблар ўртасидаги фарқни уларнинг даражасига асосан белгилаб олиш мушкул. Рус тили

¹ Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. М., 2002. С. 23.

² Борисенкова Н.В. Уголовно-правовая оценка жестокости: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2005. С. 70.

³ Козлов В.В. Судебно-медицинское определение тяжести телесных повреждений. Саратов, 1976. С. 127.

лүфатида азобланишга жисмоний ёки рухий оғриқ сифатида таъриф берилган¹.

Шу билан бирга, бир қатор Европа давлатлари жиноят кодексларида қийноқ учун жавобгарлик фақатгина жисмоний азоблар билан боғланган. Масалан, Испания ЖКнинг 153-моддасида муттасил равища жисмоний зўрлик ишлатиш назарда тутилган². Германия ЖКнинг 223-моддасида эса, бошқа шахсни жисмоний қийнаш назарда тутилган³. Мазкур модда МДХ давлатлари Намунавий жиноят кодекси 126-моддаси қоидалари билан мувофиқ келади⁴.

Н.И. Загородниковнинг жисмоний ва рухий азоб бериш бир мароталик харакатлар билан ҳам амалга оширилиши мумкин, деган фикрини, қийноқقا солиш жиноятини квалификация қилишда асосли деб хисоблаймиз.

Қийноққа солиш унга ўхшаш жиноятлардан биринчи навбатда инсонга кўрсатилган таъсирнинг ўткирлиги ва кучлилиги, унга етказиладиган оғриқ ва азобларнинг миқдори билан объектив фарқланади.

Бу борада, олимлар томонидан азобланиш ва унинг турларини тушуниш билан боғлиқ кўплаб нуқтаи назарлар мавжуд бўлса-да, улар кўпёқламалик хусусиятига эга бўлиб, жисмоний зўрликнинг бу оқибатлари қийнаш усули билан узвий боғлиқдир. Жисмоний ёки рухий азобланишлар баҳоловчи хусусиятга эга бўлиб, узоқ вақт давом этиши, жабрланувчидан айбдор олдида доимо, узлуксиз равища кўркувни, хатто жисмоний ва рухий азобни ҳам хис қилишига сабаб

¹ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. М., 1998. С. 760.
² Уголовный кодекс Испании / пер. с исп. В.П. Зыряновой, Л.Г. Шнейдер / под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Ф.М. Решетникова. М., 1998. С. 54.
³ Уголовный кодекс ФРГ / пер. с нем. А.В. Серебрянниковой. М., 2001. С. 132.
⁴ Модельный уголовный кодекс для государств-участников СНГ / Лозовицкая Г.П. Общий сравнительно-правовой комментарий и сравнительная таблица Уголовных кодексов государств-участников СНГ. Саратов, 2002.

бўлувчи, қилмишнинг мазмуни билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак¹.

Шунингдек, БМТнинг “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши” конвенцияда қийноқнинг белгиларидан бири қасдан етказиладиган кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ ёхуд азоб сифатида кўрсатилган. Юкоридаги конвенция талабларига асосан Жиноят кодекси 235-моддаси биринчи қисми диспозициясини **кучли руҳий азоб ёки жисмоний оғриқ етказиш** тушунчаси билан тўлдириши таклиф этамиш.

Шафқатсизлик қийноққа солишни зўрликнинг бошқа кўринишларидан фарқлайди. Масалан, боғлаш ҳам зўрлик ишлатиш, бироқ шафқатсизлик эмас.

Қийноққа солиш усули – зўрлик ишлатиш, қийнаш, азоб бериш (мансаб ваколатларидан, хизмат мавқеидан, жабрланувчининг тобе ёки ожиз ҳолатидан фойдаланиш).

Қийноқнинг қўйидаги усулларини кўрсатиш мумкин.

Тумтоқ шикастлар етказиш – қўл, оёқ, электр сими ва дубинкалар билан уриш ёки уриб йикитиш;

Осилиш – узок вақт бир хил мажбурий ҳолатда тананинг бирор қисмидан осиб қўйиб қийнаш;

Куйдириш – сигарет, қиздирилган инструментлар, қайноқ ёки ўювчи суюқликлар билан куйдириш;

Электрошок – электр токи таъсири билан қийнаш;

Асфиксия – сувга бошини тиқиши, бўғиши, пакетлар кийдириш ёки кимёвий моддалардан фойдаланиш;

Тўқималарнинг мажағланиши – оғир, қаттиқ жисмлар билан сон, бел соҳасига зарба етказиш, бармоқларга қаттиқ зарба етказиб мажақлаш;

¹ Э.Тургунбоев, Х.Очилов Қийноққа солиш жинояти: фикр ва мулоҳазалар// Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини кўллаганлик учун жавобгарлик. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.:ТДЮИ нашриёти, 2009.-Б. 83-86.

Бўшлиқларга кирувчи жароҳатлар етказиш – санчувчи жисмлардан, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, тирноқ остига игна санчиш;

Кимёвий моддалардан фойдаланиш – туз, қалампир, бензин ва бошқа моддаларни тана бўшлиқларига юбориш ва яра юзаларига сепиш;

Бармоқлар ва қўл-оёқларни мажағлаш ва олиб ташлаш;

Тиббий йўл билан бармоқларни ва қўл-оёқларни ампутация қилиш, тана органларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш;

Седатив, нейролептик ёки паралитик препаратларни токсик дозалардан фойдаланиб фармакологик йўл билан қийнаш;

Ҳайвонлар хужуми – ит, мушук, каламуш ёки чаёнлар билан қўрқитиш¹ ва бошқалар.

Қийноққа солишларни таъсир кўрсатиш механизми ва етказиладиган азоблар характеристига кўра таснифлаш мумкин.

Жисмоний таъсир кўрсатишига кўра қуидагиларга ажратиш мумкин:

1) соғлиққа ҳар қандай даражадаги шикаст етказиш (мазкур ҳолларда квалификация шахсга қарши тегишли жиноятлар йифиндиси бўйича амалга оширилиши лозим, боиси, ўз моҳиятига кўра қийноққа солиш формал таркибли жиноят бўлиб, оқибатлар келиб чиқиши талаб этилмайди);

2) жисмоний оғриқ (дўппослаш, қийнаш ва б.);

3) сувсиз, овқатсиз, ҳавосиз (масалан, дим хонада қолдириш ёки кислород йўлини тўсиш), совуқда, иссиқда қолдириш орқали организмга турли кўринишдаги таъсир кўрсатиш.

Суд ва тергов амалиётида азоблашларни юридик баҳолаш масаласи мунозарали бўлиб қолмокда. Соғлиққа етказилган зарарни суд-тиббий экспертиза орқали аниқлаш

¹ Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала хамда жазо турларини кўлланганлик учун жавобарлик. Илмий-амалий конференция материаллари, 2010 йил 15 февраль. 59-60 бетлар. Фарғона – 2010, “Pollpress” МЧЖ

амалиётида ҳосил бўлган ҳолатга асосан азобланиш деганда овқатдан, сувдан ёки иссиқликдан узоқ вақт давомида маҳрум қилиш ёки жабрланувчини соғлиқ учун хавфли бўлган шароитларга жойлаштириш (қолдириш) ёки азоб (касаллик) берувчи харакатлар ёки бошқа шунга ўхшаш харакатлар тушунилади.

Бир қатор муаллифларнинг фикрича, азоб бериш қийнашнинг (бошқа зўрлик харакатларининг) бир тури ҳисобланади¹. Шубҳасиз, азоблашлар инсон организмига жиддий зиён етказиши мумкинлиги сабабли ижтимоий хавфли ҳисобланади.

Қийноқ масаласи ҳақида фикр билдирганда азоблашнинг у билан бирга амалга оширилишини, азоблаш орқали қийноққа солаётган шахс қийноққа солинаётган шахсга таъсир кўрсатиб, бу билан ўз мақсадларига эришиши мумкин. Бизнинг фикримизча, “азоблаш” тушунчаси ҳар қандай азобларни, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларни камраб олади.

Жиноят объектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланган жиноятни содир этиш вақти – бу сониялар, дақиқалар, соатлар, кунлар билан ўлчанадиган қийноққа солиш амалга оширилганлиги давомийлиги ҳисобланади. Қийноққа солишнинг бошланиш ва тугаш вақти сифатида жабрланувчи ўта кучли жисмоний оғриқ ва чуқур руҳий азият чеккан вақт ҳисобга олиниши лозим. Шу боис, қийноққа солишнинг давомийлигини аниқлашда нафақат айбдорнинг жабрланувчи билан жисмоний алоқага киришган вақти, балки бу алоқадан олдинги вақт (масалан, жабрланувчи кишанларда қийноқ жойига олиб келинган, у оғир шароитларда сақланган вақт)ни, қийноққа солиш харакатлари қайтарилиши кутилган вақтни

¹ Игнатов Л., Ильдимиров Н. Ответственность за истязание // Советская юстиция. 1974. № 19. С. 20; Практический комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / под общ. ред. Х.Д. Аликперова, Э. Ф. Побегайло. М, 2001. С. 301 (автор комментария Э.Ф. Побегайло).

ҳам ҳисобга олиш лозим. Вақт қийноққа солишда нисбатан муҳим жиҳат ҳисобланиб, масалан, доимий ва даврий дўппослашда, оловдан ва темирдан фойдаланишда соатлар ва дақиқалар билан, жабрланувчи кулликка солингандა эса, ҳаттоки йиллар билан ўлчанади.

Қийноққа солиш жойи қийноққа солиши амалга ошириладиган макон, ҳудуд билан белгиланади. Бунда у ёпиқ (масалан, ўра, хизмат жойи) ва шу билан бирга, кенг ҳудудни эгаллаган бўлиши ва унда жабрланувчи жисмоний зўрлик (масалан, мажбурий дала, ўрмон, ер ва шунга ўхшаш оғир мажбурий ишларни бажариши) туфайли доимий равишда чукур ички азобланиши мумкин. Қийноққа солиш жойи маҳсус жиҳозланган хоналар билан бир қаторда, вазиятга кўра танланган жойлар ҳам бўлиши мумкин. Айборнинг хоҳишига кўра, танланган ҳар қандай ҳудуд қийноққа солиш жойи бўлиши мумкин.

Қийноққа солиш шароити бир ёки бир неча шахсларга нисбатан қийноққа солишни қўллаш имконини берадиган шароитлар, ҳолатлар билан белгиланади. Қийноққа солиш шароити ҳарбий можаро, жиной гурухларнинг таъсир доираси ва ўзганинг мулкини бўлиш юзасидан тўқнашуви оқибатида келиб чиқсан бўлиши мумкин. Шунингдек, қийноққа солиш шароити жабрланувчининг харакатлари натижасида ҳам, масалан, у ундан талаб қилинган кўрсатмаларни беришдан бош тортганда ёки ёлғон кўрсатмалар берганда ёхуд қандайдир маълумотларни тўплашга тўскинлик қилганида вужудга келиши мумкин¹.

Шу билан бирга, учинчи ҳатти-харакат, яъни, алдов йўли билан кўрсатувларни олишни бoshқа қонунга хилоф ҳаракатлар тоифасига киритиш мушкул, зеро, бунда улар императив характерга эга бўлмай, жиноят процесси иштирокчиси онгига мажбурийлик холатига тушиб қолган-

¹ Кривошеин П. Пытка: понятие, признаки // Уголовное право. 2005. № 5. С. 41.

лик ҳиссини уйғотмайды, унинг иродасини чеклаш деб хи-
собланмайды.

Кийноқقا солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти объектив томонини тадқиқ қилишга якун ясадб, куйидаги асосий хулосаларни тақдим қилиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддасида қўрсатилган жиноят формал таркибли бўлиб, гумон қилинувчига, айбланувчига, гувохга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик қўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбуrlаш бошлангандан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

2. Объектив томондан ушбу жиноят бевосита қийноқقا солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муюмала ҳамда жазо турларини қўллаш, шахснинг қадр-қимматини камситувчи муюмала ва жазо турларини қўллаш ҳаракатларидан бирини содир этиш орқали амалга оширилади.

3. Шунингдек, объектив томондан жиноят бевосита қўрқитиши, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этиладиган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир қўрсатишда ифодаланади.

4. Мазкур жиноятнинг объектив томони учун жиноятнинг содир қилиш усули зарурий белги сифатида ифодаланади.

5. Ушбу жиноят объектив томонининг факультатив белгилари, яъни жиноят содир қилиш вақти, жойи, ҳолати, қуроли ва воситаси қийноқ жиноятининг ташқи тарафини ифодаловчи усулларини истисно қилганда, квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

2.2 Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг субъектив белгилари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси иккинчи қисмида жавобгарликнинг асослари принципиал равиша белгилаб берилган. Яъни, ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят таркибининг мажбурий ва зарурий элементлари қаторига жиноятнинг субъекти ва жиноятнинг субъектив томонидан иборат¹ гурухга бирлашган жиноятнинг субъектив белгилари ҳам киради. Ўз навбатида, содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишни муайян жиноят сифатида квалификация қилиш учун нафақат мазкур жиноят таркибининг обьект ёки обьектив томони мавжудлигини белгилаш лозим, балки, унинг жиноят-хукуқий меъёрларда кўрсатилган субъектив белгиларини ҳам аниқлаш жоиз.

Одатда, жиноятнинг субъекти деганда, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган ва жиноят қонунида белгилangan ёшга етган ақли расо жисмоний шахс тушунилади².

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят субъектига берилган бундай изоҳ шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун мавжуд бўлган белгиларнинг мажмуини қамраб олган расмий-юридик тузилишга эга.

¹ Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А. Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 113.; Жиноят хукуки. Умумий қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 113.; Гаухман Л. Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. 2-е изд., перераб. и дополн. – М.: Центр Юринафор, 2003. – С. 32.

² Matlyubov B. B. Jinoyatlar majmui: kvalifikatsiya qilish: O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2008. – 59 b.

Умуман, жиноятчиликни, хусусан, унинг айрим турларини келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш, аввало, жиноятчи шахсини пухта ўрганишни тақозо этади¹.

Бу жиноят субъекти тушунчасини жиноятчи шахси криминологик тушунчасидан фарқлайди. Жиноятчи шахси тушунчаси жиноий хулк-атворга ташқи шарт тарафидан сабаб бўлган, ижтимоий аҳамият касб этувчи хусусиятлар, белгилар билан характерланади².

Р. Кабуловнинг эътироф этишича, амалдаги жиноятга оид қонунчиликда “жиноят субъекти” тушунчаси белгиланмаган, лекин, қонуннинг айрим моддаларида синоним сифатида “айбдор”, “маҳкум”, “жиноят содир этган шахс”, “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс” ва шу каби бошқа иборалар ишлатилади. Шахс сўзининг умумий мазмуни олинганда, жиноят содир этган шахс жиноятнинг субъектидир. Сўзнинг тор ва маҳсус мазмунига кўра, жиноят субъекти деб жиноят қонунида белгиланган жиноятнинг қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши ва жиноят ҳуқуки принципларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жисмоний шахсга айтилади³.

Жиноят субъекти тушунчасини, шунингдек, жиноят қонунида нисбатан кенг қўлланиладиган “айбдор шахси” (масалан, ЖК 54, 57, 72, 87-моддаси) тушунчасидан фарқлашимиз лозим. Жиноят субъекти тушунчасидан фарқли равишда “айбдорнинг шахси” тушунчаси белгиланган эмас ва муайян вазиятдан келиб чиқиб баҳоланади. Н.Г. Иванов қўйидагиларни таъкидлайди, айбдорнинг шахсини баҳолаш судья, прокурор, адвокат, терговчи, суриноми.

¹ Тохиров Ф. Жинсий жиноятлар ва уларни квалификация килиш асослари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2006. Б.86.

² Алексеев А. И. Криминология: курс лекций. – М., 1998. – С. 84.

³ Жиноят ҳуқуки. Умумий қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 149.; Kabulov R. va boshq. Jinoyatlarni kvalifikasiya qilish: IIV oily ta'lim muassasalarini uchun darslik. Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. –260.b.

тирувчи томонидан амалга оширилади ва асосан психо-физиологик¹ ва ижтимоий тавсифлар инобатга олинадиган “яхши-ёмон” принципига асосланади. “Айбдор шахси” факатгина жазо тайинлаш ва уни ўташ тартибига таъсир кўрсатади; жиноят субъекти белгилари эса, жиноий қилмишнинг квалификациясига ва шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги чораларнинг қўлланилишига таъсир кўрсатади².

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддасига асосан, жисмоний шахсларгина, жавобгарликка тортилиши мумкин. Бироқ, жиноят хукуқида бу масаланинг ечими бир хил эмас. Баъзи муаллифлар алоҳида экология соҳасидаги ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини киритиш заруриятини таъкидлайдилар³.

А.В. Наумов таъкидлаганидек, юридик шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши атроф-табиий муҳитга зарар етказадиган машғулотни нафакат юридик шахснинг раҳбари ёки бошқарувчилари учун, балки, унинг ишчилари учун ҳам иқтисодий тарафдан фойдасизлигига олиб келади. Шунингдек, унинг таъкидлашича, бозор муносабатларида ҳўжалик-иқтисодий соҳада содир этилган жиноятлар учун корпорацияларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим⁴. А.С. Якубов ҳам бу борадаги муаммолар юзасидан давлатларнинг юридик шахслар жи-

¹ Психофизиология – психик воқеилкларни нейрофизиологик жараёнлар билан биргаликда ўрганувчи фан. Батафсилроқ каранг: Юридический словарь психологических терминов. – М.: 2010. – С. 153.; В.Н.Волков Юридическая психология. Учебник. М.:2009. М.И.Еникеев Юридическая психология. М.: Норма, 1997.

² Иванов Н. Г. Уголовное право России. Общая и Особенная части: учебник для вузов. – М., 2003. – С. 162 - 163.

³ Наумов А. В. Уголовный закон в условиях перехода к рыночной экономике // Советское государство и право. – 1991. – № 2. – С. 35.; Наумов А. В. Предприятие на скамье подсудимых // Советская юстиция. – 1992. – № 17/18. – С. 3.; Келина С. Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК Российской Федерации // Уголовное право: новые идеи / под ред. С. Г. Келиной и А. В. Наумова. – М., 1994. – С. 50-60.;

⁴ Наумов А. В. Российское уголовное право. Общая часть: курс лекций. – М., 2000. – С. 199, 201.

ноиў жавобгарлиги муаммоси масаласига янгича қарашгани алохидა давлатлар (Франция, АҚШ, Англия, Япония ва Финляндия)да ўзининг қонуний ечимини топганини таъкидлайди¹.

Бироқ, юқоридаги юридик шахсларнинг жиноиў жавобгарлигига оид фикрларга қарамасдан, бу нуктаи назар қонунчиликда юридик кучга эга бўлмади ва фақатгина жисмоний шахсларнинг жиноиў жавобгарлиги белгиланди². Бу аниқ шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этиладиган қийноқ жиноятига ҳам тўлақонли равишда хосдир.

Амалдаги жиноят қонунига мувофик, фақатгина 1) ЖК Махсус қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган, 2) жиноят содир этгунга қадар ушбу жиноят учун жа-вобгарлик белгиланган ёшга тўлган, 3) жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган ақли расо жисмоний шахсгина жиноят субъекти бўла олади.

Жиноят содир этгунга қадар жиноиў жавобгарлик белгиланган ёшга тўлган жисмоний шахсларгина жиноиў жавобгарликка тортилиши ЖКнинг 17-моддасида мустахкамлаб қўйилган. Адабиётларда белгиланишича, жиноят субъекти сифатида жиноиў жавобгарликка тортиш ёшига тўлган шахсларнинггина жиноиў жавобгарликка тортилиши ўзининг ривожланиш ҳолатига кўра ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишнинг тақиқланишини англаши билан боғлиқ.

Ёш тушунчаси баъзи муаллифлар томонидан кенг ватор маъноларда тушунилади. Тор маънода ёш деганда, шахснинг туғилишидан токи бирор-бир воқеа-ходисага

¹ Батафсилоқ қаранг: Якубов А.С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Ташкент, 1996. – С. 5-26.; Д.О.Облакулов Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига юридик шахсларни жиноиў жавобгарликка тортиш масалалари // Зиёкор №8 (156)2010. Б.12-18.

² Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 230.

қадар бўлган календарь муддатини¹ тушунишни, кенг маънода эса, тиббий-биологик, ижтимоий-психологик ва хуқуқий ўзгаришлар билан аниқланадиган шахс ҳаётидаги психофизиологик ҳолатининг чегараланган муддатини² тушунишни таклиф қилишади.

Еш одатда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар – паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома орқали аниқланади. Бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, суд-тиббий экспертизаси орқали белгиланади.

Жиноят субъекти ёшини белгилашда шуни инобатга олиш керакки, шахс муайян ёшга тўлган вақт у туғилган кунидан эмас, балки кейинги кундан ҳисобланади. Агар шахснинг ёшини ҳужжатга асосан аниқлашнинг имкони бўлмаса, суд-тиббий экспертизаси орқали аниқланади ва бунда эксперт томонидан белгиланган йилнинг охирги куни, яъни 31 декабрь шахснинг туғилган куни сифатида белгиланади³.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 15.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли Қарорига асосан айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган, деб ҳисобланади⁴.

¹ Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўкув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 14.; Курс российского уголовного права. Общая часть / под ред. В. Н. Кудрявцева, А. В. Наумова. – М., 2001. – С. 219.

² Михеев Р. И. Проблемы вменяемости, вины и уголовной ответственности (теория и практика): автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М., 1995. – С. 17.

³ Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А.Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 93.; Рапор А. И. Настольная книга судьи по квалификации преступлений: практ. пособие. – М.: ТК Велби; Проспект, 2006. – С. 193.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 15.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги суд амалиёти тўғрисида”ги № 21-сонли Қарор. I кисм, 5 пункт. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари. 15 сентябрь 2000 йил. – Б. 55.

Р. Кабулов эътироф этганидек, жиноий жавобгарлик вужудга келишининг минимал ёшини белгилашда, конун чиқарувчи инсон онги билан нафақат у ёки бу ахлоқ нормасини бузиш фактини англаш, балки, ижтимоий қимматликларни, тегишли маънавий тақиқларга риоя қилиши, ҳамда жиноий жазонинг умумий ва махсус огохлантириши мақсадини ҳисобга олади¹.

Умумий қоидага кўра, ўн олти ёшга тўлган жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши мумкин (ЖКнинг 17-моддаси). Бунда шахснинг айни шу пайтга келиб ўзи томонидан содир қилинадиган ҳаракатларнинг моҳияти ва аҳамиятини ва унинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш имкони пайдо бўлади.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти учун 18 ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилиши мумкин. Конунчиликдаги бундай қарор бизнингча ҳам асослидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЖКнинг 235-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти фақат махсус субъект: суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки ҳукуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходимлари ҳисобланади.

Қ.Р. Абдурасулова томонидан жиноятнинг махсус субъекти тушунчасига жиноятнинг умумий субъекти белгилари билан бир каторда, қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсdir, деб берилган таъриф назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир².

¹ Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To‘ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. –T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2012. – Б.98-105.; Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А.Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 93.

² Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 34.

Жиноятнинг махсус субъекти бу муайян жиноят учун жавобгарликка тортиш учун жиноят субъектининг зарурий белгилари (ақли расолик ва жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлганлик)дан ташқари қўшимча бошқа шахсларни бундай жиноят учун жавобгарликка тортишни чегараловчи белгиларга ҳам эга бўлган субъект тушунилади¹.

ЖПКнинг 38-моддасига кўра, қўйидагилар суриштирув органлари хисобланади:

1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошликлари – уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари – қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошликлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов хибсоналари ҳамда турмаларнинг бошликлари – шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар худудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнфиндан назорат қилиш органлари – ёнфинларга доир ва ёнфинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

¹ Устименко В. В. Специальный субъект преступления. – Харьков, 1989. – С. 8.

6) чегарани қўриқлаш органлари – давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари – тегишинча божхона, солик ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича;

9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти хамда унинг ҳудудий бошқармалари – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини ба-жармасликка, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари – бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иктисодий ва солик соҳаларидаги хукуқбузарликларга доир ишлар бўйича.

ЖПКнинг 35-моддасига кўра, жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар.

Таъкидлаш лозимки, ЖК 235-моддасида келтирилган хукуқни муҳофаза қилувчи орган тушунчасига амалда қайси органлар кириши хамда хукуқни муҳофаза қилувчи орган тушунчаси қонунчиликда ўзининг аниқ ифодасини топмаган.

Бу эса, ўз ўрнида, асосли равишда хукуқни муҳофаза қилувчилар қаторига киритилиши мумкин бўлган давлат ёки нодавлат органлари рўйхатини турлича талқин қилишга олиб келади.

Адабиётларда хукуқни муҳофаза қилувчи органлар тушунчасига турли таърифлар берилган.

Жумладан, В. Семенов хукуқни муҳофаза қилувчи органлар тушунчасига қўйидагича таъриф беради: “Хукуқни муҳофаза қилиш органлари – бу давлат органлари ва жамоат ташкилотлари бўлиб, улар ўз фаолиятини қонун ҳамда демократик принципларга асосланган ҳолда амалга оширадилар, қонунийлик ва хукукий тартиботни таъминлайдилар, фуқаролар, меҳнат жамоалари, жамият ва давлатнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладилар, хукуқбузарликнинг олдини олиш ва қонун ҳамда хукуқ тартиботни бузган шахсларга давлатнинг мажбурлов ёки жамиятнинг таъсир чораларини қўллайдилар”.¹

А. Рыжаков эса, “Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиб, қонунга мувофиқ жисмоний (юридик) шахсларнинг ҳамда давлатнинг хукуқ ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи ҳамда қонунийлик ва хукукий тартиботни таъминловчи муассаса, мансабдор шахс ёки бошқа шахслар (масалан, судья, терговчи, юридик ёрдам кўрсатувчи фуқаро) хисобланади”, деб таъкидлайди.²

Илмий адабиётда хукуқни муҳофаза қилиш фаолияти маҳсус ваколатга эга бўлган органлар томонидан хукуқни муҳофаза қилиш мақсадида қонунга ва белгиланган тартибда қатъий риоя этган ҳолда хукукий таъсир чора-

¹ Семенов В.М. Правоохранительные органы: Дарслик.– М.: Юрид. лит., 1991.– С.28-29, Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Хукуқни муҳофаза қилиш органлари: Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. й. 11-б.

² Рыжаков А.П. Правоохранительные органы. Дарслик. – М.: Контракт, Инфра – М, 2001. - С.4., Рустамбоев М.Х. Тухташева У.А. Суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик Т.: “ILM ZIYO”, 2012 Б.9.

ларини қўллаш йўли билан амалга ошириладиган давлат фаолияти деб тушунча берилган¹.

Хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятига шундай давлат фаолиятини киритиш мумкинки, унда маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари қонунга ҳамда белгиланган тартибга қатъий риоя қилган холда хукуқни муҳофаза қилиш мақсадида хукуқий таъсир чорасини қўллайдилар.²

Бу тушунчада асосан хукуқни муҳофаза қилувчи давлат фаолияти ҳақида гап боради. Бироқ, бундай фаолият фақатгина хукуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки барча давлат органлари томонидан у ёки бу даражада амалга оширлади.³

Ҳозирги кунда хукуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчасини таърифлашда унга бир қадар чегараланган мазмун бериш анъанаси кенг тарқалган. Масалан, айrimлар учун жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ваколатли давлат органлари амалга ошираётган фаолият деб ҳисобланса, бошқалар учун эса, жамоат тартибини таъминлаш деб қаралади. Бундай ёндашув анча соддалаштирилган тарзда намоён бўлади, зоро, хукуқни химоя қилиш соҳаси қўлами жиноятчиликка ёки жамоат тартиби бузилишларига қарши кураш соҳаларига қараганда анча кенгдир.⁴

-
- ¹ Гуценко К. Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Юридик олий ўқув юртлари ва факультетлари учун дарслик. – М.: “Зеркало”, 2002. –Б.9; Гуляев А.П. Правоохранительная деятельность (понятие, виды, субъекты). Маъруза. – М.: «Спарк», 1999.-с.3-7., Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Хукуқни муҳофаза қилиш органлари: Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. й. 13 б. Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик Т.: “ILM ZIYO”, 2012-Б.9
- ² Гуценко К.Р., Ковалев М.Н. Правоохранительные органы. Юридик олий ўқув юртлари ва факультетлари учун дарслик. б- нашр. / К.Ф. Гуценконинг таҳрири остида. –М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001. –Б.6-8., Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Хукуқни муҳофаза қилиш органлари: Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. й. 15 б.
- ³ Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик Т.: “ILM ZIYO”, 2012-Б.9.
- ⁴ Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик Т.: “ILM ZIYO”, 2012-Б.9.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орғанлар тушунчаси кенг бўлиб, халқаро ҳуқуқ ёки миллий ҳуқуқ нормаларида аниқ белгилаб берилмаган.

Давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига нисбатан суд органи суд ҳокимиятини ўзида ифода этадиган ва ҳуқуқни муҳофаза қила оладиган орган бўлиб ҳисобланган ва ҳозирги кунда ҳам шундай. Шунинг учун ҳам суд давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ичida ҳуқуқни қўриқлаш юзасидан ўзига хос мақомга эга. Бундай тавсиф барча ҳуқуқшунос ва олимлар томонидан маъқулланган.¹

Шу сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида келиб чиқиши мумкин бўлган турли номувофиқликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари тушунчасини ўзгартиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, мазкур жиноятнинг содир этилиши кўпроқ жиноий таъқибни амалга оширувчи орган ходимлари томонидан содир этилиши хавфи катта. Шунга асосан Жиноят кодексининг 235-моддасидаги “ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг” сўзи ўрнига “жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга бўлган органнинг” жумласини киритишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Амалиёт қийноққа солиш ҳолатлари айнан жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга орган ходимлари фаолиятида кузатилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жазони ижро этиш муассасасининг ходими деб, мансаб ваколатидан қатъи назар, мазкур масаланинг штат жадвали бўйича ходим ҳисобланган шахсларни, агар улар қийноқдан жабрланганга боғлиқ бўлган жиноий иш бўйича суриштирувчи бўлмасаларгина, ҳисоблаш лозим.

¹ Каранг.: Правоохранительные органы. Юридик олий ўкув юртлари учун дарслик./. Проф. К.Ф.Гуценко таҳрири остида.. – М.: БЕК, 1995. – Б. 8., Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: олий ўкув юртлари учун дарслик. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. й. Б.23.

Жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходимлари деганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 14-моддасида белгиланган жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар ходимлари тушунилади.

Жарима тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади.

Муайян хуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян хуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан:

хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) қўмондонлиги томонидан;

қамоқ тариқасидаги жазо – гарнizon гауптвахталари томонидан;

интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо – маҳсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади.

Фикримизча, қийноқ учун жавобгарлик субъекти сифатида барча жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Қийноқ одатда шахс озодлиги чекланганда уни қўллаш имконияти юқорилиги, бундай ҳолатда ўз ҳуқуқларини химоя қилиши имконияти, чекланганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 235-моддасидаги **“жазони ижро этиш**

муассасаларининг сўзларини “шахснинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ жазони ижро этиш муассасаси” деб ўзгартаришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз”.

Демак, Жиноят кодекси 235-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти ўн саккиз ёшга тўлган, ақли расо, фақат махсус субъект: суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки хукуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходимлари ҳисобланади.

Қийноққа солиш жиноятининг алоҳида ўрганиш лозим бўлган мустақил элементларидан кейингиси қийноқнинг субъектив томонидир.

Жиноят таркибининг субъектив томони деганда жиноят қонунида жиноят деб белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахснинг ўз қилмишига ва унинг оқибатларига бўлган рухий муносабати тушунилади¹.

Шахснинг хулқ-атвори, жумладан, хукуққа хилоф хулқ-атвори ўзида ташқи (жисмоний) ва ички (рухий) томонларни мужассамлаштиради. Шу сабабли ҳам А.И. Рарог таъкидлаганидек, жиноятлар нафақат ташқи белгилари билан, балки, ички томонига хос белгилар билан ҳам характеристерланади. Айнан, жиноятнинг субъектив томонини аниқлаштириш хукуқни қўллаш амалиётида мураккаб рухий жараёнлар натижаси ўлароқ қийинчиликлар тудиради².

Жиноят хукуки назариясида жиноят содир этиш билан боғлиқ бевосита шахснинг ички рухий фаолиятини

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 185.; Батафсилроқ қаранг: Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А. Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 164-191.; Жиноят хукуки. Умумий қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 161.; Очилов Х.Р. Саволлар ва жавоблар (умумий қисм). Ўкув кўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 33.

² Рарог А. И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб., 2003. – С. 10.; Российское уголовное право. В двух томах. Том 1. Общая часть. / Под ред. А. И. Рарога. – М., 2003. – С. 157.

намоён қилувчи жиной ѿзининг таркибий қисмлари жиноят таркибининг субъектив томонида ўрганилади. Объектив томондан фарқли равишда субъектив томон айбдор шахснинг рухиятидаги жараёнларни ўрганади. У хукуқбузарнинг хулқини, жиноят содир қилиш шартшароитларини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали аниқланади¹.

Жиноятнинг субъектив томони айб, мотив ва мақсад каби белгилардан таркиб топган бўлади. Бунда айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси, мотив ва мақсад эса, факультатив белгилардир².

Маълумки, жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгисини, айдан ташқари, унинг факультатив хусусиятга эга бўлган мотив ва мақсади ҳам ташкил этади.

Психологияда мотив деганда, инсоннинг муайян эҳтиёжларига жавоб берувчи ва уни фаолиятга ундовчи сабаблар тушунилади. Юридик адабиётларда эса, жиноят мотивлари деб, шахсни жиноят содир этишга ундаган ички ҳиссиётга, сабабларга айтилади³.

Мотивни аниқлаш: “Шахс нима учун жиноят содир этган, бунда уни қандай ички ҳиссиётлар бошқарган?” – деган саволга жавоб беришга ёрдамлашади.

Шахсга қарши жиноятларда мотивни тўғри аниқлаш айбдор шахсининг ўзига хос жиҳатларини, унинг интилишлари ва мақсадларини аниқлашга имкон беради. Жиноят мотивларини билмай туриб, жиноят сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш,

¹ Уголовное право России. Части Общая и особенная: учебник, - 5-е изд. / Под ред. М. П. Журавлев, А. В. Наумов. – М., 2004. – С. 87.

² Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Под общ.ред. А.А.Палван-Заде. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 174.; Жиноят хукуки. Умумий қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 161-163.; Очилов Х.Р. Саволлар ва жавоблар (умумий қисм). Ўқув кўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 33.

³ Викторов В. А. Цель и мотив в тяжких преступлениях. – М.:1963. – С. 15.; В.Н.Волков Юридическая психология. Учебник. М.:2009.

судланувчининг ҳаракатларини тўғри баҳолаш, унга адолатли жазо тайинлаш анча қийин, баъзан эса, умуман мумкин бўлмай қолади. Мотив ва мақсадларни аниқлаш қийноқ содир этишда айбдор шахснинг қасд хусусияти ва мазмунини чуқурроқ аниқлашга ёрдам беради. М.Х. Рустамбоев жиноятнинг мотив ва мақсадига таъриф бериб: “Мотивлар инсонни ҳаракатга ундаиди, унинг йўналиши, пировард натижасини эса, мақсад белгилайди, – деб ёзади. – Мақсадни белгилаш инсон ҳаракатларининг энг онгли жараёнидир. Мақсаднинг танланиши охир-оқибатда у ёки бу мотивлар билан боғлиқ бўлади”¹. Мотив онгда акс этиб, фақат аниқ ҳаракатларгагина ундамай, балки мақсаднинг шаклланишига ҳам ёрдам беради. Мотив, умуман, хулқ-атвор, ҳаракат манбаи ҳисобланади.

Бирок, жиноят таркибининг субъектив томонига бундай ёндашувга нисбатан А.И. Рарог танқидий нуқтаи назар билан ёндашган. У шахснинг руҳий ҳолатини жиноят таркибининг субъектив томони белгилари қаторига кирилади².

ЖКнинг 20-моддасига мувофиқ, ЖКда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин. ЖКнинг бу моддаси ва шу бобдаги бошқа нормалар ўрганилаётган жиноят таркиби субъектив томонининг элементи сифатида “айб”нинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шакли билан тавсифланади. Қийноқни қўллаётган айбдор ўз ҳаракатларининг ҳукуққа хилофлигини ва қўллаётган усулларининг хавфлилик хусусиятини англайди ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

¹ Рустамбаев М. Х. Ответственность за преступления против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. – Нукус: 1992. – С. 64.

² Рарог А. И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб, 2003. – С. 59-61.

Бу борада бир қатор муаллифлар мазкур жиноятнинг фақатгина қасдан содир этилишини таъкидлайдилар¹. Биз ҳам мазкур фикрларга қўшиламиз. Чунки, мазкур жиноятда қасд шаклидаги айбнинг интеллектуал томонига хос зарурий белгиларидан бири – шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий-хавфли хусусиятини англайди.

Конун чиқарувчи ушбу жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида, бирон-бир ахборот, жиноят содир этганлигига икрорлик кўрсатувини олиш, уларни содир этган қилмиши учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадини назарда тутади.

Г.Ю. Гладких қийноққа солишни маълум мақсад билан қийноққа солинаётганга таъсир кўрсатишнинг ўзига хос зўрлик қўлланиладиган усули сифатида таърифлайди².

¹ Х.А. Каримов Қийноқнинг жиноят ҳукуқий ва криминологик жиҳатлари. Монография / масъул мухаррр: ю.ф.д. Б.Х.Пўлатов. Т.: “SHARQ” 2011. 108.б.; Гулямов З.Х.Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия: Теория и практика дис.д.ю.н. Т.: 2003.; Абдурасурова Қ.Р., Сафаров Ж.И. Қийноқ: миллӣ ва ҳалкаро ҳукуқий жиҳатлари Т.: ТДҶИ, 2008. 35.Б; Ш.Мирзаев, Д.Фозилов Қийноққа солиш жиноятнинг ҳозирги ҳолати ва тарихига назар\ Қийноққа солиш ва бошка шафқатсиз, файринсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДҶИ нашриёти, 2009.; А.М. Маматкулов. Қийноққа согланник учун жиноят жавобгарлик асослари\ Қийноққа солиш, бошка шафқатсиз, файринсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўлланганлик учун жавобгарлик. Илмий-амалий конференция материаллари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари, 2010 йил 15 февраль. Лобановой Л.В. (Преступления против правосудия: проблемы классификации посягательств, регламентации и дифференциации ответственности: Дис. ...д-ра юрид. наук. Казань, 2000) и кандидатской диссертациях Борисенкова Н.В. (Уголовно-правовая оценка жестокости: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2005), Гараниной М.А. (Системы преступлений против правосудия (формирование и развитие): Дис. ...канд. юрид. наук. М., 1995); Гладких Г.Ю. (Уголовная ответственность за пытки в РФ: Дис. ...канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2004); Лосицкой Л.К. (Международно-правовое сотрудничество в сфере борьбы с пытками и жестоким, бесчеловечным или унижающим достоинство обращением и наказанием: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2003); Федорова А.В. (Понятие и классификация преступлений против правосудия: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2004). Alexander Zahar and Goran Sluiter, International Criminal Law: A Critical Introduction. Oxford: Oxford University Press, 2007, XLVIII +530 pp.; Alexander Zahar and Goran Sluiter, International Criminal Law: A Critical Introduction. Oxford: Oxford University Press, 2007,

² Гладких Г.Ю. Уголовная ответственность за пытки в РФ: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2004. С.13-14.

Р.С. Чобаняннинг қайд этишича, қийноққа солиш жинояти тўғри қасд билан тавсифланади. Айбдор ўз ҳаракатлари билан жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бераётганлигини онгли равишда тушунади ва уларни амалга оширишни хоҳлайди. Тўғри қасднинг интеллектуал ва руҳий мазмуни жиҳатидан қийнаш билан ўхшаш жиҳатлари мавжуд бўлса-да, қийноққа солиш маҳсус мақсадлари билан фарқланади. Қийнашда жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоблар етказиш маҳсус мақсад бўлса, қийноққа солишда турли мақсадлар кўзланиши мумкин. Ушбу мақсад инсон хоҳишига зид бўлган кўрсатма беришга мажбурлашдан, шунингдек, жазолашдан ва бошқа мақсадлардан иборат бўлиши мумкин¹.

М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, шарҳланаётган жинояти тўғри қасд ва субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланган маҳсус мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, қонун томонидан жиноятни содир этиш мақсади муқобил тартибда аниқланади. Яъни, ҳаракатни ЖК 235-моддаси бўйича жиноят деб тан олиш учун субъект қуидаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилиши лозим:

- а) бирор-бир ахборот олиш;
- б) жиноят содир этганликка иқрор бўлиш;
- в) жабрланувчини муайян ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш.

Қилмишнинг мотив ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазоннинг индивидуаллаштирилишида инобатга олиниши мумкин. Коида тарикасида, ғаразгўйлик, моддий манфаатдорлик, мансаб,

¹ Бу борада адабиётларда қайд этилган қийнашда жисмоний ёки руҳий азоблар етказиш бошқа мақсадларга эришиш йўлида оралиқ мақсадлар бўлиши фикрига қўшилмаймиз (масалан: Уголовное право. Общая и Особенная части / под общ. ред. М.П. Журавлева и С.И. Никулина. М., 2004. С. 350. (авторы К.Л.Акаев, С.И.Никулин).

нотўғри тушунилган адолат ҳисси, ўзини намоён қилишга инилиш ва бошқалар мотив бўлиши мумкин¹.

Демак, Қийноққа солишни содир этиш мақсадига субъектив томоннинг тавсифловчи муқаррар белгиси сифатида қаралиши лозим.

БМТ томонидан 1975 йил 9 декабрда қабул қилинган Барча шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан химоя қилиш тӯғрисидаги Декларация²нинг 1-моддасида қийноқ қўйидаги мақсадда содир этилади, дейилади:

1) ахборот ёки иқрорлик қўрсатувлари олиш;

2) қийноққа солинаётган шахс (Конвенцияда мустаҳкамланган қоидага мувофиқ – “ёки учинчи шахс”) содир этган ёки содир этганликда гумон қилинаётган харакатлар учун уни жазолаш;

3) уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш.

“Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”да, қийноққа солиш мақсадларига доир юқорида қайд этилгандан ташқари, мажбурлаш ҳамда муайян тоифадаги шахсларнинг ҳукуқларини чеклаш ёки уларни ҳукуқлардан маҳрум этиш, бир сўз билан айтганда – ҳар қандай тусдаги камситиш мустаҳкамланган.

Шундан келиб чиқиб, қийноққа солишнинг икки хил жиҳатини қўрсатиш мумкин:

а) инсонийликка зид муносабат тури (мақсади – ахборот ёки маълумотлар олиш, қўрқитиш ёки мажбурлаш ва бошқ.);

б) файриинсоний жазо тури.

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуки курси. VI том. Махсус кисм. Иктисолиёт соҳасидаги жиноялар. Экология соҳасидаги жиноялар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноялар. Дарслик. Т.: “ILM ZIYO” 2011. Б. 377.

² Справочно-правовая система “Консультант Плюс”.

Қийноқни содир этиш мақсади турлича бўлиши мумкин. Жумладан, жиноятни тез очиш, шахсни камситиш, ва хоказо. Гарчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими жиноятни очиш мақсадида қийноқни қўллайдиган бўлса ҳам, бу унинг хатти-ҳаракатини оқламайди ва қилмиш жиной жавобгарликни келтириб чиқаради.

Қийноққа солишининг мотивлари турли хил бўлиши мумкин (шахсий, ёмон муносабатлар, ўч олиш, рашк, ҳасад, душманлик, нафрат, шафқатсизлик) ҳамда жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, қийноққа солишининг мотиви ва мақсади уни “оддий” зўрликдан ажратувчи белгиси бўлиши мумкин, масалан, шахсга бундай таъсир қўрсатиш кўрсатма олиш ёки ижтимоий, диний, миллий ва бошқа душманлик, нафрат мотивлари асосида амалга оширилса. Масалан, “Қийноққа солиш” атамаси маълум мақсадни (хоҳ у маълумотларни олиш ёки айбни бўйнига олиш, дискриминация, шунингдек, жазони ижро этиш бўлсин) кўзлаган инсонийликка зид муомалани таърифлаш учун қўлланилади. Шу жиҳати билан қийноққа солиш оддий қийнашдан ёки “оддий” зўрликдан ажратувчи белги ҳисобланади.

Шуни айтиш лозимки, қонунни қўлловчининг жиноий жавобгарлиги нафақат муайян қўрсатувларни беришга мажбурлаш кўринишида, балки қўрсатувларни бермасликка мажбурлашда ҳам ифодаланиши мумкин. Шу боис, қонунга хилоф мажбурлаш остида қўйидаги ҳаракатлар тушунилиши керак:

1. Гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчини қўрсатма беришга мажбурлаш;
2. Гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчини қўрсатма беришдан воз кечишга мажбурлаш;
3. Экспертни хулоса беришга мажбурлаш ёки хулоса беришдан воз кечишга мажбурлаш;

4. Таржимонни таржима қилишга мажбурлаш ёки таржима қилишдан воз кечишига мажбурлаш;
5. Мутахассисни тергов ҳаракатида иштирок этишига мажбурлаш ёки тергов ҳаракатида иштирок этишдан воз кечишига мажбурлаш.

Мазкур жиноятни содир этишнинг усулларидан бири бўлган таҳдид руҳий тажовуз қилиш тури сифатида тан олиниб, жиноят процесси иштирокчиларини қўрқитиб, уларга нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини амалга оширишда ифодаланиб, ўз навбатида, уларни ўз хукуқ ва эркинликларидан воз кечган ҳолда ўзи истамаган кўрсатувларни беришига мажбурлашdir.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўйидагича хulosса қилишимиз мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига қийноқнинг жабрланувчилари доираси ҳар қандай шахс бўлиши мумкинлиги мазмунидаги ўзгартиш киритишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, Қийноққа қарши Конвенциянинг 1-моддасида жабрланувчилар хар қандай шахс бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

2. Қийнок одатда шахс озодлиги чекланганда уни қўллаш имконияти кенгайиши мумкин, бундай холатда ўз хукуқларини ҳимоя қилиши имконияти чеклангандан келиб Жиноят кодексининг 235-моддасидаги “**жазони ижро этиш муассасаларининг**” сўзи ўрнига “**шахснинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ жазони ижро этиш муассасаси**” деб ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

III боб. ҚИЙНОҚНИНГ КВАЛИФИКАЦИЯВИЙ БЕЛГИЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚИЙНОҚ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН НОРМАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. Қийноқнинг квалификациявий (жавобгарликни оғирлаштирувчи) белгилари ҳамда жавобгарлик белгиланган қонун нормаларини такомиллаштириш масалалари

Жиноий жавобгарликни дифференциация килишнинг воситаларидан бири бу жазога сазоворлик доирасида жиноятларни квалификация¹ қилишни шакллантирувчи квалификациявий белгиларни аниқлаш ҳисобланади. Жавобгарликни дифференциация қилиш орқали қонунчиликда муайян турдаги шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда “содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазо чораси (тури ва миқдори)ни аниқлашнинг мақбул ҳолатини яратиш”дан иборатдир².

Жавобгарликнинг дифференциацияси учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилилар даражаси ва айбдорнинг шахси асос бўлади³.

Қийноқ учун жиноий жавобгарликнинг таҳлили мазкур жиноятни квалификация қилишда юзага келган баҳсли масалалар ўрганилиши ва ҳал қилиниши зарурлигидан далолат беради. Одил судловни амалга ошириш учун

¹ Квалификация – лотинча *qualificatio*, “*qualis*” – “сифат, қанақа сифатда” ва “*facere*” – “бажармок” сўзлари бирикшидан келиб чиқкан бўлиб, бу сўзнинг этимологиясидан кўриниб турлидики, муайян объектнинг сифат кўрсаткичини аниқлаш малака, касб, ихтисос, маҳорат маъноларини англатади. Батафсилик каранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Муаллифлар жамоаси. – Т: Адолат, 2010. – Б. 244.

² Кругликов Л.Л., Васильевский А.В. Дифференциация ответственности в уголовном праве. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 62.

³ Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности, 2-е изд. Теория и законодательная практика. – М., 2000. – С. 56.

муайян жиноятни жиноят-хукукий норманинг мазмунига ва жиноят содир этилишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ равишда тўғри квалификация қилиш талаб этилади. Шу нутқай назардан қилмишни тўғри квалификация қилиш қийноққа доир жиноят ишлари бўйича одил судловнинг қонунга мос амалга оширилишининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Қилмиш тўғри квалификация қилинган тақдирдагина, жиноят иши бўйича суд чиқарган ҳукм содир этилган жиноятга ва маҳкумнинг шахсига давлат номидан берилган баҳони ифодаловчи ҳукм қонуний бўлиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКК 235-моддасининг 2-қисми ушбу жиноятнинг квалификация қилинган турларини содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутади.

Квалификация қилиш белгилари сифатида қўйидаги-лар намоён бўлади:

- а) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳди迪 билан;
- б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) такроран;
- д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилганда.

Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик¹ ишлатиш деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ

¹ Жиноят ҳукуқида жисмоний зўрлик дейилганида, тана тўқималарининг анатомик яхлитлигига пурур етказиш ёки пурур етказмаган ҳолда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлигига тажовуз қилиш, шунингдек унинг эркинлигини чеклаш ёки уни эркинлигидан маҳрум этиш тушунилади. Жисмоний зўрлик ҳар қандай ташки мухит омилларининг инсон организмига таъсир этиши орқали амалга оширилади. Жабрланувчининг ўлими, соғлигига зиён етказиш ёки эркинлигининг ўзига зиён етказишга қаршилик кўрсатиш ёхуд бунга ўйл кўймаслик имкониятидан маҳрум киладиган даражада эркинлигини чеклаш жисмоний зўрлик натижаси бўлиши мумкин. Бундай зўрлик айбдорнинг мускули кучидан, куроллардан, бошка нарсалардан, хайвонлардан (итлар ва бозқа воситалардан) фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Зўрлик тушунчасига 1 бобда таъриф берилган.

бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳ.к.) тушунилади.

Соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлигининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш ўрилмасига уриш ва б.) тушунилади¹.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрликни қўллаш ёки шундай зўрликни қўллаш таҳди迪 деганда, боғлаш, уришдўпослаш, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлса-да, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай жисмоний куч ишлатиш ёки руҳий зўрлик ишлатиш тушунилади.

ЖК 235-моддаси 1-қисмида қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш ҳақида сўз юритилади. Яъни, бу ўринда баданга етказилган шикаст тури ҳақида баён этилмаган. Жабрланувчига мазкур жиноят натижасида енгил шикаст етказилган ҳолатда қилмиш жиноятлар жами бўйича квалификация қилинмайди. Бунда, ЖК 235-моддаси 1-қисми билан квалификация қилишнинг ўзи етарли хисобланади².

Шунингдек, мазкур жиноят натижасида баданга оғир шикаст етказилганда қилмиш ЖК 235-моддаси 3-қисми

¹ ЎзР. Олий судининг 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли 2002 йил 14 июндаги 10-сонли карорига асосан киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар билан) “Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум карори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум карорлари тўплами (1996-2006) Т.: “Адолат” 2006. 1-жилд. Б.222.

² F.A. Абдумажидов, X.A. Каримов. Қийнокка оид жиноят ишлари бўйича суд тиббий экспертизининг хуносаси//XXI аср криминалистика: эришилган ютуқлар ва келажак истиқболлари (илмий-амалий конференция материаллари тўплами)- Т.: ТДЮИ, нашириёти, 2012. Б.54-59.; X.A.Каримов Қийнокнинг жиноят-хукукий ва криминологик жиҳатлари. Монография/ масъул мухаррир: ю.ф.д. Б.Х.Пўлатов. Т.: “SHARQ” 2011. Б. 108.

билин, баданга ўртача оғир шикаст етказилгани эса, ЖК 105-моддаси ҳамда ЖК 235-моддаси тегишли қисми билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилинади.

Масалан, фуқаро Ш., Р., И. ва Бухоро шаҳар ИИБ уюшган жиноятчиликка қарши курашиб бўлими тезкор вакили К. бир гурӯх бўлиб, 06.01.2008 йилда Бухоро шаҳар автобекати рўпарасидаги “Бухоро-Қашқадарё” йўналиши бўйича қатновчи автомашиналар турар жойида фуқаро Х.ни уриб, унга тан жароҳати етказадилар.

Мазкур ҳолат юзасидан Бухоро шаҳар ИИБ тергов бўлими томонидан ЖК 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан жиноят иши қўзғатилган. Дастребаки тергов натижасига кўра, 27.05.2008 йилда Бухоро шаҳар ИИБ УЖҚҚБ тезкор вакили К.га нисбатан ЖК 206-моддаси 2-қисми “в” банди, 105-моддаси 2-қисми “г” банди ва 235-моддаси 2-қисми “а” банди билан айб эълон қилиниб, жиноят иши 29.05.2008 йилда айблов хulosаси билан судга юборилган. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг хукми билан К.га З йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.¹

Ўзбекистон Республикаси ЖК 235-моддаси 3-қисмидаги эса ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмидаги назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Қийноққа солиш натижасида баданга ўртача шикаст етказилган ҳолларда эса, қилмишни қандай квалификация қилиш лозимлиги мунозаралидир. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддаси 2-қисмидаги баданга ўртача оғир шикаст етказилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида алоҳида қўсатилиши лозим.

¹ О.Набиев. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик. “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик”. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮЙ, 2009, 178-179-б.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 235-моддаси 2-қисми “а” бандини **“баданга ўртача оғир шикаст етказиш”** учун жавобгарликни оғирлаштирувчи холат сифатида алоҳида норма қилиб киритишни таклиф қиласиз.

Зўрлик қўллаш таҳдида қўйидаги аломатларга эга бўлиши керак: биринчидан, унда ўз мазмунига кўра одамнинг хаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган жисмоний зўрлик ишлатилган бўлиши; иккинчидан, таҳдид жабрланувчига кўрсатадиган таъсир кучи нуқтаи назаридан аҳамиятига кўра жисмоний зўрликка тенг, яъни реал бўлиши, ўзида дарҳол жисмоний зўрлик ишлатишнинг ҳақиқий хавфини ифода этиши керак; учинчидан, таҳдид аниқ бўлиши, яъни келгусида эмас, балки, хужум қилиш пайтида хавф солиши; тўртингидан, жабрланувчидан реал хавф тўғрисида тасаввур ҳосил қиласиган даражада аниқ қатъий баён этилган бўлиши керак.

В.В. Ераксин таъбири билан айтганда, таҳдиднинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги масаланинг моҳияти шундаки, энг аввало, ушбу таҳдиднинг жабрланувчи томонидан субъектив қабул қилиниши жиҳатидан ҳал этилиши керак, яъни жабрланувчининг нуқтаи назаридан жадал суръатда ижро этилиши мумкин бўлган таҳдид ҳақиқий таҳдид, деб эътироф этилиши керак. Бунда айбор жабрланувчи таҳдидни реал таҳдид сифатида қабул қилаётганлигини англаши зарур¹.

Юқоридагилардан шундай хуносага келиш мумкинки, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик қўллаш ёки шундай зўрлик қўллаш таҳдида деганда, боғлаш, уриш – дўпослаш, жабрланувчининг соғлиғига енгил шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказилмаган бўлса-да, бироқ қўлланган пайтда бундай

¹ Ераксин В.В. Ответственность за грабеж. –М.: “Юридическая литература”, 1972. С.51-52.

зиён етказишига реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай жисмоний куч ишлатиш ёки руҳий зўрлик ишлатиш тушунилади.

2011 йилнинг 29 сентябрида “**Жиноят ишини юритиши чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида “Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қўра камситишига йўл қўйилмайди”, деб белгиланган.

Миллий¹, ирқий², диний³ ёки ижтимоий⁴ камситиши замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича, яъни бошқа миллатга, ирққа мансуб шахсга, унинг турмуш тарзига, маданиятига, урф-одатларига, оила тутумига нисбатан ғайрлик ёки нафрат туйғулари билан ёхуд миллатлараро, ирқлараро адоват ёки нифоқ солиш бўйича содир этилган қилмиш жинояти Жиноят кодекси 235-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилиниши керак.

ЖК 235-моддаси 2-қисми “в” бандида бир гурух шахслар томонидан содир этиш белгисига қўра квалификация

¹ **Изоҳ:** миллат-(арабча-халқ; дин; мазҳаб) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истикомат килиши, муштарак иктиносидий ҳаёт кечириши, умумий маданиятига руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган баркарор бирлиги. Миллий (арабча-халқона, миллатга тегишли; диний) бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятларини ифодаловчи // Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008., Б.593.

² **Изоҳ:** ирқ (арабча- кон томирлари; илдиз; зот; насл) кишиларнинг кўз, соч ва тери ранги, юз- бош тузилиши ва б. наслий белгилари бир хил бўлган, тарихан шаклланган ҳар бир гурух. Ирқий – (арабча – ирққа оид, тегишли) ирққа хос; иркка оид ирқий белгилар.// Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008., Б.227-228.

³ **Изоҳ:** дин (арабча-эътиқод, ишонч) илоҳий кучга, худога ишонишга асосланган дунёкараш, тасаввур урф-одат ва маросимлар мажмуи. Диний – динга оид, динга алоқадор бўлган, динга, рухониятга тегишли.// Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008., Б.621-623.

⁴ **Изоҳ:** этник (юнонча – ethnikos – қабилага, халққа алоқадор) келиб чиқиши жихатидан бирор халққа оид, мансуб, хос бўлган.// Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008., Б.61.

қилишда судлар шуни инобатга олишлари зарурки, бир гурух шахслар томонидан жиноят содир этишни муайян ишга алоқадорлигидан қатъи назар, хукуқни муҳофаза қилиш органининг камида икки нафар ходими жиноятнинг бажарувчиси бўлиши керак.

ЖК 235-моддасининг 2-қисми “г” бандида жавобгарликни оғирлаштирувчи холат сифатида қилмишнинг такроран содир этилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси 1-қисмига биноан, ушбу кодекс Maxsus қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади, жиноята суиқасд қилиш ҳам, шунингдек, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси, 3-қисмида «Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган давомли жиноят такроран содир этилган деб топилмайди», дейилади. Ушбу модданинг 4-қисмида эса, «Вазифаларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини

¹ **Изоҳ:** Касдан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасдан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судлангандик белгиланган тартибида туталланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-харакат учун конунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖК 65, 66, 66¹, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жиноята учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи холат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. // Ўз Рес Олий судининг Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 7-сонли қарорига асосан киритилган ўзgartириш ва қўшимчалар билан) Қарори.

ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят тақроран содир этилган деб топилмайди», – дейилади.

ЖК 235-моддаси “д” бандида оғирлаштирувчи белги сифатида “вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан” қийноққа солиш назарда тутилган.

Маълумки, вояга етмаган¹ шахсга нисбатан содир қилинган (ЎзР ЖК 235-моддаси иккинчи қисмининг “д” банди) қийноққа солишнинг квалификацияйй белгиларини вояга етмаган жабрланувчи томонидан қийноққа солиш жиноятини содир қилаётган айбдорга нисбатан қаршилик кўрсатишнинг қийинлиги ёки имконизлиги фактида намоён бўладиган ижтимоий хавфлилик даражаси юкори бўлади.

Айбдор жабрланувчининг вояга етмаганлигини билганлигини тасдиқловчи аниқ факт бўлмаган тақдирда, ташқи белгилар, масалан, жабрланувчининг ташқи кўриниши айбдорнинг жабрланувчи вояга етмаганлигини билганлигидан гувоҳлик бериши мумкин.

Ю.Е. Пудовочкин айбдорнинг жабрланувчининг ёшига нисбатан “виждонли адашиши” содир қилинган қийнаш-

¹ **Изоҳ:** Вояга етмаган (лат. *impubes, pupillus; инг. minor*) - Ўзбекистон Республикаси хукуқида 18 ёшга тўлмаган шахс.// Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 87.; Юридик энциклопедия / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 77. Ушбу тушунча хукуқнинг турли соҳаларида 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан кўлланилади. Фуқаролик хукуки ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларни ажратади. Улар тўла мумомала лаёкатига эта эмас. Эмансипация қилинган 16 ёшга тўлган вояга етмаган тўла мумомалага лаёкатли хисобланади. ЎзР Мехнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ, ишга қабул килишга ўн олти ёшдан йўл кўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасининг ёки улар ўринини босувчи шахсларнинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. ЎзР ЖКнинг 17-моддасига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Бизнинг фикримизча, конунчилигимиздаги бундай “вояга етмаган” тушунчасидаги номутаносиблик мақсадга мувофиқ эмас. Жиноят конунининг аниқ шархланишини таъминлаш жоиз, яъни унга кўра биз томонимиздан ўрганилаётган жиноятига нисбатан вояга етмаган деганда туғилганидан эътиборан муайян ёшга тўлмаган шахс, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс кўзда тутилиши лозим.

нинг ушбу квалификация белгисини, яъни вояга етмаган шахсга нисбатан содир қилинган қийноқни истисно қилишини таъкидлайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисм «а» банди ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан қилинган тажовузни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатган, шу билан бирга, ЖКнинг 235-моддаси 2-қисми, «д» бандида ҳам бундай ҳолатни ало-хида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатган.

Чунки айбдорнинг ижтимоий хавфли тажовузи натижасида наинки аёлнинг соғлифи, балки яшаш хукуқига эга бўлган ҳомиланинг ҳаёти ёки соғлифи ҳам хавф остига солинади. ЖКнинг 235-моддаси 2-қисми «д» банди билан жавобгарликка тортишнинг зарурӣ белгиси этиб, жабрланувчининг ҳомиладор эканлигини айбдор ижтимоий хавфли тажовузи содир этгунга қадар билган бўлиши керак.

Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасдан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида қилмишни ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёл баданига қасдан етказилган оғир шикаст сифатида квалификация қилиш учун (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди) аёлни ҳомиладор эканлиги унинг баданига шикаст етказилгунга қадар айбдорга маълум бўлганлиги² қайд этилганлигидан келиб чиқиб, мазкур талабни ЖК 235-моддасига ҳам татбиқ этса бўлади.

¹ Пудовочкин Ю.Е. Уголовно-правовая борьба с вовлечением несовершеннолетних в совершение антиобщественных действий: проблемы квалификации и профилактики. – Ставрополь, 2000. – С. 14-15.

² **Изоҳ:** Аёлнинг ҳомиладорлиги айбдорга ҳар хил ўйллар билан маълум бўлиши мумкин, яъни ташки киёфасидан, олдиндан таниш бўлганлигидан, жабрланувчининг ўзидан ва бошқа шу каби ҳолатлар. Жабрланувчининг ўзи ёлғондан тажовузчига мен ҳомиладорман, деган бўлса, аммо тажовузчи бунинг ёлғонлигини билмаган ҳолда жабрланувчини қийноққа солгаган бўлса, тажовузчининг бундай характеристини қандай квалификация қилиши тўғрисида Олий суд Пленум қарорида тушунириш берилмаган. Бу эса, амалиётда жиноятни турлича квалификация қилишга олиб келади. // П.Бакунов Қасдан баданга оғир шикаст етказиш жинояти. Ўқув кўлланма. –Т.: ТДҶИ нашриёти, 2009. –Б. 22-23.; А.Кодиров. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар Т.:Адолат, 1998.-Б.39-44.

Қилмишни ЖК 235-моддасининг иккинчи қисми “д” банди билан квалификация қилиш учун ҳомиланинг тушган, тушмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Бизнинг назаримизда ҳомиланинг тушиши 235-модданинг учинчи қисми билан квалификация қилиниши керак.

Агар айбдор жабрланувчига тажовуз этгунга қадар ҳомиладор эканлигини билмаса, билиши ҳам мумкин бўлмаса ҳамда тахмин этмаган бўлса, бундай ҳолат оқибатга караб квалификация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасининг 1-қисми “а” бандида ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан жиноят содир қилиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган бўлсада, бундай ҳолат ЖКнинг Махсус қисми нормасида қилмишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, суд бундай жиноят учун жазо тайинлашда ЖКнинг 56-моддаси қоидаларига мурожаат қилмай, Махсус қисм нормасининг санкцияси доирасида жазо тайинланаверади. Чунки, қонун чиқарувчи орган мазкур нормани ишлаб чиқишида ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда санкция қисмини белгилаб қўйган ва алоҳида хуқуқий нормада жавобгарликни белгилаб, мазкур жиноятнинг мураккаб тури сифатида кўрсатган.

Жиноят кодекси 235-моддаси учинчи қимига мувофиқ, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар натижасида баданга оғир шикаст етказилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши мазкур жиноятнинг алоҳида оғирлаштирувчи белгилари сифатида назарда тутилади.

“Баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташки таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозим”¹. П.Бакуновнинг фикрича,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасдан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июняндаги 6-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2007 йил, З-сон. – Б. З.

“Баданга шикаст етказиш деб – инсон танасининг бирон-бир аъзосига муайян даражада тан жарохати етказишни тушунмоқ лозим. Яъни, етказилган тан жарохати натижасида шахснинг соғлиғи йўқолиши ёки аъзоларининг йўқолиши ёхуд аъзолари сақланиб қолса-да, уларнинг ўз фаолиятини йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлигининг бузилишига ёхуд меҳнат қобилияти-нинг маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушишини тушуниш керак”¹.

Жиноят хуқуқи ва суд тибиёти фанлари томонидан баданга етказиладиган шикастнинг оғирлик даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Улар жумласига:

- 1) шикастнинг ҳаёт учун хавфлилиги;
- 2) соғлиққа етказиладиган ҳақиқий зиён;
- 3) меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси;
- 4) эстетик мезонлар киради².

Жабрланувчининг ҳаёти учун хавфли бўлган шикаст етказиш деганда жабрланувчига шикаст етказиш пайтида унинг ҳаётининг реал хавф остида қолиши тушунилади. Жабрланувчининг касалхонада даволаниб тузалиб кетиши ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиш деб ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Етказилган шикастни ҳаёт учун хавфли эканлигини аниқлашда суд-тиббий экспертизаси хulosаси жуда катта аҳамиятга эга. Жиноят ишини суд мажлисида кўришда ҳам экспертиза хulosалари мухим аҳамиятга эга ҳисобланади.

«Баданга шикаст етказиш даражасини суд-тиббий экспертизаси орқали аниқлаш Қоидалари»нинг 8–10-моддадарида кўриш, сўзлаш, эшлиш қобилиятини йўқотиш,

¹ Бакунов П. Касдан баданга оғир шикаст етказиш жинояти. Ўқув қўлланма / Масъул мухаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 7.

² Батафсилроқ қаранг: Тан жарохатларининг оғирлиги даражаси. Суд-тиббий аниқлаш қоидалари. / Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 октябрь 1992 йил № 551 сонли буйрунига 12-сонли илова (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфзизлик хизмати билан келишилган).

тилни йўқотиш, қўл, оёқни йўқотиш, фарзанд кўриш қобилиятини йўқотиш баданга оғир даражада шикаст етказиш, деб қаралиши кераклиги кўрсатиб қўйилган¹.

-
- 1. Кўриш қобилиятини йўқотиш** Кўзнинг биттасини йўқотиш меҳнат қобилиятиниг учдан бир қисмидан кўпроғини, яъни 35%нинг йўқотилишига сабаб бўлади ва баданга оғир даражада шикаст етказиш деб қаралади; **кўриш қобилиятиниг йўқотиш** – иккала кўзнинг батамом кўрмай қолиши ёки кўриш қобилиятиниг 2 метр ва ундан кам масофада бармоқ санаарли даражада пасайган (кўриш ўткирлиги 0.04% ва паст)
 - 2. Эшитиш қобилиятини йўқотиш** деганда даволаб бўлмайдиган даражада тамоман эшитиш қобилиятини йўқотиш ёки жабрланувчининг кулок супрасидан 3–5 см. масофадаги каттиқ овозни хам эшита олмаслиги тушунилади. Бир кулокдан эшитиш қобилиятини йўқотган жабрланувчи меҳнат қобилиятини учдан бир қисмидан камроғини, яъни 15 фоизини йўқотади ва етказилган жароҳатни ўртача оғир шикаст етказишга киритилади;
 - 3. Сўзлаш қобилиятини йўқотиш** деганда ўз фикрини атрофдагиларга тушунарли даражада ифода этиш қобилиятини йўқотиш тушунилади.
 - 4. Аъзонинг ишдан чиқиши.** Бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши деганда қўл ёки оёқни киши танасидан ажратиб ташлаш ёки уларнинг функцияси тамоман йўқотилиши тушунилади.
 - 5. Фарзанд кўриш қобилиятини йўқотиш.** Фарзанд кўриш қобилиятини йўқотиш хам баданга оғир шикаст етказиш хисобланади. Бундай функцияниг йўқотилиши оқибатида жабрланувчи жинсий алоқа қилиш ёки ҳомиладор бўлиш хамда бола тувиш қобилиятини йўқотиб кўяди. Ташки жинсий органларга ёки уларнинг ички органларига шикаст етказилиши оқибатида жабрланувчи фарзанд кўриш қобилиятини бутунлай йўқотиши мумкин.
 - 6. Ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган шикаст етказиш.** Баданга шикаст етказишнинг бир тури бўлиб, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган холат тушунилади.
 - 7. Жабрланувчи баданинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши.** Баданга оғир шикаст етказишнинг яна бир тури жабрланувчи баданинг тузалмайдиган даражада хунуклашишидир. Жабрланувчи баданинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши деганда юз кўрининининг бадбашара бўлиб қолиши ва баданда тузалмайдиган доғларнинг хамда чандикларнинг қолиши тушунилади.
 - 8. Руҳий касалга чалиниш.** Баданга шикаст етказилиши оқибатида жабрланувчани руҳий касалликка чалиниб қолганлигини аниқлаш суд психиатрик экспертизасининг вазифаларига киради. Лекин амалдаги қонунларда ва қоидаларда қандай руҳий касалликлар баданга оғир шикаст етказиш жиноятини ташкил этиши кўрсатиб берилмаган.
 - 9. Жабрланувчи соғлигининг бузилиши.** Умумий меҳнат қобилиятиниг 33 % дан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига сабаб бўлса, баданга оғир шикаст етказиш деб кўрсатилган. // Батафсилоқ қаранг: Тан жароҳатларининг оғирлиги даражаси. Суд-тибий аниқлаш қоидалари. / Ўзбекистон Республикаси Соғлики саклаш вазирлигининг 21 октябрь 1992 йил № 551 сонли буйргугига 12 сонли илова (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган).

Юкоридагиларга кўра, қийноқ натижасида баданга оғир шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозим. Баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган қийноқ учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 235-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ва қилмишни Жиноят кодексининг соғлиққа қарши жиноятлар тўғрисидаги моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни такозо этмайди.

Инсонга нисбатан содир этилган зўрлик унга оғир жисмоний жароҳат ва руҳий изтироб етказади, кўпинча тузатиб бўлмас оғир оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноятнинг оғир оқибатлари тушунчаси уч жиҳатдан кўрилади:

- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида (Жиноят кодекси 56-моддасининг 1-қисми «з» банди);
- жиноят таркибининг зарурий элементи сифатида (Жиноят кодекси 235-моддасининг 3-қисми);

Қийноқ таркибида бўлганидек, оғир оқибатлар жиноятни квалификацияловчи белги деб тан олинади.

Амалдаги қонунчиликда қийноқ оғир оқибатларининг батафсил рўйхати назарда тутилмаган бўлиб, у ёки бу оқибатни оғир деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш суд ихтиёрига берилган.

Шунга кўра, аввало, жабрланувчининг организмида рўй берган қандай ўзгаришлар зўрлик оқибатлари деб ҳисобланишини ҳамда «оқибатлар» деганда қонунчиликда нима назарда тутилишини аниқлаб олиш зарур.

Таъкидлаш зарурки, «оғир оқибат» турлича тушунилиши мумкин бўлган квалификацияловчи категориядир. Бу эса, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жиддий қиёйнчилик туғдиради. В.Н. Кудрявцев: «...баҳоловчи муло-

ҳазалар реал воқелиқдан узилиб қолишинг жиддий хавфини туғдиради, чунки ундағи умумий асосни бу мұлохазаны құлловчи шахснинг ўзи шакллантиради»¹, деб таъқидлайди.

Хозирга қадар қонунда «оғир оқибат» тушунчаси шакллантирилмаган. Факат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида айрим жиноятларға нисбатан шундай оқибатларнинг намунашын рўйхати келтирилган.

Бу борада бир гурух олимлар шахсга қарши жиноятларда бошқа оғир оқибатлар деганда, жиноят натижасида жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, баданга оғир шикаст етказилиши, жабрланувчининг ногирон бўлиб қолиши, шунингдек, агар гап ҳомиладор аёл ҳақида кетаётган бўлса, ҳомиланинг тушиши, бола тувиш қобилиятини ўқотиши, руҳий касалга чалиниши, унга ОИТС (Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллиги ёки оғир таносил касалгининг юқтирилиши ва бошқа баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш белгиларини тавсифловчи оқибатлар келиб чиқиши тушунилади, деб таъқидлайдилар². Бунда, субъект харакатлари билан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги оғир оқибатларни унга айб сифатида қўйиш учун асос бўлади³.

М.Х. Рустамбоев эса, оғир оқибатлар деганда, сўроқ қилинувчининг ўзини ўзи ўлдириши ёки бошқача кўринишдаги ноқонуний сўроқ қилиш методларига норозилигини тушуниш лозим, деб ҳисоблайди⁴.

Мазкур масала юзасидан Р. Кобулов ҳамда А. Отажоновлар фикр билдириб, Жиноят кодекси 235-моддаси

¹ Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификации преступлений. – М.: 1972. – С. 139.

² А.А. Отажонов. Шахсга қарши жиноятлар. Ўқув қўлланма Т.: 2012.-Б.99.

³ А.А. Отажонов. Шахсга қарши жиноятлар. Ўқув қўлланма Т.: 2012.-Б.99.

⁴ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуки курси. VI том. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар.

Хокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибиға қарши жиноятлар. Дарслик. Т.: “ILM ZIYO” 2011. Б 377.

учинчи қисмiga мувофик, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар натижасида баданга оғир шикаст етказилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши мазкур жиноятнинг алоҳида оғирлаштирувчи белгилари сифатида назарда тутилади, чунончи, эҳтиётсизлик натижасида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган жиноий оқибатга бошқа оғир оқибатлар сифатида қаралмоғи лозим, деб хисоблайдилар.

Р. Кобулов ҳамда А. Отажоновнинг фикрига эътибор қаратадиган бўлсак, улар оғир оқибат ўлимни ҳам қамраб олади, деган фикрга келган. Худди шундай фикрни Ф. Тоҳиров суд амалиёти ва юридик адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида, “ўлим жинсий зўрликнинг оғир оқибати сифатида баҳоланиши лозим¹” деб қайд этади.

Мазкур жиноят таркибининг *субъектив томони* мураккаб тузилиш хусусиятига эга бўлиб, айбнинг икки шаклини назарда тутади. Шу сабабдан, мазкур жиноятнинг субъектив томонини белгилашда субъектнинг қасд ва жабрланувчининг ўлими ҳамда бошқа оғир оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик шаклидаги муносабатни аниқлаш керак.

Маълумки, шахснинг қасдан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасдан содир этилган деб топилади ва биз бундай жиноятни мураккаб айбли жиноят деб атаемиз. ЖКК 235-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахснинг қасди айнан маҳсус мақсадга қаратилган бўлади. Бунинг натижасида келиб чиқсан одам ўлими кўринишидаги оқибатга нисбатан унда қасд мавжуд

¹ Ф. Тоҳиров. Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс., Т., 2006, Б. 136.

бўлмайди. Боз устига ЖК 235-моддасидаги жиноятнинг бевосита объекти муносабатлар хисобланади. Шундай экан, агар айбдорнинг қасди бевосита жабрланувчининг хаётига қаратилган бўлса, бундай ҳолатда ЖКнинг шахснинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш билан боғлик нормалари ишга тушади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай қилмиш иш ҳолатларига асосланиб, тегишинча ЖК 97-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

Жиноят кодексининг 235-моддаси жабрланувчининг ўлимини қамраб олмаганлиги сабабли амалиётда жабрланувчининг ўлими рўй берганида қилмиш ЖКнинг 235-моддасининг тегишли қисми ҳамда ЖК 104-моддаси З-қисмнинг тегишли банди билан жиноятлар жами сифатида ёки ЖК 97-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 235-моддасининг З-қисми “...оғир оқбатларга” деган сўзлардан кейин “жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса”, – деган сўзларни киритишни лозим деб хисоблаймиз. Чунки, Жиноят кодексининг 235-моддасида мақсад жабрланувчидан бирон-бир ахборот, жиноят содир этганилигига икрорлик кўрсатуви олиш, уларни уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирон-бир ҳаракатни содир этишга мажбуrlаш мақсадида қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатилади.

3.2. Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жа-вобгарлик

Хуқуқий таққослаш анализи ЖКнинг 235-моддасида мустаҳкамланган нормаларнинг ўзига хослигини объектив ўрганиш, унинг ижобий ва салбий тарафларини, жавобгарлик белгиловчи жиноят қонунчилигини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш имконини беради. Шундай экан, қийноқни ЖКдаги жиноят сифатида тадқиқ қилишда хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда дунёнинг кўпчилик давлатларида бу тусдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Хусусан, Австралия (1988), Озарбайжон (1999), Жазоир (2004), Англия (1988), Греция (1984), Испания (1978), Қозоғистон (2002), Камерун (1997), Қирғизистон (2003), Люксембург (2000), Македония (1996), Мальта (1990), Тунис (1999), Украина (2001), Ўзбекистон (1995) Франция (1992), Черногория (2003), Чили (1998), шунингдек, Лотин Америкасининг аксарият мамлакатлари жиноят қонунларида қийноқ жиноят сифатида қайд этилган¹.

Қийноқ расмий равишда амал қилган мамлакатлардан сўнгиси Исроил бўлиб, ушбу давлат Олий суднинг 1997 йил 26 сентябрдаги маҳсус қарори билан терроризмда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан қийноқни қўллашга рухсат берилган ва бу бундай шахслардан ўзгача йўсинда кўрсатув олишнинг ҳамда шу орқали

¹ Додонов В.Н., Малиновский А.А. Основные тенденции развития зарубежного уголовного права // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения, 2006, № 1.

тайёрланаётган террористик харакатларнинг олдини олишнинг мураккаб ва мушкуллиги билан изоҳланган. Бироқ, дунё ҳамжамиятининг кескин салбий муносабати билан Олий суд 1999 йил сентябрда ўзининг янги қарори билан қийноқни қўллашни тақиқлади.

Биз ўрганаётган соҳага оид хорижий мамлакатлар жиноят қонунини ўрганишда тарихий сабабларга кўра бизнинг мамлакат қонунчилигига яқин бўлган МДҲ давлатларининг қонунчилигини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни эътироф этиш керакки, қийноқ учун жиноий жавобгарлик МДҲ катнашчилари бўлган мамлакатлар, Украина, Озарбайжон, Ўзбекистон, Молдава, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, жиноят қонунчилигига мустаҳкамланган. Россия ва Беларусда алоҳида жиноят сифатида белгиланган нормалар мавжуд эмас. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексида қийноқка солиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат (63-модда; Қийнаш (117-модда; жиноят содир этиши усули кўрсатув беришга мажбур этиши (302-модда); ҳаёт ва соглиққа қарши жиноятларда ўта шафқатсизликнинг тавсифи сифатида қаралади. Россия Федерацияси жиноят кодексининг соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар бобининг 117-моддаси “қийнаш” деб номланиб, Россия Жиноят кодексида қийноқ учун алоҳида жиноят таркиби йўқлиги учун эслатма тариқасида ушбу моддада “**қийноқ**”ка таъриф берилган. Унга асосан қийноқни содир этадиган субъект доираси чегараланмаган. Табиийки, ушбу қилмишни ҳар томонлама жиноят деб топиш ҳақида фикр юритиб бўмайди, боиси, амалдаги қонунчиликка асосан қийноқка солиш фақатгина бошқа жиноятларни содир этиш усули сифатида эътироф этилади. А.В. Бабушкин таъкидлаганидек, 2002 йилнинг бошида Давлат Думаси депутати Ю. Рыбаков РФ ЖКГа қийноқка солганлик учун мустақил жавобгарликни на-

зарда тутувчи махсус моддани киритиш таклифини киритган. Аммо Давлат Думаси мазкур қўшимча жиноят қонунчилигининг тўлиқлиги ва тузилишини бузишини асослаб уни рад этган¹. Шундай бўлсада РФ томонидан қийноққа солишининг хуқуқий баҳоланиши қийноққа со- лишининг тақиқланиши шахс муҳофазасини назарда тутувчи умумий жиноят-хуқуқий норма (РФ ЖК 117-моддаси) билан ўрнатилганлигига ифодаланган.

Худди шундай, Беларусь Республикаси Жиноят кодексида қийноққа согланлик учун жавобгарлик тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни белгиловчи модда бўйича вужудга келиши белгиланган бўлиб, қийноққа согланлик учун алоҳида модда бўйича жавобгарлик белгиланмаган.

Украина Жиноят кодекси 127-моддаси² “Қийнок” деб номланиб, мазкур моддада қийноққа согланлик учун жиноят жавобгарлик белгиланган. Украина ЖКнинг “Кўрсатув беришга машбур этиш” деб номланган 371-моддаси нисбатан жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилган ҳолларда ёки зўрлик ишлатиб амалга оширилган ҳаракатлар қийноққа солиш деб эътироф этилмаган ҳолларда қўлланилади. Украина Жиноят кодекси 127-моддасининг 2001 йилги дастлабки таҳрири факатгина икки қисмдан иборат бўлиб, мазкур жиноят субъекти умумий бўлган. 2005 йили эса, 127-модда икки қисм билан тўлдирилган бўлиб, модданинг З-қисмида жиноятнинг махсус субъект – хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан содир этилиши, 4-қисмида эса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида одамнинг вафот этиши белгиланган. Шунингдек, Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2005 йил 12 январда Украина ЖКнинг 127-мод-

¹ Бабушкин А.В. Карманная книжка жертвы пыток. З изд. М., 2002. С. 10-11.

² Уголовный кодекс Украины, (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20 октября 2013 года) .- Х.: Одессей, 2013. -256с. С.65.

даси 3-қисмiga хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қийноққа солғанлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартыриш киритилган бўлиб, мазкур жиноят учун 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Қийноққа солғанлик учун жиноий жавобгарликни либераллаштириш мақсадида 2008 йил 15 апрелда ЖКнинг 127-моддаси 3 ва 4-қисмлари чиқариб ташланган. Иккинчи қисмiga эса, ўзгартыриш киритилиб, хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қийноққа солғанлик учун жиноий жавобгарлик ва бунинг учун 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Ўз навбатида, мансаб ваколатини ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш (Украина ЖК 365-моддаси 2-қисми) ва кўрсатма беришга мажбуrlаш (Украина ЖК 373-моддаси 2-қисми) жиноятларига “қийноққа солиш белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда” қоидаси киритилган¹.

Украинанинг 2009 йил 5 ноябрдаги Конуни билан эса, Украина ЖК 127-моддаси 2-қисмiga ирқий, миллий ёки диний кўролмасликдан қийноққа солғанлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Демак, Украина ЖК 127-моддасида жиноят субъекти ҳар қандай мансабдор шахс эканлиги назарда тутилган.

Озарбайжон Республикаси ЖК 133-моддасида 3-қисмга кўра, модданинг 1, 2-қисмларида кўрсатилган қийнаш жинояти мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ман-

¹ Михайленко Д.Г. (к.ю.н., доцент кафедри кримінального права Національного університету «Одеська юридична академія») Кримінально-правова характеристика катування // Часопис Академії Адвокатури України – 13 (4'2011). Б.1-8; Катеринчук К.В. Кримінально-правові та кримінологічні заходи запобігання катуванню : автореф. дис... канд. юрид. наук : 12.00.08 / К.В. Катеринчук; Держ. НДЦ М-ва внутр. справ України. – К., 2010. – 18 с.; Кримінальне право України. Особлива частина: підручник / М.І. Бажанов, Ю. В. Баулін, В.І. Борисов та ін.; за ред. проф. М.І. Бажанова, В. В. Стасиса, В. Я. Тация. – 2-е вид., перероб. і допов. – К.: Юрінком інтер, 2013. – 480 с.; Кримінальне право України. Особлива частина: підручник / Ю.В. Александров, В.І. Антипов, М. В. Володько та ін.; за ред. М. І. Мельника, В.А. Клименка. – Вид. З-те, переробл. Тадопов. – К. : Юридична думка, 2013. – 352 с.

сабини суиистеъмол қилган ҳолда содир этилиши учун жавобгарлик белгиланган¹.

Шунингдек, Озарбайжон ЖК 111-моддасида (Ирқий камситиш (апартеид) ҳамда қийнокқа солиш тақиқланган бўлиб, унга кўра: Бир ирқий гурухни камситиш учун бошка ирқий гурухнинг устунлигини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар: ирқий гурухнинг аъзоларини ҳаётга ва эркинликка бўлган ҳуқуқини тан олмаслик, яъни ирқий гурухнинг аъзоларини ва гурухларни ўлдириш, уларнинг соғлиғига оғир шикаст ёки ақлий қобилиятларига жиддий зарар етказиш, уларга нисбатан қийнок ёки шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо қўллаш, ноконуний равишда озодликдан маҳрум этиш (Озарбайжон ЖК 111-моддаси) жиноий жавобгарликка асос бўлиши кўрсатилган².

Шунингдек, Озарбайжон Республикаси ЖКда қийнокнинг уюшган гурух, жиноий уюшма томонидан содир этилганлиги учун ҳам жавобгарлик нормалари кўзда тутилган³.

Қозоғистон ЖК “Инсон ва фуқаронинг конституциявий ва бошка ҳуқуқларига қарши жиноятлар” деб номланган З-бобида 141¹-моддаси⁴ “Қийнокқа солиш” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра, Терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс ёки бошка

¹ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики / научное редактирование, предисловие д. ю. н., проф. И. М. Рагимова; перевод с азербайджанского Б.Э. Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 156–157.

² Уголовный кодекс Азербайджанской Республики / научное редактирование, предисловие д. ю. н., проф. И. М. Рагимова; перевод с азербайджанского Б.Э. Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 156–157.

³ K.Salimov Məcburi saxlanılma yerlərində işgəncələrin qarşısının alınması (Предотвращение пыток в местах принудительного содержания)
<http://www.ombudsman.gov.az/view.php?lang=en&menu=105&id=997>

⁴ Изменения ИС «§» в Уголовный кодекс Кодекс дополнен статьей 141¹ в соответствии с Законом РК от 18.01.11 г. № 393-IV; внесены изменения в соответствии с Законом РК от 09.11.11 г. № 490-IV (см. стар. ред.) // Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями дополнениями по состоянию на 28.06.2012 г.)// Источник: ИС Параграф WWW <http://online.zakon.kz>, дата последнего изменения документа: 2012.07.02

мансадбор шахс томонидан ёхуд уларнинг далолатчилиги билан ёки уларнинг сукут тарзидаги розилиги билан бошқа шахс томонидан ёки уларнинг рухсати билан қийноқقا солинаётган шахсдан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки икрорлик олиш ёхуд у содир этган ёки у гумон қилинаётган қилмиш учун жазолаш, шунингдек қўрқитиш ёки уни ёхуд учинчи шахсни ҳар қандай мазмундаги дискриминацияга асосланган ҳар қандай сабаб билан мажбурлаш мақсадида қасдан жисмоний ва (ёки) руҳий азоб бериш, – ойлик хисоб кўрсаткичларининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача маълум лавозимни эгаллаш хукуқидан маҳрум қилиш ёхуд беш йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади, деб белгиланган.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида квалификацияловчи белгилари кўрсатилган бўлиб, буларга:

- а) бир гурух шахслар томонидан ёки бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран;
- в) соғлиқقا ўртacha оғирликдаги шикаст етказган ҳолда;
- г) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга ёки вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилса, – уч йилгача муддатга маълум лавозимни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуфулланиш хукуқидан маҳрум этган ҳолда етти йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади, дейилади.

Козоғистон ЖК 141¹-моддаси учинчи қисмiga кўра, ўша ҳаракатлар соғлиқقا оғир шикаст етказилишига ёки эҳтиётсизликдан жабрланувчининг ўлимига олиб келган бўлса, – уч йилгача муддатга маълум лавозимни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуфулланиш хукуқидан маҳрум этган ҳолда беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади¹, деб белгиланган.

¹ Изоҳ. Қозоғистон ЖКга биноан, мансабдор шахсларнинг қонуний ҳаракатлари натижасида етказилган жисмоний ёки руҳий азоблар қийноқка солиш хисобланмайди. // Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями дополнениями по состоянию на 28.06.2012 г.) // Источник: ИС Параграф WWW <http://online.zakon.kz>, дата последнего изменения документа: 2012.07.02

Қозоғистон ЖК 141¹-моддасида жазони оғирлаштирувчи белгилари, жумладан, “бир гурух шахслар томонидан ёки олдиндан тил бириктириб” берилиши жазони индивидуаллаштирилишига хизмат қиласы. Шунингдек, қийноққа солиш натижасида, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш алохидა күрсатилган. Мазкур модданинг З-қисміда квалификация құлувчы белгиси сифатида қийноққа солиш натижасида соғлиққа оғир шикаст етказилиши ёки әхтиётсизликдан жабрланувчининг ўлимига олиб келган ҳолатда жазони оғирлаштирилиши норманинг яна бир ўзига хослиги хисобланади.

Қирғизистон ЖК “Мансабдорлик жиноятлари” деб номланган 30-боби 305¹-моддасида “Қийноққа солиш” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, мазкур моддага кўра, мансабдор шахс томонидан ёки уларнинг рухсати ёки розилиги билан ҳар қандай бошқа шахс томонидан маълумотлар ёки икрорлик олиш ёхуд у содир этган ёки у гумон қилинаётган қилмиш учун жазолаш, шунингдек қўрқитиш ёки маълум харакатларни содир этишга мажбурлаш мақсадида қайсиdir шахсга қасдан жисмоний ёки руҳий азоб бериш, – бир йилдан уч йилгача муддатга маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Юқоридагидан кўринадики, Қирғизистон ЖКда мазкур жиноят мансабдорлик жинояты сифатида эътироф этилган. Шунингдек, мазкур моддада квалификацияловчи белгилар алохида күрсатилмаган. Бу эса, суд амалиётида мураккабликларга сабаб бўлади.

Молдова ЖК “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланувчи 14-бобининг 309¹-моддасида “Қийноққа солиш” учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган¹. Унга кўра,

¹ Уголовный кодекс Республики Молдова // Источник: ИС Параграф <http://online.zakon.kz>, дата последнего изменения документа: 2012.07.02

(1) мансабдор шахс ёки расмий тарздаги бошқа шахс томонидан ёхуд уларнинг далолатчилиги ёки рухсати ёки сукут тарзидаги розилиги билан шахсдан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки иқорорлик олиш ёхуд у содир этган ёки у гумон қилинаётган қилмиш учун жазолаш, қўрқитиш ёки уни ёки учинчи шахсни маълум хараткларни содир этишга мажбурлаш ёки ҳар қандай мазмундаги дискриминацияга асосланган ҳар қандай бошқа сабаб мақсадда қайсиdir шахсга қасдан кучли оғриқ етказиш ёки жисмоний ёки руҳий азоб бериш, бундан оғриқ ва азоблар қонуний санкциялар натижасида етказилган бўлса, бундай санкциялардан ажралмас бўлса ёки уларнинг оқибатида эҳтиётсизликдан келиб чиқсан холлар мустасно, – икки йилдан беш йилгача муддатга маълум лавозимни эгаллаш ёки беш йилгача маълум фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум этиш билан жазоланади.

Макур модданинг 2 қисмida қийноққа солишини ташкил этиш ёки бундай харакатларни содир этишга далолатчилик қилиш, – беш йилгача муддатга маълум лавозимни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум этган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади, деб кўрсатилган.

Молдава ЖК 309¹-моддасининг учинчи қисмига кўра:
1 ва 2-қисмларида кўрсатилган харакатлар:

- а) вояга етмаганлиги ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёки кексайган ёши, касаллиги, жисмоний ёки руҳий камчилиги ёки бошқа омиллар натижасида ёрдамга муҳтоҷ жабрланувчига нисбатан;
- б) икки ёки ундан ортиқ шасхлар томонидан;
- в) маҳсус қийноққа солиш қуроллари ёки шу мақсадларга мўлжалланган бошқа ашёлардан фойдаланган ҳолда;
- г) масъулиятли давлат лавозимини эгаллаган шахс томонидан содир этилса, – икки йилдан беш йилгача

муддатга маълум лавозимни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғуланиш хуқуқидан маҳрум этган ҳолда беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиди, деб белгиланган.

Шунингдек, Молдава жиноят қонунчилигида қийноққа солғанлик учун жавобгарлик белгиланган ЖК “Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар” 1-бобининг “Инсонийликка зид муомала” номли 137-моддасида жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг биринчи қисмида: жароҳатланганлар, касаллар, ҳарбий асирлар, фуқаровий шахслар, фуқаровий тиббий ходимлар ёки Қизил Хоч жамияти ва бошқа шундай турдаги ташкилотлар тиббий ходимларига, кема ҳалокатига учраган шахсларга, шунингдек, душман қўлига тушган ҳар қандай бошқа шахсларга қасдан оғир азоб бериш ёки оғир тан жароҳатлари етказиш ёки соғлиғига бошқача оғир шикаст етказиш мақсадида ҳар қандай турдаги қийноққа солиш ёки инсонийликка зид муомалада бўлиш ёхуд кўрсатилган шахсларда тиббий, биологик ёки бошқача илмий тажрибалар ўтказиш – саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланган.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, (модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан): а) душманнинг қуролли кучларида хизмат қилишга мажбурлаш; б) гаровга олиш; в) депортация қилиш; г) қонуний асоссиз бошқа жойга ўтказиш ёки озодликдан маҳрум этиш; д) қонунга хилоф тузилган суд томонидан суд муҳокамаларисиз ёки қонунда белгиланган асосий хуқуқий кафолатларга риоя қилмаган ҳолда жавобгарликка тортиш, – ўн икки йилдан йигирма йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиди, деб белгиланган.

Молдава ЖК 137-моддаси учинчи қисмига кўра, модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қонуний судсиз қийноққа солиш, тан жароҳатлари етказиш, қириб

юбориш ёки ўлим жазосига маҳкум этиш, – ўн олти йилдан йигирма йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади, деб белгиланган.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, қийноқни жиноий-хуқуқий тақиқлашга қаратилган хуқуқий нормаларнинг шакллантирилишида бу каби фарқлар бўлишига қарамасдан, фикран амалда бир-бирига ўхшашдир. Фақатгина баъзи мамлакатлар қонунчилигида, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси жиноят қонунида қийноқ оғирлаштирувчи ҳолат ёки жиноят содир этиш усули сифатида қарапади.

Бошқа хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги қийноқ учун жиноий жавобгарлик белгилашда янада турли хиллиги билан ажралиб туради.

Австрия ЖКнинг 83§ 2-қисмига кўра, шахснинг содир этган қилмиши “бошқа шахснинг жисмоний бутунлигига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш (қийнаш) ва бунинг оқибатида эҳтиётсизлик натижасида баданга шикаст етказиш ёки соғлиққа зиён етказиш” сабаб бўлса, бундай қилмиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади¹. Бундан ташқари, таҳлил қилинган модда қийнашни ҳам қамраб олади. Бунда дастлабкиси баданга ёки соғлиққа шикаст етказилишига сабаб бўлган қийнаш учун жавобгарликни тартибга солса, сўнггисига кўра, жавобгарлик келиб чиқиши учун эса, ҳеч қандай оқибат талаб қилинмайди. Фақатгина аҳамиятли даражадаги зўрлик ишлатилган уч ёки ундан ортиқ эпизоднинг мавжуд бўлиши етарли бўлади.

Австрия ЖКнинг 92-ѓда кичик ёшлилар ва вояга етмаганларга ёки ожиз аҳволдаги шахсларга нисбатан содир этилган қийнаш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

¹ Уголовный кодекс Австрии / науч. ред. и вступ. статья д. ю. н., проф. С.В. Милюкова; предисловие Генерального прокурора Австрии, доктора Эрнста Ойгена Фабрици; перевод с немецкого Л. С. Вихровой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – С. 134-135.

Бу моддага асосан “ўзининг таъминотида ёки васийлигига бўлган ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ёки ночорлиги, касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли ожиз ахволдаги бошқа шахснинг жисмоний ёки руҳий азобланишига сабаб бўлган қийнаш” жиноятини содир этган шахс жавобгарликка тортилади¹. Мазкур нормада жисмоний ва руҳий азобланишга урғу берилади, лекин келиб чиқиш усули хақида ҳеч нима дейилмайди.

Бизнинг фикримизча, Дания ЖКнинг 245§да ҳам қийноқ жиноятининг аломатлари кўзга ташланади. Бу нормада “нисбатан қайгули ёки шафқатсиз ёки хавфли характерда ёки шафқатсизликда айбланган хужум” содир этган шахснинг жавобгарлиги назарда тутилади².

Тайланд ЖКнинг 296-моддасида жавобгарлик назарда тутилган “қийноқ ёки шафқатсиз равища жисмоний зарар етказиш” жиноятини ҳам қийноқ сифатида баҳолаш лозим³.

Испания ЖКнинг “Қийноқ ва руҳий бутунликка қарши бошқа жиноятлар” деб номланувчи VII бўлимида “жиддий равища шахснинг шаъни ва қадр-қимматини хўрловчи муносабатда бўлиш” учун жавобгарлик белгиловчи 173-модда мавжуд⁴. Айни бўлимнинг 174-моддасида мансабдор шахс томонидан содир этилган қийноқ учун жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, Испания

¹ Уголовный кодекс Австрии / науч. ред. и вступ. статья д. ю. н., проф. С.В. Милюкова; предисловие Генерального прокурора Австрии, доктора Эрнста Ойгена Фабрици ; перевод с немецкого Л.С. Вихровой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – С. 141.

² Уголовный кодекс Дании / научное редактирование и предисловие к.ю.н. С.С. Беляева; перевод с датского и английского к.ю.н. С.С. Беляева, А. Н. Рычевой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 185.

³ Уголовный кодекс Таиланда / науч. редактирование и предисловие д.ю.н., проф. А.И. Коробеева, д.ю.н., проф. Ю.В. Голика. – М.: Юридический центр Пресс, 2005. – С. 151-153.

⁴ Уголовный кодекс Испании / под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой и д.ю.н., проф. Ф.М. Решетникова. – М.: Зерцало, 1998. – С. 60.

ЖКнинг 153-моддасида гап сурункали жисмоний зўрлик ишлатиш ҳақида боради¹.

Бирок, юқоридаги ҳолатларда жисмоний шикаст етказганлик учун жавобгарлик Испания ЖКнинг 177-моддаси билан белгиланади. Испания ЖКнинг 153-моддасида “эр (хотин)ига ёки доимий ўзаро хаёт тарзи кечириш каби муносабатларида бўлаётган шахсга ёки биргаликда яшаб турган, васийлик қилаётган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган ўзининг болаларига ёки эр (хотин)ига ёки бирга яшовчисининг болаларига нисбатан муттасил жисмоний зўрлик ишлатиш” учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилган. Кўриниб турибдики, бу норма Австрия ЖКнинг 92§ билан бир қатор умумийликларга эга. Бошқа белгиларга эга бўлган қийнаш Испания ЖКга кўра баданга шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан квалификация қилинади.

Қийноқ учун жавобгарликка бўлган бундай ёндашувни Франция ЖКда ҳам кузатишимиз мумкин. Франция ЖКнинг “Шахс дахлизлиги қасдан тажовуз қилиш” деб номланувчи I бўлимининг II – “Шахснинг жисмоний ва руҳий дахлизлиги тажовузлар” бобининг 1§ “Қийноқлар ва шафқатсиз муносабатлар”ни тартибга солади. Бу параграфда шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ва қийноқнинг жиноят-хукукий тақиқланиши кўзда тутилган. Бундай қилмишларнинг муттасил равишда вояга етмаган, ўн беш ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан ёки ёши, касаллиги, майиблиги, жисмоний ёки руҳий нуқсони туфайли ожизлиги ёки ҳомиладорлиги кўриниб турган ёки айбордога аён бўлган шахсларга нисбатан содир этилиши Франция ЖКга кўра, “Қийноқлар ва шафқатсиз муносабатлар”ни содир этишнинг квалификация қилиш белгисидир.

¹ Қаранг: Уголовный кодекс Испании / пер. с исп. В.П. Зыряновой, Л.Г. Шнейдер / под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Ф.М. Решетникова. – М., 1998. – С. 54.

Мазкур кодекснинг 222¹-моддасида шахсга нисбатан қийноққа солиш ёки шафқатсиз ҳаракатларни қўллаш – ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади дейилса, 222²-моддасида 222¹-моддада кўрсатилган ҳаракатлар қасдан одам ўлдириш ёки номусга тегиши жиноятлари билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этилса – умрбод озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланган.

Мазкур бўлимнинг 2§ зўрлик ишлатиб содир этиладиган қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутади. Бунда Франция ЖКнинг алоҳида ажратилган 222¹⁴-моддаси юқорида санаб ўтилган “ожиз ахволдаги шахс”ларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этилган қилмишлар учун жавобгарликни кўзда тутади¹.

Германия Федератив Республикаси ЖКнинг 225§ васийлик қилувчи шахсларнинг ўн саккиз ёшга тўлмаган, шунингдек касаллик ёки жисмоний нуқсони туфайли ожиз ахволдаги ўзининг қарамоғида ёки васийлигида бўлган; айборнинг оила аъзоси бўлган; айборга моддий жиҳатдан қарам бўлган ёки қарамоғига топширилган; хизмат доирасида ёки иш муносабатларида айборга қарам бўлган шахсларга нисбатан азоблаш ёки қийнаш жиноят сифатида эътироф этилади ва бундай жиноятини содир этган шахсларга нисбатан жиной жавобгарлик белгилайди². Қийнаш характерида бўлган бошқа қилмишлар ГФР ЖКнинг баданга шикаст етказишга оид моддалари билан квалификация қилинади³. Буни ҳам қийноқ деб хисобласак бўлади.

¹ Уголовный кодекс Франции / науч. редактирование к.ю.н., доц. Л.В. Головко, к.ю.н., доц. Н.Е.Крыловой; перевод с французского и предисловие к.ю.н. Н.Е. Крыловой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 178-193.

² Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии / науч. ред. и вступ. статья д.ю.н., проф. Д.А. Шестакова; предисловие доктора права Г.Г. Йешека; перевод с немецкого Н.С. Рачковой. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 380.

³ Уголовное право зарубежных государств. Учебное пособие / Под ред. И.Д. Козочкина. – М.: Омега-Л, 2003. – С. 388.

Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодекси 247-моддасида адлия ходимлари томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчидан мажбурий тан олиши мақсадида, шунингдек, мажбурий гувохлик кўрсатмалари беришга эришиш учун қийнок учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг 2-қисмида: ўша ҳаракатлар жабрланувчининг соғлиғига зарар етказса ёки ўлим келиб чиқса, жавобгарликнинг оғирлаштирилиши кўрсатилган.

Шунингдек, Хитой Жиноят кодекси 307-моддасида Зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, оғдириб олиш ёки бошқача усувлар билан гувохнинг гувохлик кўрсатмаларини беришига тўскенилик қилиш ёки уни ёлғон кўрсатмалар беришга мажбурлаш – уч йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки қисқа муддатли қамоқ жазоси билан жазоланади, дейилади. Ушбу қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилиши – уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади.

Хитой ЖК 307-моддаси иккинчи қисмига кўра, оғирлаштирувчи ҳолатларда далилларни йўқотиш ёки қалбаки-лаштиришда иштирок этувчи томонларга кўмаклашиш – уч йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки қисқа муддатли қамоқ жазоси билан жазоланади, деб белгиланган.

Хитой ЖК 307-моддаси учинчи қисмида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳаракатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан содир этилса – қонунда белгиланган жазоларнинг энг оғири билан жазоланади, деб белгиланади.

Шундай қилиб, қийноқ учун жавобгарлик белгилаш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, қўйидаги асосий хулосаларга келишимиз мумкин.

1. Ёндашишларнинг сезиларли даражада турлича бўлишига қарамасдан, кўпчилик мамлакатларда қийноқ учун жавобгарлик айнан жиноят қонунчилиги билан белгиланади.

2. Кўпгина МДХ иштирокчиси бўлган давлатларда қийноқ учун жавобгарлик белгиловчи жиноий-хукукий нормалар мустақил нормалар сифатида, айримларида масалан, Россия, Беларусь Республикасида жавобгарликни оғирлаштирувчи усул сифатида берилган.

3. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Франция ва Испания қонунчилиги жисмоний ва руҳий тажовуз учун жавобгарликни алоҳида гурӯҳ нормаларда мустаҳкамлайди. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддасида ҳам жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатиш алоҳида ажратиб кўрсатилади. Лекин, БМТнинг “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-кимматни камситувчи турларига қарши” конвенцияда қийноқнинг белгиларидан бири қасдан етказиладиган **кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ** ёхуд **азоб** сифатида кўрсатилган. Юқоридаги конвенция талабларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 235-моддаси 1-қисми диспозициясида кучли **руҳий азоб** ёки **жисмоний оғриқ** етказиш тушунчаси билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ХУЛОСА

I. Жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Ҳалқаро хукуқий ҳужжатлар, миллий ва хорижий хукуқшунос олимларнинг илмий ишларида келтирилган “қийнок” тушунчасини таҳлил қилган ҳолда шундай хулосага келдикки, шафқатсиз муомала ёки муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам қийнок ҳолатларига қараганда азоб беришнинг унча оғир бўлмаган даражасини ўз ичига олувчи ёмон муомалани ифодаловчи юридик атама хисобланади. Лекин мазкур тушунчалар бир хил тушунчалар эмас. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 235-моддасини “**Қийнок**” деб номланишини таклиф қиласиз.

2. Ушбу жиноятни содир этиш натижасида, яъни уриш, дўйпослаш натижасида баданга маълум бир оғирликдаги шикаст етади. Фикримизча, жабрланувчига мазкур жиноят натижасида енгил шикаст етказилган бўлса, қилмиш жиноятлар жами бўйича квалификация қилинмайди. ЖК 235-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилишнинг ўзи етарли хисобланади. Шунингдек, мазкур жиноят натижасида баданга оғир шикаст етказилса, ЖК 235-моддаси 3-қисми билан, баданга ўртача оғир шикаст етказилган ҳолатда эса, ЖК 105-моддаси ҳамда ЖК 235-моддаларининг тегишли қисми билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилинади. Фикримизча, Жиноят кодексининг 235-моддаси таркибида “**ўртача оғир шикаст етказилишига олиб келса**”, деган нормани киритиш керак.

3. Ушбу қилмиш натижасида, жабрланувчининг ўлимига олиб келган ҳолларда мазкур кодекснинг 235-моддасининг тегишли қисми ҳамда 104-моддаси 3-қисмининг тегишли банди билан жиноятлар жами сифатида ёки 97-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади. Фикримизча, ЖК 235-моддасининг 3-қисми “...**оғир оқибатларга**” деган сўзлардан кейин “**жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса**”, деган сўзларни киритиш лозим.

4. ЖКнинг 235-моддаси 2-қисм д бандига “**қария, ногирон ёки ожиз ахволдаги шахсга**” сўзларини қўшишни таклиф этамиз.

5. Бундан ташқари, ЖКнинг 235-моддасининг барча қисмлари санкциясида ушбу жиноятни содир этганлик учун муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси қўшимча жазо сифатида киритилиши лозимлиги мақсадга мувофиқ. Ушбу жазо фақатгина ушбу модданинг З-қисмida назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси 1-қисми санкциясида З йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Фикримизча, қийноқнинг халқаро ҳамжамият томонидан оғир жиноят сифатида эътироф этилишини инобатга олиб, ҳамда миллий қонунчилигимизга асоан ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилигидан, жамият учун ижтимоий хавфлилик дараҷаси юқори эканлигини инобатга олган ҳолда ЖКнинг 235-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини олиб ташлаш ва ушбу жиноятларни содир этганлик учун фақатгина озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

II. Жиноят-процессуал қонунини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. “Қийноқларга солишига ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши” Конвенциянинг З-моддасида “Ҳеч қайси иштирокчи давлат қайсиdir шахсни бошқа давлатга агар унга у ерда қийноқ қўлланилиши мумкин, деб ўйлашга жиддий асослар мавжуд бўлса, уни жўнатмаслиги, қайтармаслиги ёки бермаслиги керак”, дейилади.

Мазкур қоидани мамлакатимиз қонунчилигига ҳам жорий қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси “Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган шахсни хорижий давлатга ушлаб беришни рад этиш”, деб номланган 603-моддасига “**шунингдек, шахсни қийноқца солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ёхуд инсоннинг асосий ҳукуқларини бузувчи хатти-ҳаракатларга дучор қилиниши эҳтимоли бўлса**” деган жумлани киритишимиш лозим.

III. Шу билан бир қаторда, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи мұо-мала ҳамда жазо турларини қўллашга оид жиноят ишларида қонун нормаларини тўғри қўллаш юзасидан **Олий суд Пленуми қарорининг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.** Бу суд амалиётида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

IV. Мазкур соҳадаги муаммоларнинг ечимиға фақатгина қонунчиликни такомиллаштириш билан эришиш мушкул. Шу боисдан, ушбу йўналишдаги хукуқий тарғибот ва оммавий ахборот воситалари орқали тушунтиришлар олиб бориш ўзига хос аҳамиятга эга. Жумладан:

- шахсларнинг суриштирув ва дастлабки терговдаги, жазони ижро этиш вақтидаги хукуқларини тушунтиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш;
- қийноққа қарши қаратилган тезкор қидирув ва тергов харакатларини амалга ошириш учун халқаро стандартларни ўзида мужассам этган методик қўлланмалар ишлаб чиқиш;
- хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қийноққа оид жиноий харакатларни бартараф этиш юзасидан муайян дастурларни ишлаб чиқиш;
- хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг тизимли малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш;
- қийноқни тақиқланиши ҳамда олдини олиш юзасидан давлат ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини яратиш;
- озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгроқ қўллаш ҳамда ярашув институти нормаларини янада кенгайтириш;
- хукуқий, социологик, гуманитар ва бошқа соҳаларда фундаментал илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш зарур бўлади.

**Каримов Хуршид Акрамович
Облакулов Давлат Олтинбоевич**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ
ҚОНУНИДА ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА БОШҚА
ШАФҚАТСИЗ, ФАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ
ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА
ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАНЛИК
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Ўзбек тилида

Мухаррирлар: *A. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева*
Техник мухаррир: *А. Аҳмедов*
Компьютерда
саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АI № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-үй.
Телефон: 8 (371) 268-28-41, 268-28-56.

Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишига руҳсат этилди 01.07.2014 й.
Коғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 10,5.
Нашриёт ҳисоб табори 8,75. Адади 50 нусха.
...-сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.